

САЙДУЛЛА
МИРЗАЕВ

ҒОЯВИЙЛИК —
БАЙРОҒИМИЗ

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1980

ББК 83,3Уз
М54


Мирзаев Сайдулла

Гоявийлик—байроғимиз,—Т. Адабиёт ва санъат нашриёти.
1980.—160 б.

Мирзаев С. Идейность и художественность.

ББК 83, 3Уз
8Уз

ХУЗ
М.У.



Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг профессори, Сайдулла Мирзаев ушбу китобида узоқ йиллардан бери ишлаётган мавзун—адабиётимизнинг гоявийлиги, партиявийлиги, сифийлиги ҳақида фикр юритилди; Китобда партия ва ҳукуматимизнинг адабиёт ва санъат раппақиға кўрсатаётган ғамхўрлиги ёритилади. Асар адабиёт, санъат мухлисларига, олий ўқув юртларининг талабаларига муҳалланган.

М $\frac{70202 - 158}{352 (04) - 80}$ 168 — 80 4603010202

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й.

КИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев «Тегишли моддий-техника базасини вужудга келтирмай туриб коммунизм қуриш мумкин бўлмаганидек, кишиларнинг маданияти, билими, ижтимоий онгини юксак даражага кўтармай туриб, уларни маънавий камолотга етказмай туриб коммунизм қуриш ҳам мумкин эмас»¹, деган эди. Маълумки, бундай муқаддас ва шарафли вазифани бажаришда — ҳар жиҳатдан камолотга эришган етук кишиларни тарбиялаб етиштиришда адабиёт ва санъатнинг роли ғоят буюқдир. Чунки адабиёт ва санъат инсон табиатининг нозик томонларига чуқур кириб бориб, миллион-миллион кишиларнинг маънавий қиёфасини, дунёқарашини шакллантиришга бевоқиф хизмат қилади. Зотан, «Жамиятимиз коммунистик қурилиш йўлидан олға борган сари совет кишисининг дунёқарашини, унинг ахлоқий эътиқодларини, маънавий маданиятини шакллантиришда адабиёт ва санъатнинг роли кучаймоқда. Шу сабабли адабиётимиз билан санъатимизнинг ғоявий мундарижасига, уларнинг жамиятда ўйнаётган ролига партия катта эътибор бериб келганлиги ва эътибор бераётганлиги табиий ҳолдир»².

¹ Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезидига ҳисобот доклади, «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1971, 110-бет.

² Уша асар, 116-бет.

Партиямиз ўзининг бутун тарихи давомида адабиёт ва санъатга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Марксизм-ленинизм классиклари санъат ва адабиёт масалаларига ҳам жуда катта эътибор берганлар ва бу соҳада энг илмий ва энг изчил таълимотлар яратиб қолдирганлар.

Қ. Маркс ва Ф. Энгельснинг адабиёт ва санъат ҳақидаги доҳиёна фикрларини янги давр ва янги шароитда В. И. Ленин ривожлантирди, ҳамда тарихда биринчи бўлиб адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги марксистик таълимотни ҳар жиҳатдан асослаб берди. Адабиёт халққа, партияга, жамият тараққиётига хизмат қилиши зарурлигини, адабиётнинг партиявийлиги ҳаёт тақозосидан келиб чиқишини исботлаб кўрсатди.

В. И. Ленин ўзининг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» (1905) номли классик асарида буржуа идеологларининг адабиётнинг «эркин»лиги ҳақидаги «назария»ларига қарши курашиб, «Адабиёт партиявий бўлиши керак. Социалистик пролетариат буржуа ахлоқига қарши, буржуазиянинг фойдатамаъ, сотқин матбуотига қарши, адабиётда буржуа шуҳратпарастлиги ва шахси ятпарастлигига, «тўраларча анархизм»га ва манфаатпарастликка қарши а д а б и ё т п а р т и я в и й д и р, деган принципни олға суриши, бу принципни кенгайтириши ва уни мумкин қадар тўла ҳамда бутун формада амалга ошириши керак»¹, деб таълим берган эди. В. И. Лениннинг адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги таълимоти нақадар тўғри ва нақадар ҳаётий эканини турмуш — совет воқелиги ва совет адабиёти тўлиқ исботлади.

В. И. Лениннинг бадиий ижоднинг партиявийлигига доир фикрлари улуг доҳиймиз томонидан адабиёт ва санъат ҳақида яратилган материалистик таълимотнинг асосини ташкил этади. В. И. Лениннинг икки миллий маданият тўғрисидаги кўрсатмалари ва Лев Толстой

¹ В. И. Ленин. Асарлар Т., Ўзгавнашр, 10-том, 32-бет

ижодига доир мулоҳазалари ҳам, ўтмиш маданий меросини танқидий ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш ҳақидаги таълимоти ҳам адабиётнинг партиявийлиги принципини тўлдиради ва уни тўғри тушунишга кўмаклашади.

Бадий ижоднинг партиявийлиги ҳақидаги ленинча таълимот совет адабиётининг гоаявий асосидир. Бинобарин, ленинча партиявийлик социалистик реализм адабиётининг бош масаласидир. Адабиётнинг партиявийлиги ҳақидаги ленинча таълимот социализм билан капитализм ўртасидаги кескин идеологик кураш давом этаётган ҳозирги пайтда айниқса муҳим илмий ва сиёсий аҳамият касб этади.

В. И. Ленин социалистик жамият адабиётининг асосий хусусиятларини кўрсатиб бериш билан бир қаторда, бу янги адабиётнинг яратиш йўллариини ҳам белгилаб берди. Бадий ижоднинг ўзига хос хусусиятлари, санъаткорнинг гражданлик бурчи ва ижод эркинлиги, адабий ишда шахсий ташаббусга кенг имкон бериш, ёзувчиларнинг индивидуал қобилиятини авайлаб парварини қилиш ва талантларни эҳтиёткорлик билан қўллаб-қувватлаш, адабиётдаги форма ва стил ранг-баранглиги ҳақида доҳиёна кўрсатмалар яратди.

Улуғ Лениннинг адабиёт ҳақидаги, хусусан, бадий ижоднинг партиявийлиги тўғрисидаги таълимоти Коммунистик партиямиз қўлида адабиёт ва санъатга раҳбарлик қилиш соҳасида методологик программа бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шу билан бирга, бу таълимот КПСС томонидан ижодий равишда ривожлантирилмоқда. Партия съездларининг ҳужжатлари, Марказий Комитетнинг адабиёт ва санъат соҳасида чиқарган тарихий қарорлари кундалик кўрсатмалари ана шундан далолат беради.

Сўнги вақтларда ўзбек совет адабиётшунослигида В. И. Лениннинг назарий меросини, хусусан, унинг ада-

биёт ва санъат ҳақидаги таълимотини илмий асосда ўрганиш ва пропаганда этиш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Л. Қаюмовнинг «Бадий ижодда ленинча таълимот» (1971), С. Қосимовнинг «Ленин. партия, адабиёт» (1972), М. Хайруллаев, Д. Шораҳмедовнинг «Маданият ва мерос» (1973) каби асарлари ва олимлардан В. Зоҳидов, Ғ. Қаримов, И. Султонов ва бошқаларнинг бу соҳадаги тадқиқотлари шулар жумласидан бўлиб, улар марксизм-ленинизмнинг адабиёт ва санъат ҳақидаги таълимотини ўрганиш ва кенг омма орасида пропаганда этишда ижобий роль ўйнаб келмоқдалар.

Мазкур тўплам авторнинг шу тема устида кўп йиллар давомида олиб борган кузатишлари натижаси ўлароқ вужудга келган бир нечта мақолалари ва ажойиб асарлар яратиб ўзбек совет адабиётининг тараққиётига ўз улушларини қўшаётган лекин ижодлари етарлича ўрганилмаётган баъзи адибларнинг ижодлари хусусидаги тадқиқотларидан тузилди.

КПСС — СОВЕТ АДАБИЁТИНИНГ РАЎБАРИ ВА ИЛҲОМЧИСИ

Маълумки, Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизда янги типдаги забардаст адабиёт — ҳаётни ҳаққоний акс эттириш орқали Коммунистик партия ишига бевосита хизмат қилувчи социалистик реализм адабиёти майдонга келди. Бу адабиётнинг туғилиши ва ёт унсурларга қарши ғоявий курашларда чиниқиб ўсишида Коммунистик партиямизнинг адабиётга ленинча доно раҳбарлиги ҳал қилувчи роль ўйнади.

Шунга қарамасдан, адабиётшунослигимизда «Коммунистик партиянинг адабий процессни шакллантирадиган роли тўғрисидаги тушунча етарли ишланмаётир. Бу тушунча алоқида ажратилиши ва адабиёт тарихининг қонунияти сифатида ўрганилиши лозим»¹. Ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб биз мазкур бобда КПССнинг адабиётга раҳбарлиги ва унинг самаралари ҳақида фикр юритамиз.

Фактлар шундан далолат берадики, Коммунистик партия ўз фаолияти давомида адабиётнинг партиявийлиги ҳақидаги ленинча таълимотни ижодий ривожлантириш билан бирга, уни ҳаётга жорий этиш, янги типдаги адабиёт яратиш учун изчил ва астойдил кураш олиб борди; бу кураш ҳозир ҳам турли формаларда давом этмоқда. Дарҳақиқат, Коммунистик партиянинг

¹ Иzzат Султон. Асарлар, II том, Т., Ўзадабийнашр, 1972 йил, 145-бет.

адабиётга раҳбарлик ва сўз санъаткорлигига доимий ғамхўрлик қилиб келиши натижасида совет адабиёти идеологик курашларда ғолиб бўлиб чиқди ва катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Совет адабиётининг тараққиёт тарихига назар ташланса, унинг юксалиш йўли буржуа идеологиясининг турли хил кўринишларига қарши Коммунистик партия раҳбарлигида аёвсиз кураш олиб боришдан, ленинча юксак ғоявийлик шиорини баланд кўтариб халққа, партиёга содиқ хизмат қилишдан иборат бўлиб келганлиги яққол кўринади.

Коммунистик партиянинг бадиий адабиётга раҳбарлиги — партиянинг бадиий ижодга ғамхўрлигидан, ёзувчиларга тўғри йўл — халққа ва жамият тараққиётига хизмат қилиш йўлини кўрсатишдан ва ёзувчиларни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Л. И. Брежнев айтганидек: «Партия раҳбарлигининг кучи — санъаткорнинг халққа хизмат қилишдек олижаноб вазифага ихлосини ошира билишдан, унинг жамиятни коммунистик негизларда қайта қуришнинг эътиқодли ва актив қатнашчисига айлантира билишдан иборат»¹.

Тўғри, Коммунистик партия ижодкорларни янги-янги ижодий ютуқлар сари рағбатлантирар экан, ёзувчи олдига халқ ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан маълум талаблар ҳам қўяди: уни доимо ростгўй бўлишга, ҳаётни ҳаққоний акс эттиришга, меҳнаткаш халқнинг орзу-истакларини изчиллик билан ҳимоя қилишга, халқ манфаати ва жамият тараққиёти учун ҳалол хизмат қилишга даъват этади. Шу билан бирга, Коммунистик партия ижодкорларнинг граждан ва ёзувчи сифатида ўсишига ҳар жиҳатдан ёрдамлашади, уларни авайлаб тарбиялаб вояга етказади. Уларга ростгўй асарлар

¹ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездида ҳисобот доклади, «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1971 йил, 119-бет.

яратишда ижодий эркишлик беради. Санъаткорларнинг шахсий ижодий ташаббусини, социалистик реализм йўлидаги дадил изланишларини, янгиликка интилишларини, ҳақиқий новаторликларини қўллаб-қувватлайди. Талантларнинг индивидуал томонларини парваришлаб юзага чиқаради. Барча халқпарвар ижодкорларнинг қобилиятини бир мақсад, бир ғоя (коммунистик ғоя) атрофига бирлаштириб, уларни енгилмас монолит ижтимоий кучга айлантиради ва коммунистик қурилишга оммавий суратда сафарбар қилади. Коммунистик партиянинг адабиётга раҳбарлигининг асл моҳияти ҳам худди шундадир.

Бундай раҳбарлик адабиётнинг, ёзувчиларнинг униб ўсишида ғоят муҳим аҳамиятга эга. Буни ёзувчиларимизнинг ўзлари ҳам чуқур ҳис этадилар ва юксак кадрлайдилар. Николай Островский: «Бизларнинг ҳаммамизни (совет ёзувчиларини — С. М.) партия тарбиялаб вояга етказган», деб ёзган эди. М. А. Шолохов КПСС XXIV съездида сўзлаган нутқида: «Бизни мана шу съездга тўплаган партия бўлмаганида, адабиётимизнинг ютуқлари ҳам бўлмас эди, совет адабиётининг ўзи ҳам бўлмас эди («Правда» газетаси, 1971 йил, 4 апрель), деган эди.

Қомил Яшин эса: «Жонажон Коммунистик партиямизга алоҳида миннатдорчилик изҳор этгим келади. Партиямиз кўплар қатори мени ҳам меҳр билан тарбиялади, халққа хизмат қилишни ўргатди, қўлимга табаррук қалам берди. Мени ёзувчи қилиб етиштирди. Ҳеч бир замонда ҳеч қайси мамлакатда ижодкор жамият ва давлат томонидан бу қадар эъзоз-ҳурмат, меҳру муҳаббат ва эътибор билан қуршалмагандир. Ҳеч қаерда адабнинг камтарона меҳнати бу қадар юксак баҳоланмаган («Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1972 йил, 19 май), деб айтган эди. Ана шуларни назарда тутиб, ёзувчи Шароф Рашидов «Партиянинг адабиётга раҳбарлик қилиши дилимизга хуш келади. Қема учун маёқ, сайёҳ

учун компас. ер учун қуёш азиз бўлгани каби, биз, ёзувчиларга ҳам бу раҳбарлик ана шундай азиздир», деб уқтирган эди.

Маълумки, В. И. Ленин халқ ёзувчиларини ва санъаткорларини тарбиялашни ҳамisha партия иши, давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим иш деб билар эди. Шунга кўра, В. И. Ленин истеъдодларни тарбиялашга, ёзувчиларнинг Коммунистик партиянинг доно ва халқчил сиеватини чуқур тушуниб олишларига кўп аҳамият берар, санъаткорлар орасида чидам билан тушунтириш ишларини олиб бориш кераклигини қайта-қайта уқтирар ва бу соҳада унинг ўзи бошқаларга ибрат кўрсатар эди. Бу жиҳатдан Владимир Ильичнинг М. Горький, В. Маяковский, Д. Бедный, А. Серафимович каби ёзувчиларга қилган ғамхўрликлари ғоят диққатга сазовордир¹.

В. И. Ленин: «Истеъдод — ноёб нарса. Уни мунтазам равишда эҳтиёткорлик билан қўллаб-қувватлаш керак». «Омма орасидан санъаткорлар етиштириб чиқариш ва уларни ўстириш керак»² деб таълим берган эди. Улуғ дохиймизнинг ёзувчиларни тарбиялаш, уларга оталарча ғамхўрлик кўрсатиш соҳасидаги ибратли ишлари ва доно кўрсатмалари партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати томонидан изчиллик билан давом эттирилмоқда. Партия съездларининг ҳужжатлари, КПСС Марказий комитетининг адабиёт ва санъат соҳасида чиқарган тарихий қарорлари ва кундалик кўрсатмалари ана шундан далолат беради.

Чунончи, партия Марказий Комитетининг «Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиевати ҳақида» (1925 йил 18 июнь), «Адабий-бадий ташкилотларни

¹ Қаранг: С. Шермухамедов, С. Мирзаев. Ленин ва адабиёт. Т., 1970 й., 181—185-бетлар.

² Ленин маданият ва санъат тўғрисида. Т., Уздавнашр. 1967 йил, 577-бет.

қайта тузиш ҳақида» (1932 йил 23-апрель). «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида» (1946 йил 14 август). «Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида» (1946 йил 26 август). «Адабий-бадий танқидчилик ҳақида» (1972 йил 26 январь) чиқарган тарихий қарорлари адабиёт ва санъат аҳлига ленинча эътибор ва ғамхўрлик руҳи билан суғорилгандир. Бу қарорлар В. И. Ленин томонидан 1905 йилдаёқ белгилаб берилган социалистик жамият адабиётини яратиш ва уни коммунистик партиявийлик принципи асосида ривожлантириш программасини конкрет турмуш шароитига боғлаб амалга оширишнинг турли босқичларини ташкил қилади.

Агар 1925 йилги қарорда адабиётда пролетар гегемонлигини таъминлаш масаласи кўтарилган бўлса, 1932 йилги қарорда эса бадий ижод соҳасида совет платформаси тўлиқ ғалаба қилганлиги назарга олиниб, адабий-бадий ташкилотларни қайтадан тузиш, социалистик жамиятга хизмат қилишни истаган барча ёзувчиларни бир марказга бирлаштириш гоёси олға сурилган.

1946 йилда чиқарилган қарорларда адабиёт ва санъатнинг гоёвий-бадий юксаклиги, партиявийлиги, замонавийлиги проблемалари диққат марказига қўйилган бўлса, 1972 йилги қарорда эса адабий-бадий танқидчиликнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, танқидчиликнинг бадий ижод тараққиётидаги ўрни ва шарафли вазифалари яққол кўрсатиб берилган.

Партия Марказий Комитети томонидан турли йилларда қабул қилинган ва давр талабларига ўз вақтида берилган жавоб сифатида майдонга келган бу қарорларнинг ҳаммаси ҳам адабиёт ва санъат тараққиётида, истеъодларнинг униб-ўсишида жуда катта аҳамият касб этдилар. Бу қарорларнинг аҳамиятини ўз вақтида ёзувчиларимиз катта қониқиш ва мамнуният билан қайд қилган эдилар. М. Горький 1925 йилги қарор ҳақида: «Бу резолюция ёзувчилар учун, шубҳасиз, жуда катта

тарбиявий аҳамиятга эга бўлади ва бадий ижодни олдинга қараб қаттиқ силжитади»¹, деб ёзган эди.

Чиндан ҳам худди шундай бўлди. РКП(б) Марказий Комитетининг «Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида»ги қарори эълон қилингандан сўнг авваллари партиясизлик байроғи остида иш кўриб юрган турли маслакдаги (масалан, «Ҳамроҳлар» гуруҳига мансуб бўлган) ёзувчиларнинг аксарияти совет платформасига ўтди. Натижада адабиётда пролетар гегемонлиги таъминланиб, ленинча партиявийлик принципи турмушда амалга оширилди.

Ўзбек адабиётида баъзи адашган ёзувчиларнинг тўғри йўлга тушиб олишларида, шунингдек, Ҳамза, С. Айний, Ғайратий, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғ. Ғулом каби истеъдодли ижодкорларнинг униб-ўсишида, ҳақиқий халқ ёзувчилари бўлиб етишувида ҳам бу қарор муҳим роль ўйнади.

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабий-бадий ташкилотларни қайта тузиш ҳақида»ги (1932) қарори совет адабиётининг ривожланиш тарихида янги босқичнинг бошланишига шароит ҳозирлади; ёзувчиларимизнинг илҳомига илҳом қўшди. Ана шунга кўра, Ойбек 1934 йилдаёқ «Марказий Комитет қарори зўр ижодий муҳит яратди. Марказий Комитетнинг қароридан сўнгги давр ичида мен уч дoston ва бир неча шеърлар ёза олдим. Мен асарларимнинг сиёсий жиҳатдан тўлақонли ва бадий жиҳатдан гўзал бўлишига ҳаракат қиламан», деб ёзган эди. Ғафур Ғулом эса: «Партиянинг 23 апрель тарихий қарори бошқа ёзувчилар каби менга ҳам кенг ижодий имкониятлар очиб берди. Менинг 1933 йил давомида 35 босма лист ҳажмида янги асарлар ёзганим далил бўлиб хизмат қилади», деб қайд қилган эди.

¹ М. Горький. Собрание сочинений, том 29, Госиздат художественной литературы. Москва, 1955 г. стр. 432.

Партия Марказий Комитетининг мазкур қарорига доир ана шундай илиқ юрак сўзларини А. Қодирий, Ҳ. Олимжон, Ойдин, Ғайратий, Яшин, Уйғун, Зафар Дийёр каби ёзувчилар ҳам изҳор этганлар. Ажойиб прозаик Абдулла Қодирий бу қарорни «Кутилган гўзал совға» деб атади ва «ВКП(б) Марказкомининг 23 апрель (1932 йил — С. М.) тарихий қарори билан адабиётимиз ўзининг янги даврини бошлади. Чунки шўро адабиёти бу тарихдан бошлаб, ўз қаноти остига шу кунгача социализм қозонида қайнамай келган «эскироқ» ёзувчиларни ҳам олди, уларга раҳбарлик қилди, турли моддий ва маънавий ёрдамлар берди ва бермоқда. Тўғриси айтиш керак: Коммунист (большевик) лар партиясининг бу олижаноб ҳаракати шўро санъатидан четроқ келган ёзувчиларга яхши таъсир этди»¹, деб ёзди.

Ҳақиқатда ҳам, Коммунистик партиясининг адабиётга кўрсатган ғамхўрликлари, бу соҳада амалга оширган тадбирлари, чиқарган қарорлари тезда ўз самараларини бера бошлади. 30-йилларда ўзбек совет адабиётида социалистик реализм принциплари янада мустаҳкамланди ва у Ҳамид Олимжоннинг жўшқин шеърлари ҳамда «Зайнаб ва Омон» номли ажойиб поэмаси, Ғафур Ғулломнинг фалсафий шеърлари, «Кўкан», «Ёдгор» каби йирик асарлари, С. Айнийнинг «Қуллар», «Судхўрнинг ўлими», А. Қодирийнинг «Обид кетмон», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» номли роман ва повестлари, А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романи ва ҳикоялари, Уйғун, Усмон Носир, Миртемир, Ғайратий, М. Шайхзода каби шоирларнинг дилбар шеърлари, К. Яшиннинг «Гулсара», «Нурхон», «Номус ва муҳаббат» сингари тўлақонли драмалари билан бойиди. Ўзбек совет адабиётининг ҳаёт билан алоқаси сезиларли даражада яхшилади. Ёзувчиларимиз муҳим мавзуларда асарлар ёзиб, адабиётимизнинг

¹ Абдулла Қодирий. Кутилган гўзал совға ҳақида. «Ҷизил Ўзбекистон» газетаси, 1934 йил, 5 март.

замонавийлиги, гоявий-бадий етуклиги учун изчил кураш олиб бордилар. Натижада ўзбек совет адабиёти социализм жамияти қуриш даврининг ҳақиқий кўзгусига айлана борди, социалистик реализмнинг катта тараққиёт йўлига тушиб олди.

30-йилларда умумсовет адабиётида, жумладан, ўзбек совет адабиётида рўй берган катта ўсиш ва ижодий активлик Коммунистик партия томонидан адабиёт ва санъат соҳасида амалга оширилган тадбирларнинг, ёзувчиларга яқиндан кўрсатилган ғамхўрликларнинг, бошқача қилиб айтганда, партия билан адабиётнинг янада жипслашининг самараси эди. Буни чуқур ҳис этган А. Қодирий, Ш. Сулаймон, Ғ. Ғулум, Ойбек, Ғайратий, Ҳ. Шамс, Уйғун, А. Қаҳҳор каби бир гуруҳ ижодкорлар «Литература Средней Азии» газетаси орқали партия Марказий Комитетига мурожаат қилиб, «Биз бутунлай сиз биланмиз»¹ деб ўзларининг юрак сўзларини самимият билан изҳор этдилар.

Бу даврда адабиётимиз эришган ажойиб ютуқлар ўзбек адабиёти ва санъатининг 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган биринчи декадасида намоиш қилинди. Шу декада муносабати билан «Правда» газетасида (бош мақолада) ўзбек адабиёти ва санъати Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлигида тез ўеиб, оламшумул ютуқларни қўлга киритганлиги қониқиб билан қайд қилинди².

Ўзбек совет адабиётининг 20 ва 30-йилларда эришган ютуқлари социалистик жамиятимиз тарихий тараққиётининг сўнгги босқичларида тобора мустаҳкамланиб борди. Бунда ВКП (б) Марказий Комитетининг 1946-

¹ Газета «Литература Средней Азии», 1934 г., 30 января

² «Правда». Торжество узбекского искусства, 1937 год. 22 май.

1948 йилларда идеология соҳасида чиқарган қарорлари («Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида», «Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш тadbирлари ҳақида») ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бу қарорларда, бир томондан, Улуғ Ватан уруши йилларида совет ёзувчилари бажарган улуғ ишларга яқин ясалди ҳамда совет адабиётига юқори баҳо берилди. Иккинчи томондан, ўша вақтларда адабиётимизда учровчи жиддий хато ва камчиликлар кўрсатилиб, ижодий интеллигенция олдига кўпроқ ҳозирги замон мавзуларини ёритиш, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга бевосита ёрдам берадиган, халқ ва давлат ишига хизмат қиладиган, совет кишиларининг ўсиб бораётган талабаларини қондира оладиган, замонамизга муносиб гоёвий-бадий юксак асарлар яратиш вазифаси қўйилди.

Совет ёзувчилари партия Марказий Комитетининг бу қарорларини ўз ижодий фаолиятлари учун программа деб билдилар. Қарорлардан ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олдилар, ўз ижодларида кескин бурилиш ясадилар. Совет кишиларининг сермазмун ҳаётини, қаҳрамонона ишларини, курашларини, фикр ва туйғуларини ҳаққоний акс эттирувчи «Қизлар», «Олтин вождийдан шабадалар» (Ойбек), «Ғолиблар» (Ш. Рашидов), «Янги ер», «Қўшчинор чироқлари» (А. Қаҳҳор), «Ўқитувчи» (П. Турсун), «Уста Ғиёс» (Мирмуҳсин), «Қатта йўлда», «Пўлат қуловчи» (А. Мухтор), «Ҳаёт қўшиғи» (Уйғун), «Генерал Раҳимов» (К. Яшин), «Муҳаббаг» (Туйғун) каби кўпгина яхши асарлар яратдилар; ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга муносиб ҳисса қўшдилар. Натижада адабиётимизнинг мавқеи ва обрўси Иттифоқ миқёсида япада ўсди. Алексей Сурков худди шу ҳолни қайд этиб, «Ўзбек ёзувчиларининг асарлари Ўзбекистондагина эмас, Иттифоқимизнинг барча қардош республикаларида ҳам кенг шуҳрат қозонганлар. Ғафур Ғулום, Ойбек, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа-

ларнинг номлари бутун Совет Иттифоқига кенг ёйил-
гандир»¹, деган эди.

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий тан-
қидчилик ҳақида»ги (1972 й.) қарорини ижодий интел-
лигенция Коммунистик партиянинг совет адабиёти ва
санъатига кўрсатиб келаётган оталарча ғамхўрлиги-
нинг яна бир кўриниши сифатида кутиб олди. Қарорда
партия Марказий Комитети совет адабий-бадий тан-
қидчилиги олдида турган асосий вазифаларни бирма-
бир кўрсатиб бериш билан адабиётимиздаги партиявий
принципларнинг дахлсизлигини тагин бир бор таъкид-
лади. «Танқидчиликнинг бурчи,— деб таъкидланади қа-
рорда,— ҳозирги замон бадий жараёнидаги ҳодисалар-
ни, тенденцияларни ва қонунятларни чуқур таҳлил
этиб беришдан, ленинча партиявийлик ва халқчиллик
принципларининг мустаҳкамланишига ҳар тарафлама
кўмаклашишдан, совет санъатининг юксак ғоявий-эсте-
тик савияси учун курашишдан, буржуа мафқурасига
қарши изчиллик билан кураш олиб боришдан иборат-
дир»².

Бу қарорнинг аҳамияти аввало шундаки, у совет ада-
бий танқидчилиги тараққиётининг янги босқичини бош-
лаб берди. Қарордан сўнг адабий танқид ва адабиётшу-
носликка янада кўпроқ эътибор берила бошланди. На-
тижада адабий танқидчилигимиз ва адабиётшуносли-
гимизда илмий-профессионал савия анча ошди. Тан-
қидчиликнинг текшириш объекти ва авторларимизнинг
илмий қарашлари кенгайди. Бинобарин, бу даврда ба-
дий маҳоратга оид муҳим назарий проблемаларни,
муайян бир жанрнинг ўзига хос хусусиятларини, тарақ-

1А. Сурков. Москвада ўзбек адабиёти ва санъати де-
кадасининг тантанали очилиши маросимида сўзланган нутқ,
«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1951 йил 21 декабрь.

2 КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид-
чилик ҳақида»ги қарори, «Шарқ юлдузи» журнали, 1972 й.,
3-сон, 4-бст.

қиёт йўллариши тадқиқ қилишга, партиявийлик ва халқчиллик, традиция ва новаторлик, ижобий қаҳрамон ва замонавийлик, сюжет ва композиция, бадний тил ва услуб сингари масалаларни ёритишга эътибор янада кучайди. Бу соҳада кўзга кўринарли ишлар қилинди. В. Зоҳидов, И. Султонов, М. Нурмухамедов, Л. Қаюмов, Ҳ. Ёқубов, Ҳ. Абдусаматов, М. Қўшжонов, О. Шарафидинов, М. Юнусов, С. Мирвалнев, У. Норматов, П. Шермухамедовларнинг янги тадқиқотлари фикримизнинг далили бўла олади.

КПСС XXII съездида яқдиллик билан қабул қилинган партия Программасида совет адабиёти ва санъатига, унинг янги типдаги кишини тарбиялаб етиштиришдаги ролига юксак баҳо берилди. Шу билан бирга, Програмада совет адабиётининг характерли хусусиятлари, ҳаётдаги ўрни, ёш авлодин тарбиялашдаги роли ва адабиётимиз тараққиётининг бош йўли яққол кўрсатилди: «Совет адабиёти ва санъати миллионларча кишилар учун шодлик ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиши, уларнинг продаси, ҳисси ва фикрларини инфодалати, уларнинг ғоявий бойиши ва маънавий тарбияси учун восита бўлиб хизмат қилиши лозим. Адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги бош йўл — халқ турмуши билан алоқани мустаҳкамлашдан, социалистик воқеликнинг бойликлари ва ранг-баранг томонларини ҳаққоний ва юксак баднийлик билан акс эттиришдан, янги, чишакам коммунистик воқеликни илҳом билан ва яққол гавдалантиришдан ҳамда жамиятнинг олға ҳаракат қилишига тўсқинлик қилувчи ҳамма нарсани фаш этиб боришдан иборат»¹.

КПССнинг аввалги съездларида кўтарилган бошқа масалалар сингари адабиёт ва санъат масалалари ҳам

¹ КПСС XXII съездининг материаллари, Т. Ўздавнашр, 1962 йил, 461-бет.

партиянинг кейинги анжуманларида, хусусан. XXV съездеда ўзининг янада ёрқин ва тўлиқ ифодасини топди.

КПСС XXV съезди партиянинг адабиётга раҳбарлиги ва ғамхўрлигини яна бир намойиш этди. Шу билан бирга, партиянинг адабиётга раҳбарлиги ғоят самарали бўлаётганлигини ҳам яққол кўрсатди. Съезд адабиёт ва санъатнинг совет халқи жўшқин ҳаёти билан алоқасини янада мустаҳкамлашнинг конкрет йўл-йўриқларини белгилаб, социалистик реализм адабиёти тараққиёти учун янада кенг ва мусаффо уфқлар очиб берди. Шу асосда адабиётнинг партиявийлиги ва халқчиллиги ҳақидаги ленинча таълимотни назарий жиҳатдан янада бойитди.

Аввало шуни айтиш керакки, КПСС XXV съезди совет адабиёти — коммунизм учун курашда В. И. Ленин кўрсатиб берган улғу йўлдан адашмай ривожланаётганини, адабиётнинг ҳаёт билан алоқаси кун сайин мустаҳкамланиб бораётганлигини, ёзувчиларимиз муҳим замонавий мавзуларни акс эттиришда, ҳозирги замон кишиларининг реалистик образларини яратишда янги-янги ғалабаларга эришаётганликларини катта қонқиш билан қайд этди. Ўз таланти ва профессионал маҳорати билан халққа, партияга астойдил хизмат қилаётган ижодкорларнинг меҳнатини юксак қадрлаб, юқори баҳолади.

«Мамлакат ҳаётидаги асосий, муҳим ҳодисалар, совет кишилари шахсий тақдирининг бир қисми бўлиб қолган ҳодисалар янги асарларда тобора кўпроқ, энг муҳими эса, чуқурроқ ифодаланмоқда»¹. Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладда баён қилинган бу сўзлар кўп миллатли совет адабиётининг жанговар отрядларидан бири бўлган ўзбек совет адабиётига ҳам бевосита тегишлидир. Дарҳақиқат, ҳисобот даврида ўзбек совет адабиётининг ҳаёт билан алоқаси янада яхшиланди, ғоя-

¹ КПСС XXV съездининг материаллари, Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 107-бет.

вий-бадий юксак асарлар яратиш тенденцияси кучайди. Натижада хусусан замонавий мавзуларни ёритиш бўйича жиддий ютуқларга эришилди.

Адабиётимиз совет воқелигининг асосий жиҳатларини — ижобий ва ибратли ҳодиса-воқеаларни ёрқин акс эттирувчи ўнлаб роман ва повестлар, етук поэтик ва драматик асарлар билан бойиди. Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар», Зулфиянинг «Қамалак», Уйғуннинг «Парвона», Рамз Бобожоннинг «Обиҳаёт», Ҳ. Ғуломнинг «Бинафша атри», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», А. Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат», Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Мирмуҳсиннинг «Умид», У. Умарбековнинг «Қиёмат қарз», О. Ёқубовнинг «Боқий умр», М. Қориевнинг «Афроспёб гўзали» каби асарлари шулар жумласидан бўлиб, уларда совет кишиларининг ажойиб фазилатлари, воқелигимиздаги асосий ижобий жиҳатлари биринчи планга қўйиб тасвирланади. Масалан, Улмас Умарбековнинг олижаноблик ва ҳалолликни улуғловчи, совет гуманизмининг буюк ҳаётни кучини кўрсатувчи, худбинликни, разилликни қораловчи «Қиёмат қарз» (1976) номли драмасини олайлик. Драма марказида олижаноб ҳалолликнинг тимсоли бўлган оддий колхозчи Сулаймон ота образи туради ва у мукамал ишланган типик миллий характер сифатида ёрқин гавдаланади. Асарнинг асосий ғояси Сулаймон ота ва у билан боғлиқ воқеалар фондида, ижобий ва салбий характерларнинг тўқнашуви жараёнида очила боради.

Улуғ Ватан уруши арафасида Сулаймон ака ота-онасиз қолган ўсмир Нўъмонжонни ўз паноҳига олиб, тарбиялай бошлайди. Бу йигит ҳарбий хизматга жўнашда ўз отасидан мерос қолган шкита қўзини Сулаймон акага омонат тарзда топшириб кетади. Сулаймон ака омонатга хиёнат қилмай, Нўъмонжоннинг қўзиларини боқар экан, улар йил сайин кўпайиб боради. Аммо Улуғ Ватан уруши галаба билан тугаб, бир неча йиллар ўтгандан сўнг ҳам Нўъмонжондан дарак бўлмайди. Бу

даврда анча кексайиб қолган Сулаймон ота эса ҳамон ўша қўй-қўзиларни (омонатни) эгасига эсон-омон топшириш умиди билан яшайди. имкони етган ҳамма жойдан унинг дарагини сўроқлайди. Ниҳоят, қўйлар кўпайиб кетгач, колхоз правлениеси қўй-қўзиларни ўз ихтиёрига олади. Сулаймон отага эса уларнинг пулини тўлаб, уни пенсияга чиқаради. Шундан сўнг отанинг ташвиши янада ортади. Бутун умри меҳнат билан ўтган Сулаймон ота, биринчидан, бекорчиликдан қийналади, иккинчидан, Нўъмонжонни топиш, омонатни эгасига қайтариш ўй-хаёли унга тинчлик бермайди. Шунинг учун у колхоз правлениеси ажрагган йўлланма билан курортга боришдан ҳам воз кечади. Нўъмонжонни излаб йўлга отланади. У Нўъмон Назаров деган одам дарагини қаерда эшитса, ўша ерга кириб боради, сўраб-суриштиради. Шу йўлда турли одамларга дуч келади, ҳар хил воқеаларнинг гувоҳи бўлади.

Сулаймон ота Киев, Минск, Брест каби шаҳарларда бўлар экан, у ердаги ўртоқлик мозорларида қабрларни бирма-бир кўриб чиқади. Жангда ҳалок бўлган юзлаб жангчилар хокини зиёрат қилади. Буюк Советлар мамтакатининг ҳамма жойида ватандошларимиз «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди!» деган шор остида ишлаб, грунда ҳалок бўлган совет жангчиларининг иззат-ҳурматини бажо келтириш учун барча зарур тадбирларни кўришаётганидан қувонади.

Сулаймон ота излаб-излаб, ниҳоят, ўзи қидирган кишини — Нўъмон Назаровни топади. Аввало, Сулаймон ота Тошкентда катта бир клиникага бошчилик қилаётган доктор Нўъмон Назаров ўзи излаётган ўша одам (омонатнинг — қиёмат қарзининг эгаси) эканлигини биллиб, беқиёс даражада қувонади. Унга қиёмат қарзини (20 минг сўм пулни) бермоқчи бўлади. Аммо Нўъмон Назаров фронтга бормаган экан. У амал ва бойлик орқасидан қувиб, муайян мавқега эришган бўлса-да, Сулаймон отани ўттиз йил давомида йўқлашни хаёлига

ҳам келтирмаган бир худбин, амалпараст шахс бўлиб чиқади. Буни сезган ота ғазабдан ларзага келади. Унинг қалбидаги муҳаббат туйғулари оташин ғазаб ва нафрат ҳисси билан алмашади. Натижада Сулаймон ота Нўмонга у қолдирган иккита қўзининг ҳақини бериб, сен бундай яхшиликка арзимайсан, дея ортиқча пулни олиб жўнайди. Демак, ота «қиёмат қарз» деган тушунчани диний-хурофий маънода эмас, балки тўғрилик, ҳалоллик, омонатга хиёнат қилмаслик маъносида тушунади. Шунинг учун ҳам Сулаймон ота Нўмон Назаровни лаънат тамғасига нарчинлаб кетади ва Киев шаҳрига бориб, ўзида қолган икки юзи кам йиғирма минг сўм пулни (қўй-қўзилар учун колхоздан олган пулни) ўртоқлик мазорида ётган солдатлар қабрига ёдгорлик ўрнатиш учун тегишли кишиларга тақдим этади. Бу билан Сулаймон ота ўз зиммасидаги қиёмат қарздан қутулгандай бўлади: тинчийди, ором олади, роҳатланади. Шундай қилиб, пьесада тўғрилик ва ҳалоллик ҳаётий образлар воситасида таъсирли қилиб улуғланган.

Қўринадикн, Ҳ. Умарбековнинг «Қиёмат қарз» драмасида олижаноблик ва разиллик ўртасидаги кураш яъни КПСС XXV съездида маъқулланган ахлоқ-одо мавзун муваффақият билан ёритилган. Дарҳақиқат съездда «Ёзувчиларимизнинг, санъаткорларимизнинг хизмати шундаки, улар инсоннинг энг яхши хислатларинининг принципааллигини, софдиллигини, ҳис ва туйғуларининг чуқурлигини қўллаб-қувватлашга интиломқдлар, бу борада коммунистик ахлоқимизнинг бузилмас принципларига таяниб иш кўрмоқдалар» (ўша китоб 108-бет), деб айтилди. Бу сўзлар ўзбек адабиётида сўзчи йилларда яратилган кўп асарларга тегишлидир.

КПСС XXV съезди бадий ижодчиликнинг ўзига хос овози ва нафис томонларига чуқур ҳурмат билан қараб иш тутди. Бинобарин, съездда ажойиб асарлар яратиб, миллий бойликка бойлик қўшаётган ноёб талантларнинг халқ ва жамият олдидаги гражданлик бурчи, ёзув-

чи масъулияти ва ҳаёт билан алоқаси ҳақида принципал фикр-мулоҳазалар айтилди.

«Чинакам талант кам учрайди. Адабиёт ва санъатнинг талантли асарлари миллий бойликдир. Биз шуни яхши биламизки, бадий сўз, бўёқлар жилоси, тошдаги нақшлар, товушларнинг оҳангдорлиги замондошларни илҳомлантиради, қалбимизда авлодимиз тўғрисидаги замонамиз, унинг ҳаяжонлари ва бунёдкорликлари тўғрисидаги хотираларни келажак авлодга етказди» (ўша китоб, 109—110-бетлар). Л. И. Брежневнинг бу сўзларида чуқур ҳикмат бор. Зеро, адабиёт ва санъатнинг талантли асарлари кишиларга эстетик завқ бериш билан бирга, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга бевосита хизмат қилади. Ана шу маънода адабиёт ва санъат асарлари жамият ва инсоният тарихи тараққиётида беқиёс катта аҳамият касб этадики, КПСС XXV съезди бунга ҳақли равишда юксак баҳо берди.

КПСС XXV съезди ёзувчиларимизнинг диққатини сўзи билан иши бир хил бўлган янги типдаги замондошларимизнинг ёрқин образларини яратишга яна бир бор жалб этди. Шу билан бирга маҳорат ва сифат учун кураш байроғини янада баланд кўтарди.

Яна бир масала. Адабиётимизнинг келажаги бўлган ёш ёзувчиларни тарбиялаб ўстиришга янада кўироқ эътибор бермоқ, уларга кўрсатилаётган меҳрибонликни юксак талабчанлик билан қўшиб олиб бормоқ керак. Зотан, КПСС XXV съезди ижодкор ёшларни тарбиялаб вояга етказишни партия ва давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим иш деб ҳисоблади. Л. И. Брежнев ҳисобот докладада: «Ижодкор зиёлиларимизнинг ёш авлоди ҳаёт қучоғига тобора дадил кириб келаётганлигидан хурсандмиз», деди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда совет ёзувчиларининг сафи кўпгина талантли ёшлар билан бойиди. Бунда партиямизнинг ёш галаитларга кун сайин кўрсатиб келаётган оталарча ғамхўрлиги ҳал қилувчи роль ўйнади. Буни КПСС нинг жанговар отрядларидан

бири бўлган Ўзбекистон Компартияси фаолияти мисолида ҳам очиқ кўриш мумкин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қомитети ёш ижодкорларга мунтазам суратда ғамхўрлик қилиб келмоқда. Сўнгги йилларда республикамизда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг таъсис этилганлиги ҳамда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Улмас Умарбеков, Худойберди Тўхтабоев, Ҳалима Худойбердиева, Нормурод Нарзуллаев, Барот Бойқобилов, Иброҳим Ғафуров, Ойдин Ҳожиева, Омон Матжон, Раим Фарҳодий сингари талантли ижодкорларнинг бу мукофот билан тақдирланганлиги ҳам шу ғамхўрликнинг ёрқич кўриниши ва самарасидир.

Ўзбекистонда 1968 йилда ВЛКСМнинг 50 йиллигига, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб республика ёш ёзувчиларининг VII фестивали ўтказилди ва у ижодкор ёшларнинг униб-ўсишида самарали из қолдирди.

Ўзбекистон КП Марказий Қомитети 1974 йил 10 декабрда ижодкор ёшлар билан ишлашни янада яхшилаш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Натижада ижодкор ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик янада яхшиланиб, уларнинг сафи сезиларли даражада ўсди, ижтимоий-сиёсий активлиги ва бадиий маҳорати ошди.

Республика газета-журналлари ҳамда нашриётлари ёш авторларнинг асарларини чоп этишга катта эътибор бераётгир. Лекин, шунга қарамай ҳозирги кунда ёш ёзувчилар учун махсус адабий-бадиий журнал ташкил этиш масаласи ҳаётий эҳтиёж бўлиб қолди. Бу масала ижобий ҳал қилинса, ёш ижодкорларнинг униб-ўсишига яна бир катта ғамхўрлик қилинган бўлур эди.

Тўғри, ёш ижодкорларни тарбиялаш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиниши шарт. Уртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон ёзувчиларининг VII съездида бу ҳақда шундай деди: «Ижодий союзлар ишининг жуда зўр эътибор беришни талаб қиладиган яна бир масаласи бор. У ҳам

бўлса, ижодкор ёшларга таълим ва тарбия бериш масаласидир... Кейинги вақтларда республикада адабиёт ва санъатнинг ҳамма жанрларида кўпгина ёш санъаткорлар кўзга ташланиб қолди. Улар етуклик чўққисига кўтарилмоқдалар. Шу билан бирга, кўп ҳолларда ижодкор ёшлар билан ишлаш борасида зарур даражада талабчанлик қилинмаётганлигини ҳам айтмасдан ўтиб бўлмайди. Бизнинг бу ишдаги позициямиз жуда равшан ва аниқ бўлиши: ёшларга имкони борича меҳрибон ва уларга нисбатан имкони борича талабчан бўлишимиз зарур» («Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1976 йил, 16 апрель).

Бизда ёзувчининг ҳаётда мавқеи ғоят катта. Совет ёзувчиси социалистик ҳаётнинг ҳамма соҳаларига актив аралашади. У «киши руҳининг инженери» сифатида халқ билан, ҳаёт билан яқин ва мустаҳкам алоқада бўлади. «Совет ёзувчимиз,— деган эди. А. М. Горький,— фақат ёзувчи бўлиб қолмайди, фақат профессионал адабиётчи бўлиб қололмайди, у— жонли одам, мамлакатда бунёд бўлаётган ҳамма нарсаларнинг жонли, ғайратли қатнашчисиدير... У, дарҳақиқат, ҳамма ерда иш кўради, у ҳамма гуллардан шарбат тўплаб асал ва мум ҳосил қилаётган асаларининг ўзидир»¹.

Дунёда совет ёзувчисидек иқболи баланд, ҳурмати зўр, мақсадн аниқ, йўли равшан, бахти барқарор санъаткор йўқ ва бундай ёзувчи ҳеч қачон бўлмаган ҳам.

Ўтмишни эслайлик. Ўтмишда ҳеч бир адабиёт, ҳатто халқ руҳини ифодалашга интилган прогрессив демократик адабиёт ҳам меҳнаткаш омма билан совет адабиётидек мустаҳкам алоқада бўлган эмас ва бўла олмас ҳам эди. Чунки капиталистик тузум меҳнаткаш оммани

¹ М. Горький. О литературе, М., изд. «Советский писатель», 1953 г. стр. 775.

абадий қулликда ва жаҳолатда сақлаш мақсадида рост-гўй ёзувчини доимо халқдан узоқ туттишга, халқпарвар ёзувчи биланоддий китобхон орасидаги ҳар қандай яқинликни бузишга уриниб келди. В. И. Ленин чор Россиясидаги ёзувчиларнинг халқ билан алоқаси ҳақида фикр юритиб: «Санъаткор Толстой ҳатто Россияда ҳам жуда оз одамларга маълум»¹, деганда худди шуни назарда тутган эди.

Ўтмиш эксплуататорлик тузуми халқ талантлари учун прогрессив ёзувчилар учун офат эди. Фактларга мурожаат қилайлик. «Флоренцияда ҳокимият бошига чиққан реакцион партия Дантени ўтда ёндириш ҳақида ҳукм чиқаради ва буюк шоир узоқларда яшириниб, ўз ижодини актив давом эттиради; Данте ўлгандан кейин, ҳам унинг сиёсий душманлари унинг ўлигини куйдириб ташламоқчи бўладилар. Озарбайжон шоири Насимий (1370—1417) феодал зулмга қарши чиққани ва диний ақидаларни фош этиб инсонни мадҳ этгани, маърифатпарвар ғоялар тарқатгани учун руҳонийлар ҳукми билан даҳшатли жазога тортилади: тириклайин териси шилиб ташланади. Сўнги форс-тожик классиги Абдураҳмон Жомий вафотидан кейин унинг ғоявий душманлари шоирнинг ўлигини хор этиш учун Ҳирот атрофидаги қабрини очиб ташлайдилар ва Жомийнинг ўғиллари бундай хавфни олдиндан сезиб, оталарининг жасадини бошқа жойга олиб бориб, яшириб қўйганлари учунгина маърифат душманларининг ёвуз ниятлари амалга ошмай қолади. Навоий амир ва бекларнинг зўри билан Ҳусайн Бойқаро томонидан Астрободга «фахрли лавозим»га тайин этилиб, сургун қилинади. Рус подшоҳлари Радншчев, Черншчевский, Достоевский каби буюк ёзувчиларни аввал ўлимга ҳукм этадилар ва кейин Сибирга сургун қиладилар. Лев Толстойни рус руҳонийлари «чер

¹ Ленин маданият ва санъат тўғрисида. Т., Ўздавнашр, 1962 йил, 101-бет.

ковдан нари», яъни диндан тойган деб эълон этадилар. Қозоқ бийлари Абайнинг жонига қасд этадилар»¹.

Прогрессив руҳда ижод этган ёзувчилар ўтмишда реакцион кучлар ва буржуа ҳокимияти томонидан қаттиқ таъқиб остига олингани ва аёвсиз жазоланганини кўрсатувчи бундай фактларни яна кўплаб келтириш мумкин. А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтовдек улуғ санъаткорларнинг қасддан ўлдирилиши, ростгўй шоир Машрабнинг дорга осилиши, йирик масалнавис Гулханийнинг сувга оқизилиши, Тарас Шевченко ва Зокиржон Фурқат каби ажойиб маърифатпарвар сўз усталарининг ўз ватанларидан сургун қилиниши, Муқимий ва Аваз сингари халқпарвар шоирларнинг турли фожиаларга гирифторм этилиши ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилгани каби мудҳиш фактларни капиталистик мамлакатларнинг ҳозирги ҳаётидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Чунки чет элларда ҳозирги кунда ҳам кўпгина халқпарвар, ростгўй ёзувчилар демократия ва тинчлик, адолат ва тараққиёт ҳақидаги эркин фикрлари учун буржуа ҳокимияти томонидан қаттиқ таъқиб этилмоқда. Машҳур чех ёзувчиси Юлиус Фучик испан шоири Гарсиа Лорка ҳақиқат ва адолат йўлидаги эркин фикрлари учун фашистлар томонидан не-не азоб-уқубатларга дучор қилинди ва охирида қағл этилди. Чили хунтаси Пабло Неруда ватанини қонга ботириб, бу ажойиб шоирни ўлдирди. Гватемаланинг атоқли, халқпарвар адиби Уберто Альварадо 1974 йил 20 декабрда буржуа ҳокимияти томонидан ўлдирилди. Капиталистик жамиятга доир аччиқ ҳақиқатни рўй-рост ёзганлиги учун Покистоннинг прогрессив ёзувчиси Файз Аҳмад турмага ташланиб, қаттиқ қийноққа солинган

¹ Иззат Султон. Адабиётнинг ижтимоий функцияси. «Шарқ юлдузи» журнали, 1973 й., 11-сон, 215—216-бетлар.

эди. Шунда шоир ўз қони билан қўйндаги машҳур мисраларни ёзган эди:

Тортиб олган бўлсалар
Қоғоз-қаламни, не ғам,
Бармоғимни ботирдим
Юрак қонига, билғил.
Тплимга боссалар муҳр,
Не ғам, яратолдим мен
Ҳар занжир ҳалқасидан
Мисли тиғ ўткир бир тил.

Яна бир факт. Колумбиялик ёзувчи Энрика Буэнаватура: «Ўзбекистонда ижодий ходимларга жуда ажойиб шарт-шароит, чекланмаган имкониятлар яратиб берилган экан. Бу мени беҳад қувонтирди. Бизнинг мамлакатимизда (Колумбияда — С. М.) ростгўй ижодкорлар учун ҳеч қандай шароит йўқ. Ҳар бир истеъдод эгаси ёзувчи бўлиш учун, агар шундай таъбир жоиз бўлса, катта жасорат, қаҳрамонлик кўрсатиши керак. Яъни у жуда кўп қийинчиликларга дуч келади. Шуларга чидаши, бардош бериши, барча ғовларни енгиб ўтиши лозим. Ўзингиз ўйлаб кўринг! Бутун Колумбия бўйича йилига ўн беш-йигирма номда китоб нашр этилади. Мисол учун «Юз йил танҳоликда» романининг автори Габриэл Гарсиа Маркесни олиб кўрайлик. Асар бошқа мамлакатларда йигирма саккиз марта босилиб чиқди. Ёзувчининг ўз ватанида эса ҳали нашр этилмади»¹.

Бразилиянинг йирик шоири Жералдо Вандре асарларининг ижтимоий йўналиши, ғоявий мазмуни, эркин руҳи Бразилия ҳукмдорларига маъқул тушмади. Буржуа ҳокимияти бу ажойиб шоирни таъқиб эта бошлади. Охир-оқибатда у — ўз ватанини ташлаб кетишга маж-

¹ Қаранг: Энрика Буэнаватура. Қўнғил сўзлари. «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1972 йил, 5 май.

бур бўлди. («За рубежом» газетаси, 1972 й. 1 май). Кўринадики, капиталистик мамлакатларда сўз эркинлиги, ижод эркинлиги йўқ. Буржуа ёзувчисининг «озод»лиги эса сохта эркинликдир. В. И. Ленин таъкидлаганидек «Буржуа ёзувчиси, рассоми, артистининг озодлиги пулга, пулдорга, хўжасига қарамликдан (ёки мунофиқона ниқобланадиган қарамликдан) бошқа нарса эмас»¹. Дарвоқе, ана шу қарамликка рози бўлмаган ва халқ манфаати учун курашган ростгўй ёзувчи буржуа ҳокимияти томонидан сиқув остига олинади, жазоланади, ҳатто қатл ҳам қилинади.

СССРда ижод эркинлиги тўлиқ мавжуд. Совет ёзувчилари истаган темада, истаган жанрда, истаган давр ҳақида, истаган услубда ва истаган тилда асар ёза олади. Ана шунга кўра, совет ёзувчисининг ижодий эркинлиги унинг тема ва материал танлашида хилма-хил образ ва сюжет яратишида, жанр имкониятларини, фантазия ва романтика воситаларини ўз индивидуал қобилиятига кўра турлича қўллаш олишида, форма ва услуб ранг-баранглигида очиқ кўринади.

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 10-том, Т., Ўздавнашр, 1951 й., 36-бет.

ТРАДИЦИЯ ВА НОВАТОРЛИК ПРОБЛЕМАСИ

Ўзбек совет адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида бадний ижоддаги традиция ва новаторлик проблемасини ўрганиш ҳали ёш соҳадир. Шунга қарамасдан, бу муҳим проблемани ёритиш бўйича сўнгги вақтларда анчагина ишлар қилинди. Бу жиҳатдан Маҳмудали Юнусовнинг «Традиция ва новаторлик проблемаси» (1965), «Ҳаётбахш анъаналар» (1967), Озод Шарафиддиновнинг «Замон, қалб, поэзия» (1962), Ф. Мўминовнинг «Традиция ва новаторлик» (1972), Ҳ. Абдусаматовнинг «Традиция ва новаторлик проблемаси» (1974) номли китоблари, шунингдек, кўпчилик бошқа авторларнинг шу мавзудаги мақолалари диққатга сазовордир.

Бироқ бу соҳада ҳали ёритилмаган, лекин ёритилиши зарур бўлган актуал масалалар кўп. Шунингдек традиция ва новаторлик масаласини ёритишда баъзи бир ноаниқликлар ва чалкашликлар ҳам йўқ эмас. Озод Шарафиддинов «Замон, қалб, поэзия» номли китобида новаторлик масалаларини ёритишда кўпгина гўф-ри фикрларни олға сурган. Унинг «Бадний адабиётдаги новаторлик, биринчи навбатда, ҳаётнинг моҳиятига чуқур тушуниб етиш, англаш, идрок этиш билан боғлиқ» деган фикри ҳам, «Новаторлик эса ҳаётдаги энг муҳим ҳодисаларни кўра билишдан, бадний жиҳатдан ҳали ҳеч ким томонидан кашф этилмаган нарсаларни кашф

этишдан, янгича мазмун топишдан бошланади»¹ деган фикри ҳам тўғри.

Лекин бу фикрлар новаторлик тушунчасини тўла қамраб ололмайди. Чунки ҳар бир реалист ёзувчининг ҳаётни тўғри тушуниши, тўғри акс эттириши, ҳаётдаги бошқа кишиларга кўринавермайдиган томонларни кўра билиши унинг ўз ёзувчилик вазифаси ва гражданлик бурчи ҳисобланади. Бироқ, бу ерда тўғри тушунилган, тўғри идрок этилган ҳаёт ҳақиқатини қандай йўл билан, қандай образлар, қандай бўёқлар ва қандай тил ва бошқа бадний воситалар орқали бадний ҳақиқатга айлантириш, уни ўқувчига қандай қилиб етказиш, адабнётдаги асрлар давомида тўпланган прогрессив традициялардан қандай қилиб фойдаланиш ва уларни қандай қилиб ривожлантириш масаласи ҳам бор. Новаторлик, шубҳасиз, бадний адабиётнинг ана шу имконият ва воситаларидан қандай фойдаланиш масаласини ҳам ўз ичига олади.

Демак, новаторлик форма ва мазмуннинг барча компонентларига тегишли бўлган кенг маъноли тушунчадир. Шунга кўра, у бадний асарнинг темасидан тортиб ғоявий мазмуни ва образлар системасида ҳам, тили ва услубида ҳам, сюжетни ва композициясида ҳам кўриниши мумкин ва лозим. Бошқача қилиб айтганда, «Новаторлик — санъат ва адабиётда ғоявий-бадний жиҳатдан янгилик яратиш процесси, мазмун ва формани янги имкониятлар ҳисобига бойитиш демакдир, реал воқеликда, поэтик фикрда, тасвирий воситаларда ҳали ҳеч ким ишлатмаган ва кўрмаган томонларни биринчи бўлиб ишла-тиш, кўриш қобилиятига эга бўлишдир. Қисқаси, новаторлик — янги ҳаётини муносабатлар инъикоси, янги

¹ О. Ш а р а ф и д д и н о в. Замон, қалб, поэзия. Узда-бийнашр, Т., 1962, 92-бет.

тип, янги ҳис-туйғу, янги жанр ва образлар, янги қофиялар ҳамда вази ранг-баранглиги, хуллас ҳаммаси»¹.

Новаторлик сингари традиция ҳам кенг маъноли гушунчадир. Новаторлик каби традиция ҳам ҳар хил бўлади. Мазмунга тааллуқли традиция бўлганидек, формага тааллуқли традиция ҳам бор. Янги авлод ана шу ҳар хил традициялар орасидан керакли томонини олиб, нокарагини инкор этади. Чунки прогрессив традициясиз новаторлик бўлмайди. Новаторлик эски, реакцион, мазмунни инкор қилиб, янги мазмунни ифода қилгани сингари, шу янги мазмунни тасвирлашда баъзи қотиб қолган, шаблонлашган формалардан ҳам воз кечади; прогрессив традициялардан фойдаланиб, янгисини яратади. Акс ҳолда, янгининг янгилиги, унинг эскидан устунлиги билинмаган бўлар эди.

Новаторлик билан традиция диалектив бирликда узвий боғлиқликда намоён бўлади. Шунга кўра, новаторлик қуруқ жойда пайдо бўлмайди, балки традициянинг ижодий ривожлантирилиши натижасида юзага келади. Худди шунингдек, ҳар бир яхши традиция ўз даврининг новаторлиги сифатида майдонга келган бўлиб, у ўздан кейинги новаторлик учун традиция бўлиб хизмат қилади. Ўз даврида янгилк ва прогрессив ҳодиса бўлиб ҳисобланган ҳар бир новаторликнинг прогрессивлиги ва яхшилиги ҳам унинг келгуси авлод учун, янги новаторлик учун традиция бўлиб хизмат қила олганида кўринади. Акс ҳолда бу новаторлик ҳам, ҳақиқий янгилк ҳам бўлолмайди, изсиз, пом-нишонсиз йўқолиб кетади.

«Бадий адабиётнинг ривожини, — деган эди К. А. Федин, — жамият ҳаётидан ажралмасдир. Бу жараён ўз ўзидан давом этавермай, балки ўз манбаларига эга бўлади. Ана шу манбалар ёки традициялар санъаткорга

¹ М. Юнусов, Традиция ва новаторлик проблемаси, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1965 йил, 30-бет.

уларни такрорлаш учун эмас, унга ўхшамаслик учун мутлоқ зарур, албатта. Бу традициялар новаторга куч бахш этса, унинг ҳаётбахшлиги шунинг ўзидир. Новаторнинг меҳнати эса санъатни турмушнинг ўзи сингари боқий қилади»¹.

Классик адабиётимиз ўз даври учун новатор адабиёт бўлган. Шу сабабли у бизга бой традиция қолдирган. Совет адабиёти эса ана шу традициялардан ижодий фойдаланиб, янги адабиёт сифатида ривожланмоқда. Шу билан бирга, совет адабиётининг ўзи ҳам новатор адабиёт сифатида ўзига муносиб бой традиция яратмоқда. Шу сабабли традиция ва новаторлик масаласи ўтмиш ва совет адабиётлари орасидагина эмас, шунингдек, совет адабиётининг ўз ичида ҳам бўлиши мумкин ва бу бор ҳам. Масала, М. Горький, В. Маяковский, М. Шолохов, А. Фадеев, Ҳамза Ҳакимзода, А. Қодирий, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулум ва бошқа йнрик ёзувчилар классик адабиётнинг энг яхши традицияларни ўзлаштирган ва ижодий ривожлантирган новатор санъаткорлар сифатида танилганлар. Шуниси муҳимки, улар томонидан яратилган новаторлик совет ёзувчиларининг кейинги бўғини учун ажойиб традицияга айланиб қолди: бу янги традициялар ҳозирги вақтнинг ўзидаёқ жуда кўп совет ёзувчилари томонидан қабул қилиниб, ижодий ривожлантирилмоқда.

Агар Маяковский ўз асарларида Пушкин, Лермонтов, Некрасов каби буюк рус шоирларининг илғор традицияларини ижодий ўзлаштириб, давримизнинг ажойиб новатор шоири сифатида танилган бўлса, Н. Тихонов, А. Сурков ва бошқа шоирлар янги даврда Маяковский традицияларини новаторлик билан давом эттирдилар. Агар Ҳамза ўз ижодиди Навоий, Бобир, Лутфий, Муқимий, Фурқат, Завқий сингари ўзбек классик шоирлари

¹ Четвертый съезд писателей СССР. Стенографический отчет, изд: «Советский писатель», М., 1969 г. стр. 10.

традицияларидан ижодий озиқланиб, социалистик революциянинг оташин куйчиси, улкан новатор шоир даражасига кўтарилган бўлса, Ҳамза традициялари кейинча Ғ. Ғулом, Ойбек, Уйғун, Ҳ. Олимжон, К. Яшин, Шайхзода, Миртемир ва бошқалар ижодида тараққий эттирилди.

Бугина эмас, Ҳамза, Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон сингари йирик санъаткорларнинг традициялари ҳозирги пайтда Зулфия, А. Мухтор, Ҳ. Ғулом, Мирмуҳсин, Э. Воҳидов, А. Орипов каби шоирлар тўмонидан ижодий давом эттирилмоқда. Традиция билан новаторлик ўртасидаги бундай органик алоқа социалистик реализм адабиётининг ажойиб фазилатларидан бири ҳисобланади.

Ҳолбуки, ўзбек совет ёзувчилари Қизил Армия, Ватан мудофааси, тинчлик учун кураш, халқлар дўстлиги, ички ва ташқи душманларни фож этиш сингари мавзуларда асарлар яратган эканлар, улар бу ишни, биринчи навбатда Маяковский шундай темаларда асарлар ёзгани учунгина эмас, балки бу темалар совет воқелиги, учун, совет халқлари ҳаёти учун актуал ва муҳим мавзулар бўлганлиги сабабли қилдилар. Демак, шоирларимиз ушбу ўринда Маяковскийдан темаларни эмас, балки тема танлаш маҳоратини (давр талабларига ҳозиржавобликни) ўргандилар. Маяковский традицияларига ижодий муносабатда бўлдилар. Традиция билан новаторлик ўртасидаги органик алоқа ҳам худди шунини тақозо этади.

Лекин, шунини ҳам унутмаслик керакки, новаторлик партиявийлик, халқчиллик принциплари билан узвий боғлиқ бўлган тақдирдагина адабиёт тараққиётида муҳим воқеа сифатида халққа манзур бўлади. Ҳолбуки, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида адабиётда новаторликни даъво қилиб чиққан футуризм, символизм, формализм сингари ҳар хил оқим ва услублар бадий адабиёт тараққиётида ҳеч қандай из қолдира олмасдан йўқ бўлиб кетди. Чунки улар ҳаёт талабига кўра юзага

келган эмас ва халқчиллик, партиявийлик принциплари билан мустақкам боғланмаган эди. Уларда ҳеч қандай ҳақиқий новаторлик хислати ва хусусияти йўқ эди. Ана шунга кўра улар традицияга ҳам айлана олмадилар.

Дарҳақиқат, Коммунистик партия ва адабиётнинг ленинча партиявийлиги принципи прогрессив традициялар асосида ҳаёт талабига кўра юзага келган ҳақиқий новаторликни, «коммунистик қурилиш жараёнида совет социалистик миллатларнинг ўзаро муносабатларида юзага келаётган янги традицияларини, янги хусусиятларини»¹ қўллаб-қувватлагани ҳолда, халққа тушунилмайдиган, халққа ёт бўлган ва унга хизмат қилмайдиган абстракционизм, формализм ва модернизм спнгари сохта «новаторлик»ни қаттиқ қоралайди. Унинг совет санъати ва адабиётига жойлашиб олишига асло йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам партия ва совет жамоатчилиги, хусусан, 60-йилларда абстракционизмни социалистик реализм адабиёти ва санъатига зид оқим сифатида кескин қоралади.

Хўш, абстракционизм ва формализмнинг халққа ёт реакцион моҳияти нимада кўрилади?

Абстракционизм ва формализм тарафдорлари адабиёт ва санъатнинг халққа, жамиятга хизмат қилиши кераклигини, демак, унинг синфийлиги ва партиявийлигини тан олмайди. Абстракционизм тарафдорлари реалистик санъат традицияларини ҳам, совет адабиёти ва санъати ютуқларини ҳам менсимай уларни эскирган деб даъво қилади ва ўзларини XX асрнинг ҳақиқий новаторлари деб эълон қилади. Ҳолбуки, абстракционизм ва формализм новаторлик эмас балки буржуа идеологиясининг бир кўринишидир. Бинобарин, у ҳеч қандай янгилик ва янги оқим эмас. Аксинча, буржуа идеологиясининг совет санъати ва адабиётига ҳар хил йўллар ва ҳар хил ном-

¹ М. А. С у л о в. Коммунизмнинг чинакам улуг санъати учун. «Шарқ юлдузи» журнали, 1960, 9-сон, 7-бет.

лар билан суқилиб киришга интилиб келаётган бир формасидир.

Абстракционизм ва формализмнинг турли номлар остида «янгилик», «новаторлик» сифатида майдонга чиқишга уриниши тарихда биринчи марта юз бераётгани йўқ. Абстракционизм ва формализм Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб адабиёт ва санъатимизга суқилиб кириш, ундан жой олиш учун уриниб келди. Дарҳақиқат, футуризм, формализм каби социалистик реализмга ёт оқимларнинг баъзи совет ёзувчиларига таъсири 20-йилларда анчагина кучли эди. Масалан, формализм ва футуризм таъсири шоир Олтой ижодида анча яққол кўринди.

20-йиллар поэзиясига совет тематикасини киргизишга интилиб, совет адабиётида замонавий теманинг ишланишига мадад берган Олтой ўз ижодида формалистик изланишлар йўлидан бориб, ёлгон новаторлик руҳида бир қанча асарлар яратди. Бу асарларда шоирнинг нияти яхши бўлса ҳам, аммо совет воқелигини куйлашда реалистик традициялардан кечиб, ҳаётдан ва илгор адабий традициялардан узоқ «янги» шаклни албатта топишга интилиш натижасида шоирнинг асарлари бадий жиҳатдан суст ва халққа сингмайдиган бўлиб чиқди.

Ҳаётдан узилган ҳолда «шакл ахтариш» йўли билан боришнинг зарарини кўрган илгор совет ёзувчилари ўз ижодларида бу хатоларни такрорлашдан қочдилар ва формалистик, футуристик хатоларни фож этдилар. Чунончи, ўзбек совет адабиётининг реализм йўлидан изчил бориши учун кўп хизмат қилган Садриддин Айний 1925 йилда Олтой ва бошқа баъзи шоирларнинг футуристик тажрибаларини қаттиқ танқид қилиб чиқди. Унинг Самарқандда чиққан сатирик журнал «Машраб»нинг 1925 йил, 21-сонида «Маҳобатли кўриниш» сарлавҳаси билан атайин футуристик руҳда ёзилган ҳажвий шеъри ёзувчининг ана шундай муҳим чиқишларидан биридир. Бу

шеърга Айнийнини масхара билан «Бир кечалик футурист» деб имзо қўйиши ҳам жуда характерлидир»¹.

Йигирманчи йилларда футуризм, символизм, «соф санъат учун», «санъат-санъат учун» номлари билан кўринган формализм 30-йилларнинг бошларига келиб, форма соҳасидаги бир изланиш, бу соҳадаги «янгилик» қидириш тарзида намоён бўлди ва у бирмунча «обрў» ҳам қозонди. Ўттизинчи йилларнинг бошларида айрим ёш ўзбек шоирлари ҳам бу касалликка мубтало бўлиб, мазмунсиз, формалистик шеърлар ёздилар. Масалан, ўша йилларда Умаржон Исмоилий «Турксиб ашуласи» шеърини қуйидагича қилиб ёзди:

Йўллари оч,
Турмушлар соч.
Тук-тук,
Шип-шип, ~
Тук-тук
Тук-тук,
Сиб-сиб.
Шип-шип, :
Турк-турк,
Сиб-сиб.. .

Эмиржон Аббос тўқиган «Трактор марши» ҳам шу шилдаги «шеър»лардан бўлиб, у қуйидагидек мазмунсиз «мисра»лардан ташкил топган:

Тез... зззз
Тез —
Пир... ррррр
Поқ.
Туррр... поқ-поқ, —

¹ Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки, 1-том, ЎзССР «Фан» нашриёти, Т., 1961 йил, 55—56-бетлар.

Турррр.. поқ.
Урпоқ —
Ер
Без
Тез
Куз.

Нима учун буржуа адабиёти ва санъатининг бундай чиркин формалари вақти-вақти билан адабиёт ва санъатимизда кўриниш бериб қолади? Бунинг сабаби буржуа ва совет идеологияси ўртасида кучли кураш кетаётган бир пайтда бундай чиркин формаларнинг капиталистик мамлакатларда кенг тарқатилаётганлигида ва уларнинг совет адабиёти ва санъатига таъсир этишга уринаётганидир.

Машҳур совет ёзувчиси Қ. Фединнинг кўрсатишича шеърнинг традицион қонун-қоидаларидан, қофия, туроқ ва вазнлардан «озод бўлган» абстракцион поэтик «асар»лар яратиш учун буржуа ижодкорлари юз йилдан бери иш олиб боради. Бу иш билан биринчи март: америкалик Уолт Уитмен, ундан кейин эса бельгиялик Верхарн, германиялик Арно Гольц ва бошқалар шугулланиб келган. Лекин улар ғоявий мазмун ва формадан холи бўлган «поэзия яратиш» соҳасида ҳанузгача арзигули натижани қўлга кирита олмаган. Чунки бундай натижанинг ўзини кутиш ҳам ақлдан эмас. Шунга қарамай, ҳозирги вақтда ҳам буржуа мамлакатларида бир қанча шоирлар шу иш билан шугулланмоқда. Улар ўз таъсирини биздаги айрим қўнимсиз, иродасиз кишиларга ҳам ўтказмоқчи бўлаётирлар¹.

Абстракционизмнинг Коммунистик партия томонидан кескин қораланишини совет жамоатчилиги, жумладан, совет санъаткорларининг ўзлари ҳам яқдиллик билан

¹ К. А. Ф е д и н. КПСС Марказий Комитетининг июнь пленумида сўзланган нутқ. «Правда», 1963 йил, 22 июнь.

маъқуллаб чиқдилар. К. Яшин партиянинг абстракционизмга қарши олиб борган курашининг адолатли ва тўғри эканлигини қайд қилиб, абстракционизмнинг реакцион моҳиятини фош қилиб ташлаган эди: «Абстракционизм ҳақида ёзилган кўп материаллар билан танишиб бордим, оддий кишиларнинг суҳбатларида бўлдим. Булардан бирортаси ҳам абстракционизмни мақтаганини эслай олмайман. Кўпинча қулоғимга шундай гаплар чалинади: абстракционизм санъат эмас, унга тушуниб бўлмайди, унинг бизга кераги йўқ.

Абстракционизмга нисбатан партия Марказий Комитетининг тутган позицияси тўғри ва адолатдан эканига ишончимиз комил. Бу позицияда партиянинг фақат айрим санъаткорлар учунгина эмас, балки умуман реалистик санъатнинг равнақи учун оталарча ғамхўрлик қилаётгани яққол сезилиб туради. Аслини олганда, абстракционизм — бу санъатнинг ҳалокатидир... Партия абстракционизмни рад қилиш билан чинакам санъатни ҳимоя қиляпти»¹.

Демак, абстракционизмда ҳақиқий новаторлик йўқ, у ёлғон новаторликдир. Бинобарин, абстракционистларнинг биз янгилик тарафдоримиз, биз новаторлармиз деб қилган даъволари бутунлай сохта ва ёлғондир. Абстракционистлар мазмунни қурбон қилиб-бўлса-да, формада ва ҳатто формани ҳам қурбон қилиб, ажи-бужи чизиқларда, халққа тушунилмайдиган шакллар воситасида «новаторлик» кўрсатмоқчп бўлади. Уларнинг мақсади қайси йўл билан бўлмасин, бошқалардан ажралиб туришга, халқ тушунмайдиган йўл билан «оригиналлик» қилишга уринишдир. Маълумки, бундай «новаторлик» бўлмайди ва бўлганда ҳам унинг халқимизга, жамиятимизга ҳеч бир кераги йўқ. Бундай сохта «новаторлик»ни М. Горький ҳам ўз вақтида қаттиқ қоралаган эди. У

¹ Комил Яшин. Асарлар, 3-том, Ўзадабийнашр, Т., 1972 й., 268—269-бетлар.

адабий-ижодий ишга формалистик муносабатда бўлишни. «Ўз индивидуаллигини қабартиб беришга, ўзини ҳам-касаба ёр-дўстларидан, ҳар қандай бўлмасин. бошқача қилиб кўрсатишга интилиш»¹ни кескин танқид қилган эди.

Новаторлик совет эстетикасининг асосий талабларидан бири бўлган соддалик ва ҳаққонийлик билан ҳам узвий боғлиқдир. Асарда ифодаланаётган фикр ҳаёт ҳақиқатига мос келадиган тўғри фикр бўлиши билан бирга, у ўқувчига етиб бориши ва унга тушунарли бўлиши керак. Шундагина ёзувчи ўз мақсадига тўлиқ етади ва ўқувчи асардаги новаторликка тан беради. Новаторликнинг ана шу талабига риоя қилмаслик ҳар қандай ёзувчини ҳам муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин.

Битта мисол. Ўзининг кўпгина асарларида ҳақиқий новаторлик намуналарини кўрсатган файласуф шоир Гафур Ғулом «Тугалсин такя» шеърда сохта новаторликка йўл қўяди. Шоир шеърда:

Мен
Пиёлга оёқлар
Войламоқни ўйлайман,
Балки сиз
Шамларга кўзойнак,
Китобларга дардарақ
Ихтиросин сўзларсиз,—

деб ёзиш билан столда ўтириб чой ичиш, қора шамларни электр лампочкалари билан алмаштириш, китобларга қанот боғлаш, яъни маданий ҳаёт, янгича яшаш тарғиботини кучайтириш ҳақида гапирмоқчи бўлади. Бу яхши ният. Лекин шаклдаги муваффақиятсизлик, сохта новаторлик шоирнинг фикрини мавҳумлаштириб қўйган.

¹ М. Горький. О литературе, Москва, 1937 г., стр. 123.

Натижада шеърдаги яхши фикр ўқувчига тушунилмай-
диган даражага бориб етган.

Формализм ва сохта новаторлик билан боғлиқ бўл-
ган мавҳумлик Улуғ Ватан урушидан кейинги поэзия-
мизда (ҳатто 60-йиллар шеъриятида) ҳам баъзан кўзга
ташланади. Чунончи, айрим шоирлар томонидан бу давр
да яратилган баъзи шеърларда қандайдир ноаниқ мав-
ҳумликка мойиллик аломатлари оз бўлса-да, сезилади.
Ҳолбуки, поэзияда фикрни ҳаддан ташқари яшириб,
ҳаддан ташқари пардали қилиб беришга, топишмоқна
мо, ребуснамо асар ёзишга интилиш — фикрий аниқлик
ва ғоявий равшанликка путур етказиб, шоирнинг абст-
ракционизм ботқоғига етаклайди. Шунинг учун ҳам бу
йўл хавфли йўлдир.

Талантли шоир Асқад Мухторнинг «99 миниатюра»
тўпламига кирган «Поездда ва поезддагина эмас», «Қи-
тоб чиққан соат», «Дақиқа ва абадийлик» сингари баъзи
шеърларида замон руҳи билан суғорилган аниқ, жанго-
вар, катта ижтимоий ғоя ўрнини ноаниқ фикрлар, тушу-
нилиши қийин бўлган мулоҳазалар, мавҳум интеллекту-
аллик эгаллаган. Тасаввур қилиш учун «Поездда ва
поезддагина эмас» номли шеърни тўла келтирамиз:

Тонгда уйғонаман.
Тушлар унутилади.
Тунгинами?
Гўё узоқларда қолган каби тун...
Сен ухлаганда,
Дарпарда ортида
ўша тун аро
Узоқларда қолди қанча бекатлар,
Қанча йўллар, қанча чироқлар¹.

¹ Асқад Мухтор. 99 миниатюра, Ўзадабийнашр, Тошкент,
1962 йил, 115-бет.

Кўринадика, бу шеърда лирик қаҳрамон ўтган вақт-ни эслаб, уни қўмсайди-ю, лекин ўша вақт бекорга ўт-дими ёки жамиятга, халққа бирор наф келтирдими, бу ҳақда шеърда ҳеч нима дейилмайди. Ана шу сабабли бу шеърда шоирнинг нима демоқчи экани аниқ эмас. Шеър даги мавҳумлик аломатлари ҳам ана шундадир.

Юқорида келтирилган мисоллар, ҳатто 60-йилларда ёзилган баъзи шеърларда ҳам мавҳумлик, сохта нова-торлик ва формализмга мойиллик аломатлари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Умуман олганда, ада-биёт ва санъатда формализм ва абстракционизмга ҳам-да уларнинг ҳар хил таъсирларига қарши курашганда икки нарсани эсдан чиқармаслик керак.

Биринчидан, абстракционизм ва формализмга қарши курашганда социалистик реализмга зид бўлган ғоявий-бадий жиҳатдан бўш, натуралистик, халтурачилик асарларининг майдонга келишига йўл қўймаслик керак. Иккинчидан, абстракционизм ва формализмга қарши кураш олиб борилар экан, мазмунсиз, мақсадсиз, қуруқ абстракцион «изланишлар», «янгиликлар» ва сохта нова-торликлар билан ҳақиқий реализм йўлидаги изланиш-лар ва чинакам санъат янгиликларини бир-биридан аж-рата билиш керак. Абстракционизмга қарши курашаман деб чинакам янгилик ва новаторликдан иборат бўлган, лекин ҳали кенг одат тусига кирмаган баъзи яхши из-ланиш ёки оригинал услубларни йўққа чиқариб қўймас-лик керак. Ҳолбуки, ана шундай ҳатоликка йўл қўйиш баъзи вақтларда яккам-дуккам бўлса-да учраган эди¹.

Шундай қилиб, Коммунистик партия халқ руҳига ёт бўлган сохта новаторликнинг, абстракционизм ва форма-лизмнинг адабиёт ва санъатда учраган ҳар қандай кўри-

¹ Қаранг: Х. Дониёров, С. Мирзаев, С. Шерму-ҳамедов. Адабиёт ва санъатда ленинча партиявийлик принциплари. «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1966 йил, 93 — 94-бетлар.

нишларига кескин зарба бераётир, шунинг учун ҳам совет адабиёти, новатор адабиёт сифатида йил сайин янгидан-янги ютуқларга эришмоқда.

Совет адабиётининг ғоявий мундарижаси ва тематик доираси (асосий тасвирлаш объекти) янги бўлганидек, унинг асосий қаҳрамони ҳам бутунлай янгидир. Совет адабиётининг новаторлиги ҳам аввало ана шулардадир.

Чиндан ҳам, агар ўтмиш адабиётидаги образларнинг кўпчилигини афсонавий қаҳрамонлар, шоҳ ва беклар, граф ва князлар ташкил қилса, совет адабиётининг асосий қаҳрамони «мамлакатнинг гули, унинг куч-қуввати унинг истиқболи» (В. И. Ленин) бўлган, социалистик жамият қуриш процессида юзага келган янги типдаги одамлардир. Бинобарин, совет адабиётининг бадиий тафаккур тараққиётидаги буюк хизматларидан бири шундаки, у инсоният тарихида биринчи бўлиб социалистик жамият қурган янги одамларнинг реалистик образларини новаторлик билан тасвирлаб берди. Аниқроғи, янги типдаги инсон (янги қаҳрамон) образини — совет кишиси образини жаҳон адабиёти тарихида биринчи бўлиб социалистик реализм методи асосида яратиб берди.

Шундай қилиб, совет адабиётининг ўтмиш адабиётиндан фарқ қилдирувчи новаторлик хусусиятлари — унинг янги мазмунни (социалистик мазмунни) ифодалашда, ленинча партиявийлик таълимотига тўлиқ риоя қилиб, халқ ва партия манфаатлари йўлида изчиллик билан астойдил хизмат қилишида, янги ижодий метод бўлган социалистик реализм методига асосланиб янги қаҳрамон образини яратишда ва шу каби ҳолларда яққол кўринади.

Умумсовет адабиётининг бундай новаторлик хусусиятлари шу улкан адабиётнинг узвий бир қисми бўлган ўзбек совет адабиётига ҳам хосдир. Маълумки, ўзбек совет адабиёти социалистик воқелик заминидан уч манбага асосланиб юзага келди. Булар: а) ўзбек классик адабиёти; б) халқ оғзаки ижоди; в) буюк рус ва бошқа

қардош халқларнинг реалистик адабиётндир. Ўзбек совет адабиёти мана шу уч манбага асосланиб ривожлангани сингари, у ўзининг новаторлик томонларини юзага келтириш ва тарбиялашда ҳам мана шу уч манбанинг энг яхши традицияларидан доимо ижодий фойдаланади.

Ўзбек адабиётида реалистик проза, драматургия, болалар адабиёти, киносценарий каби жанрларнинг том маъноли жанрлар сифатида шаклланиб тараққий этиш ҳам совет адабиётининг новаторлик хусусияти билан узвий bogлиқдир. Дарҳақиқат, ўзбек совет адабиётининг новаторлиги яна шунда кўринадики, адабиётимизда Совет ҳокимияти йилларида улуғ рус адабиётининг ҳаётбахш таъсирида том маъноли реалистик проза ва замонавий драматургия каби янги жанрлар юзага келди ҳамда уларнинг «Ўтган кунлар», «Қуллар», «Қутлуғ қон», «Навойи», «Сароб», «Бўрондан кучли», «Бой ила хизматчи», «Нурхон», «Қонли сароб», «Йўлчи юлдуз», «Инқилоб тонги» каби етук намуналари яратилди.

Ўзбек реалистик прозасининг вужудга келиши ва ривожланишининг ўзига хос томонлари бор. Тўғри, Октябрь социалистик революциясидан олдинги даврда ўзбек адабиётида ҳозирги маънодаги реалистик проза ҳали тўла шаклланмаган эди. Ҳозирги замон руҳида ва маъносигади роман ва повестлар йўқ эди. Лекин бу умуман олганда, ўзбек адабиётида ўтмишда проза, жумладан, проза традицияси бутунлай бўлмаган деган сўз эмас, албатта.

Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий»си (XIV аср), Навоийнинг дostonларидаги насрий ҳикоялар (XV аср), Мирхонд ва Хондамирнинг тарихий асарларидаги бадий лавҳалар (XV—XVI асрлар), Бобирнинг машҳур мемуар асари «Бобирнома»сидаги (XVI аср) саргузаштлар, лавҳалар, пейзаж ва географик муҳит тасвирлари, Хўжанинг «Гулзор»идаги (XVI аср) таълимий-дидактик ҳикоятлар, Абулғози Баҳодирхоннинг тарихий-насрий асарларидаги бадий лавҳалар (XVII аср), Гулха-

нийнинг «Зарбулмасал»идаги (XVII—XIXасрлар) аллегорик эртақлар, Ҳамзанинг Октябрга қадар ёзган прозаик асарлари ва бошқа насрий асарлар ўзбек адабиётида проза анъаналари анча қадимги замонлардан бери давом этиб келаётганлигини кўрсатади. Бу фикрни ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Ҳасанхон», «Равшан», «Даллихон», «Қундуз ва Юлдуз», «Балогардон», «Қунтуғмиш», «Орзигул» сингари поэтик дostonлар ичида берилган насрий парчалар ҳам тўлиқ исботлайди.

Лекин буларнинг ҳаммаси ҳали ҳозирги маънодаги реалистик проза даражасига кўтарилиб улгурмаган эди. Чунки эски прозамиз ўзига хос романтик услубда ёзилган бўлиб, ҳозирги реалистик прозадан кўпгина хусусиятлари билан ажралиб туради. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, халқ дostonларидаги прозаик парчаларни ва Ҳамза Ҳакимзоданинг Улуғ Октябрга қадар ёзган насрий асарларини услуб жиҳатидан классик прозамиз билан ҳозирги реалистик прозамиз ўртасидаги маълум бир кўприк деб аташ мумкин.

Ҳозирги маънодаги мукамал ўзбек реалистик прозаси эса фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина шаклланди ва ривожланди. Адабиётимиздаги бу сифат ўзгариши янги давр талабига биноан юзага келган ҳақиқий новаторликнинг самараси ва яққол кўриниши эди.

Ҳозирги вақтда ўзбек адабиётида замонавий прозанинг барча жанрлари юксалмоқда. Эндиликда бизда романчиликнинг мураккаб формалари бўлган дилогия (масалан, Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» асарларидан ташкил топган дилогияси) ва трилогия (М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» асари) жанрларида ҳам яхши асарлар мавжуд. Ёки Баҳром Раҳмонов «Юрак сирлари», «Сурмахон» драмаларини, Уйғун «Хуррият» ва «Парвоз» пьесаларини ёзиб ўзбек драматургиясида дилогия жанрига асос солди. Қомил Яшин

эса 1937 йилда биринчи ўзбек операси ҳисобланган «Бўрон» асарини, кейинчалик «Улуғ канал», «Гулсара», «Дилором», «Фарҳод ва Ширин», «Ҳамза» либреттолари яратиб, ўзбек опера либреттоси жанрининг асосчиси ва катта устаси даражасига кўтарилди. Булар, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий новаторлик изланишларининг самараси бўлиб, ўзбек адабиёти Совет ҳокимияти йилларида янги-янги замонавий жанрлар билан бойиб борганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, ўзбек адабиётида қадимий традицияга эга бўлган айрим жанрлар соҳасида ҳам Совет ҳокимияти йилларида катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу сифат ўзгаришлари ҳам совет адабиётининг янги давр талабига кўра юзага келган новаторлик хусусиятларини ўзида акс эттиради. Чунки улар ҳам новаторликнинг натижаси ва нишонлари ҳисобланадилар.

Достон жанрини олайлик. Ўзбек классик поэзиясида ҳам поэмачилик (достончилик) анча ривожланган эди. Классик адабиётимизда достончиликнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий», «Сабъаи сайёр» (А. Навоий), «Қиссаи Сайфулмулк» (Мажлисий), «Муҳаббатнома» (Хоразмий), «Юсуф ва Зулайҳо» (Дурбек), «Шайбонийнома» (Муҳаммад Салиҳ), «Ҳусну Дил» (Нишотий) каби намуналари яратилган эди. Бироқ, ўтмиш достончилигида фантастик сюжетлар, романтик саргузаштлар тасвири асосий ўринни эгаллар эди. Шу боисдан бундай достончилик услуби янги воқеликни чуқур ва реал, жонли ва табиий қилиб акс эттириш талабларига, социалистик реализм методи талабларига тўлигича жавоб бера олмас эди.

Ана шу сабабли совет даврига келиб, рус реалистик поэмачилигидан таъсирланиш туфайли адабиётимизда эски достончиликдан ҳар жиҳатдан фарқ қилувчи янги характердаги поэмачилик юзага келди. Поэмачилигимизда сифат ўзгаришлари юз берди. Бу сифат ўзгариши—

Ўзбек совет поэмачилигининг ўзига хос хусусиятлари «Зайнаб ва Омон» (Ҳ. Олимжон), «Кўкан» (Ғ. Ғулом), «Қизлар» (Ойбек), «Қатта йўлда» (А. Мухтор), «Қуёшли қалам» (Зулфия) каби дostonларда яққол кўринади. Масалан «Зайнаб ва Омон» дostonида социалистик тузумимиз табиатидан келиб чиқадиган янги ғоялар янгича қилиб ифодаланади. Аниқроғи, дostonда ўтмишда бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин бўлмаган янгича муҳаббат, совет кишиларига хос бўлган эркин севги новаторлик билан қуйланади.

Маълумки, ўтмишда яратилган дostonларда («Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зуҳра» кабиларда) ёки ўтмиш темасида ёзилган поэмаларда («Уч», «Бахтигул ва Соғиндиқ» сингариларда) ошиқ-маъшуқлар ўз орзуларига, муроду мақсадларига ета олмас эдилар. Улар ўша адолатсиз ижтимоий тузумнинг айби билан синфий тенгсизлик ва феодал урф-одатлар сиқигида хилма-хил фожиаларга дучор бўлар эдилар. Совет даврига келиб севги бобидаги бу қайғули ҳодиса ўзининг аксига айланди: охири фожиа билан туговчи муҳаббат ўрнини ҳаётга чорловчи, ғалабаларга ундовчи бахтли муҳаббат, озод севги эгаллади. Ана шу ҳаётий воқеа «Зайнаб ва Омон» дostonида зўр маҳорат билан акс эттирилган. Бунда шоир дostonнинг ғоявий мазмунини очишда ҳам, образ яратиш ва тил имкониятларидан фойдаланишда ҳам ҳақиқий новаторлик намунасини кўрсатган.

Дostonда тасвирланишича, Зайнаб ва Омонлар эскилик сарқитлари қаршилигини енгадилар ҳамда ўз муроду мақсадларига етадилар. Асар воқеаси севишган икки ёш юракнинг янгича тўйи тасвири билан, янги хулқ-ахлоқнинг тантанаси тасвири билан тугайди. Демак, Ҳ. Олимжон дostonининг сюжети (хусусан, ечими) ўтмиш дostonлари сюжетидан жиддий фарқ қилади. Бу фарқ шоир орзусидан эмас, балки кундалик турмуш ҳақиқатидан келиб чиқади. Демак, дostonда ифодаланган янги

ғоянинг, новаторликнинг манбаи янги ҳаёт — совет воқелигидир.

Ҳамид Олимжон дostonда севги масаласини ёритар экан, классик поэмачиликдан ижодий озиқланади, унинг илғор традицияларини давом эттириб, замон руҳи билан суғоради.

«Лайли ва Мажнун» дostonи билан «Зайнаб ва Омон» поэмаси ўзаро муқояса қилинса, Ҳамид Олимжоннинг классик поэмачиликдан нималарни олгани, қандай традицияларни давом эттирганлиги очиқ кўринади. Дарҳақиқат, «Зайнаб ва Омон» поэмаси мавзу эътибори билангина эмас, балки айрим эпизодлар тасвири ва баъзи образлар талқини жиҳатидан ҳам «Лайли ва Мажнун» дostonига яқин туради. Масалан, Навфал қизининг никоҳ тўйи кечаси Мажнунга қилган илтижоси тасвирланган ўринлар Зайнаб билан Собир учрашувчи эпизодига жуда яқин. Бу эпизодларда тасвирланган масала ва унинг ечими ҳар иккала дostonда ҳам бир хил. Мажнун ҳам, Собир ҳам бунда эркин севгининг ҳимоячилари сифатида ҳаракат қиладилар ҳамда ўзларининг «жуфту ҳалоллари» бўлиши лозим бўлган қизларнинг хоҳишларини бажо келтирадилар.

Қисқаси, «Зайнаб ва Омон» поэмасида кўринганидек, ўзбек совет дostonчилиги ўз тараққиётида классик дostonчиликдаги инсонпарварлик, дўстлик, тенглик, эркинлик, вафодорлик, инсонга яхшиликни раво кўришлик, меҳнатсеварлик каби прогрессив мотивлардан озиқланган. Сюжет ва композиция тузиш, образ ва характер яратиш маҳоратидан, тил бойликларидан, қисқаси, классик дostonларнинг мазмунидан ҳам, шаклидан ҳам ижодий фойдаланган.

Шу билан бирга, ўзбек совет адабиёти дoston жанрининг янги тема, янги ғоя, янги образ ва янги шакллар ҳисобига бойитган. Ана шунинг учун ҳам ҳозирги поэмачилик ўтмиш адабиётдаги дostonчиликдан ўзининг ғоявий мундарижаси ва тематик доираси, тасвир объект

ти ва тасвир методи билан фарқ қилади. Янги поэмачилик ўз ҳажми ва сюжетининг ихчамлиги билан классик дostonчиликдан ажралиб турганидек, оддий меҳнат кишининг кундалик реал ҳаётини, кураши ва унинг идеалини типик образини акс эттириши жиҳатидан ҳам янгича характерга эга.

«Кўкан» (Ғ. Ғулом), «Зайнаб ва Омон» (Ҳ. Олимжон), «Жонтемир» (Уйғун), «Темирчи Жўра» (Ойбек), «Уста Ғиёс» (Мирмуҳсин), «Пўлат қуювчи» (А. Мухтор), «Россия» (Шукрулло), «Она-Ер қўшиғи» (Ж. Жабборов), «Нидо» (Эркин Воҳидов) «Изма-из» (Ҳ. Шарипов) сингари поэмаларда янги характердаги дostonчилигимизнинг ўзига хос фазилатлар, новаторлик томонлари, унинг ҳозирги замон воқелигини тасвирлашда чекланмаган имкониятларга эга эканлиги яққол кўринадди. Бу поэмаларда ҳаёт ҳақиқати ўзининг бутун тўлалиги ва мураккаблиги билан реал ифодаланади.

Янги поэмачилигимизнинг асосий қаҳрамонлари Назми, Дилбар, Олтиной («Қизлар»), Уста Ғиёс («Уста Ғиёс»), Арслон («Қатта йўлда»), Шомурод ва Марий («Пўлат қуювчи») каби оддий одамлар — янги типдаги совет кишиларидир. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги поэмаларнинг қаҳрамонлари халқ орасидан чиққан халқ фарзандлари бўлиб, улар ўз даврининг актив қурувчиси ҳамда жамият учун, халқ ва давлат мулки учун қайғурувчи, ўз шахсий манфаатидан коллектив манфаатини устун қўювчи ажойиб одамлардир.

Мисол учун уста Ғиёс образини олайлик. Мирмуҳсин дostonидаги кекса ўзбек деҳқони уста Ғиёс колхознинг жонкуяри, онгли ва мустаҳкам иродали киши. Илгари колхознинг устахонасида ишлаб ном чиқарган уста Ғиёс Улуғ Ваган уруши бошланиб, йигитлар фронтга кетгач, далага чиқиб ишлашга қарор қилади. Колхознинг пахтачилик звеносини бошқаради. Лекин у фақат бевосита ўз вазифасини бажариш билангина кифояланиб қолмайди, балки колхознинг ҳамма ишларига актив қатнашади.

Достонда уста Ғиёснинг колхоз мулкани ўз мулкидек биллиш, унинг социалистик меҳнатга янгича муносабати юксак онглилиги, ватанпарварлиги ва умуман устанинг совет кишиларига хос ажойиб фазилатлари реалифодаланади. Уста Ғиёс сингари янги қаҳрамонлар ўтмиш адабиётида бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Қисқаси, классик достончиликнинг илғор традицияларидан ва реалистик рус адабиёти ютуқларидан ижодий фойдаланган ҳолда, ўзбек совет поэзиясида янги характердаги поэмачилик юзага келдики, бу ҳам совет адабиётининг новаторлигидан бир нишонандир.

Янги характердаги поэмачилик ва унинг новаторлиги ҳақида баён этилган фикр-мулоҳазалар халқ шоирлари томонидан совет даврида яратилган халқ достонларига ҳам тегишлидир. Чунки совет даврида юзага келган фольклор асарларининг таҳлили шуни кўрсатадики, совет фольклори ўтмиш фольклоридан жиддий фарқ қилади. Бу фарқ унинг тематикасида ҳам, гоёвий мазмуни, образлари ва ёзилиш услубида ҳам яққол кўринади. Чунки, совет даврига келиб халқ шоирлари традицион сюжетли «Алпомиш», «Гўрўғли», «Қундуз ва Юлдуз», «Равшан», «Балогардон», «Орзигул», «Даллихон», «Рустам» сингари афсонавий қаҳрамонлик достонларини куйлаш билан бирга, янги даврни ва бу даврдаги халқ ҳаётини бевосита реал акс эттирувчи лиро-эпик характердаги замонавий асарлар ҳам яратдилар. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Ўртоқ Ленин», Фозил Йўлдош ўғлининг «Маматкарим полвон», «Очилдов», Пўлканнинг «Ҳасан батрак», «Ҳасан кўли», Ислом шоирнинг «Норпой қаҳрамонлари» каби достонлари шулар жумласидандир.

Бу достонлар ўзбек совет фольклорида замонавий тематика асосий ўринни эгаллашини ва замонавийлик проблемаси тўғри ҳал этилганлигини тасдиқлайди. Чунки бу достонларда традицион афсонавий сюжетлар эмас

ақсинча, ҳозирги ҳаётдан олинган конкрет ҳодиса-воқеалар, замонавий мавзулар тасвирланади ва янги гоёлар олға сурилади. Энди халқ шоирлари ўзларининг янги дostonларида традицион фольклор асарларида кўп учрайдиган гайритабиий кучлар, пари ва девларни эмас, балки ҳаётний воқеаларни, янги турмуш баҳодирларини бевосита биринчи планга қўйиб акс эттирадилар. Фозил Йўлдош ўғлининг «Очилдов» асарида халқимизнинг босмачиларга қарши олиб борган кураши реал кўрсатилса. Пўлкан шоирнинг «Ҳасан батрак» дostonида ер-сув илоҳоти давридаги типик ҳодиса-воқеалар: синфий кураш, хотин-қизлар озодлиги каби масалалар тасвирланади. «Ҳасан кўли» (Пўлкан) дostonи мудофаа темасига бағишланган бўлиб, унда япон самурайларига қарши қаҳрамонона жанг қилган қизил аскарлар образи муҳаббат билан чизилади. «Комсомолка Ойтўти» (Пўлкан) асарида эса хотин-қизлар озодлиги ва у билан боғлиқ бўлган синфий кураш мавзуси ёритилади.

Ислom шоир Назар ўғлининг «Норпой қаҳрамонлари» дostonи ҳаётний материал асосида ёзилган. Шоир унда Самарқанд областининг Нарпай районидagi ўз ҳамқишлоқларининг Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги дастлабки йиллардаги мазмундор ҳаётини, уларнинг қаҳрамонликларини ҳикоя қилади:

Булар сергайратдир, ўзи бинойи,
Шу тўртови бўлди Норпой геройи.
Бу ишлар яшаган давримда ўтди,
Қур одам йил-йилдан ишини тузатди¹.

Совет даврида яратилган халқ дostonларига хос яна бир янгилик шундаки, уларда воқеалар мумкин қадар конкрет ва реал тасвирланади, ўтмиш фольклорига хос:

¹ Ўзбек халқ шоирларининг совет давридаги ижоди, ЎзССР «Фан» нашриёти, Т., 1958 йил, 265-бет.

Шомурти ёқалаб ҳар ёққа кетган,
Ичида сичқонлар болалаб ётган,
Издан тушган пишак олтойда етган,
Шундай қалмоқ қўлин булаб келади, —

тарзидаги традицион муболағалар ва ўхшатишлар деярли ишлатилмайди.

Демак, Совет ҳокимияти йилларида фольклор билан ёзма адабнёт орасидаги фарқ тобора камая борди. Дарҳақиқат, агарда традицион дostonларда бош қаҳрамонлар кўпинча афсонавий ёки ярим афсонавий образлар (Гўрўғли, Алпомиш, Равшанхон, Авазхон кабилар) бўлса, совет даврида яратилган дostonлар сюжетининг марказида реал шахслар (Ҳасан батрак, Мамарайим фирқа, Қобил фирқа, Эшбой камбағал кабилар) туради.

Кўринадики, совет даврида ёзма адабиёт сингари фольклор ҳам ҳаётга тобора яқинлашиб борган. Буни, ҳеч шубҳасиз, бадий ижодчилигимиздаги новаторлик билан узвий боғлиқ бўлган бир хусусият деб ҳисоблаш лозим. Зотан, совет адабиётининг асосий новаторлик хусусиятларидан бири ҳам шундаки, у ҳаёт билан бевосита алоқада бўлади ва ҳаётга тобора яқинлашиш йўли билан бу алоқани кун сайин мустаҳкамлай боради. Ҳаётдан янги материал, янги тема ва янги образлар олиб янгилик яратади, новаторлик қилади.

Адабиётимиз янги образлар яратиш, эски традицион образларни янгилаш соҳасида актив изланиш йўлидан бормоқда.

Маълумки булбул ва сарв узоқ замонлардан бери поэзияда ишлатилиб асардан асарга ўтиб келган традицион образлардан ҳисобланади. Шоир Уйғуннинг «Булбул» ва «Сарвга» шеърларида классик поэзиямиздаги худди шу образларнинг янгиланиши ҳодисасини кўрамиз. Шарқ поэзиясида сарв образи кўпинча ёрнинг чиройли қоматини ифодалаш воситаси бўлиб келган.

Уйғун «Ойга учаман деб шайланиб турган совет ра

кетасини» сарвга ўхшатади. Демак, бунда эски образ — сарвдан янги замоннинг қудрати ва гўзаллигини очиш учун усталік билан фойдаланилган.

Традицион образнинг ана шу хилда янгиланишини Уйғуннинг «Булбул» шеърида ҳам кўриш мумкин. Бу шеърда булбул ошиқларнинг куйиб, ўртаниб нола қилишини ифодаловчи образ сифатида эмас балки инсонларга ҳузур-ҳаловат бағишловчи, уларда ҳаётга иштиёқ ҳиссини орттирувчи, тинч ҳаёт нашъасини куйловчи янги образ сифатида намоён бўлади ва жаҳон прогрессив шоирлари образига параллел қўйиб тасвирланади. Шеър охирида эса тинчлик симболи сифатида олинган булбул садоси билан уруш симболи сифатида берилган ўқлар овози бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Бу контраст шоирнинг тинчликни улуғлаш ғоясини оригинал ва конкрет қилиб ифодалашига бевосита хизмат қилади:

Булбул нағмасининг мафтунлари кўп,
Мен ҳам у куйчининг битта гадоси.
Ўқ овози битсин дунёдан буткул,
Абадий яшасин булбул садоси¹.

Ҳамид Гуломнинг «Қитъалар уйғоқ» шеърий циклидаги эвакуация кўприги, қалампирмунчоқгул, ёмғирли тонг, Этна лаваси каби образлар ўзбек поэзияси учун оригинал ва янги бўлиб, улар капиталистик ва мустамлака мамлакатларидаги зиддиятларни, халқларнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашини ўзига хос бадийлик билан акс эттиришга хизмат қилган. Ҳамид Гулом Искандария пахта бозоридаги савдогар бой Фергаланинг кўкрагида доим юлдуздай товланиб турувчи қалампирмунчоқгулда пахта плантацияларида қамчи еган тул аёлларнинг юрак қонини кўради. Бу гул шоирга «аламлар тугилган қип-қизил тутун» бўлиб туюлади.

¹ Уйғун. Шеърлар, Т., 1963 й., 166-бет.

Демак, шоир оддий меҳнатки билан бойлар ўртасидаги тенгсизлик ва зиддиятни қаламширмунчоқгул образи воситасида очишга муваффақ бўлган.

Шоира Саида Зуннунованинг «Томчилар» шеърисида ёмғир томчилари образи янгидан кашф этилган оригинал образ бўлиб чиққан. Шеърдаги лирик қаҳрамон бо лалигида бошини ёмғирга тутиб лаззатланишларишонасидан яширинча қор еб ўйнашларини эслар экан, бениҳоя завқланади. Аммо шу пайт унинг юрагида бошқа бир зил ўй пайдо бўлади: қозирги ёмғир томчилари чиндан шаффофмикан, чиндан покмикан, атом заррасидан холимикан, деган хаёллар уни ташвишлантиради. Шундай қилиб, томчилар образи ҳозирги болаликнинг ва умуман инсониятнинг тақдири ҳақида ўйлаш ғоясига ўсиб чиқади. Шеърнинг хотимасидаги алангалихитобга шоира совет кишиларининг кучли оптимиструҳи ва ишончини сингдириб юборган:

Йўқ, шошманг, томчилар, оппоқ томчилар,
Боламдан сизни ким айирмоқчи, ким?!
Унинг шўхлигига ҳамроҳ бўлингиз,
Юзу сочларида порланг, қўнингиз,
Кўзгудек мусаффо ўйноқ томчилар!¹

Кўринадики, шеърда катта умумбашарий ғоя конкрет ва ҳаётий, янги образ орқали ифодаланган. Ана шу янги образ ва янги фикр шеърдаги новаторликни таъминлаган.

Бундай катта ғояларни ифодаловчи оригинал, янги образлар кашф этиш — новаторликка интилиш тенденцияси Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Хусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ, Эътибор Охунова, Барот Бойқобилов, Нормурод Нарзуллаев, Ойдин Ҳожнева каби

¹ Саида Зуннунова. Шеърлар. Ўзадабийнашр. Т. 1964 йил, 35-бет.

шоирлар ижодида ҳам кўзга ташланади. Хайридин Салоҳ ўзбек халқининг улғу рус халқига бўлган самимий меҳр-муҳаббатини акс эттиришда оқ қайин образини муваффақият билан ишлатган бўлса («Оқ қайин қўшиғи» шеъри), Барот Бойқобилов худди шу ғояни дилрабо рус куйлари образи орқали ёқимли қилиб ифодалайди («Рус куйлари» шеъри). Хуснидин Шарипов пок муҳаббат ва унинг кучу қудрати ҳақидаги поэтик мушоҳадаларини чақмоқ образи орқали бериб, оригиналликка, янгиликка эришган. Тошпўлат Ҳамид эса совет кишининг ватанпарварлик туйғусини она-Ватаннинг «аччиқ-чучуги»га баб-баравар шерик бўлиб яшашини инсон образига контраст қилиб берилган қиров образи воситасида яхши очган:

Инсон қиров эмас, буғ бўлиб учса,
Ёмғирдай қуйилса ўзга тупроққа.
Ҳаво айниганда қаргадай кўчса,
Юртини тарк этиб бўлак бир ёққа!¹

(«Инсон»)

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шу озгина мисолнинг ўзи ҳам ўзбек совет шеърини ҳаёт билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда янгилик яратиш, новаторлик руҳида ўсаётганлигини кўрсатади. Бугина эмас. Ҳаётимиздаги буюк ўсиш-ўзгаришларга боғлиқ ҳолда лириканинг ҳаётни акс эттириш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Буни ўзбек совет адабиётидаги спёсий лирика ёки муҳаббат лирикаси мисолидагина эмас, шунингдек, пейзаж лирикаси мисолида ҳам кўриб ўтиш мумкин. Зотан, лирика имкониятларининг кенгайиши ҳам совет адабиётининг новаторлиги билан узвий

¹ Тошпўлат Ҳамид. Менинг асрим (Шеърлар). Ўз-адабийнашр. Т., 1965 й., 22-бет.

боғлиқдир ва аёна шу новаторликнинг бир кўринишидир, албатта.

Лирикада ғояни ифодалаш ва характерни очиш учун шоирлар энг кўп мурожаат қиладиган ёрдамчи тасвир объектларидан бири — табиат (пейзаж) тасвири бўлиб, бундан классик поэзиямизда ҳам жуда унумли фойдаланилган. Масалан, ўтмиш шоирлари қувноқ ёшликни кўрсатишда гўзал баҳор пейзажидан қариликни акс эттиришда хазон пайтидаги куз манзараси тасвиридан кўп фойдаланганлар. Бинобарин, классик адабиётимизда баҳор ёшлик ва гуллаётган ҳаётнинг, куз эса кексаликнинг рамзи бўлиб қолган эди.

Бироқ классик адабиётимизда инсон образини ёки асар ғоясини очишга бевосита бўйсундирилган реалистик пейзаж тасвиридан кўра, кўпинча романтик ва натуралистик пейзаж тасвири устун турар эди. Шунга кўра, классик поэзиямизда лириканинг жуда кўп нодир ва ноёб намуналари учраса-да, у даврда пейзаж лирикаси адабиётнинг мустақил бир жанри сифатида шаклланиб етмаган эди. Улуғ Октябрь революциясидан кейин совет шоирлари лирикада пейзаждан фойдаланишнинг ҳам хилма-хил йўллари ижод қилдилар. Натижада пейзаж лирикасининг янги-янги намуналари яратилди ва у поэзиянинг мустақил бир жанри даражасига кўтарилди. Бу ҳам новаторликнинг белгиси ва самарасидир, албатта.

Пейзаж лирикасининг бундай новаторлик хусусиятлари Ҳамид Олимжон, Уйғун, Зулфия, Миртемир лирикасида айниқса очиқ кўринади. Чунки бу шоирлар ўз ижодларида пейзаж лирикасига кенг ўрин берганликлари ва уни ёқимли, ёрқин қилиб тасвирлаганликлари билан бошқа кўп шоирлардан ажралиб турадилар. Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон ёки Уйғуннинг қайси шеъри ва қайси пбэмасини ўқимайлик, уларнинг табиатни жуда назик ҳис этишини, табиат лавҳаларидан унумли фойдаланиб, пейзажни асар ғоясини очишга бутунича хизмат қилдира олганлигини кўраемиз.

Ҳамид Олимжон «Ўзбекистон», «Россия». «Бахтлар водийси», «Чимён эсдаликлари», «Зайнаб ва Омон» сингари асарларида ватанпарварлик гоялари ни олға суришда пейзаж тасвирдан жуда ўринли фойдаланган. Бу асарларда яратилган ёрқин пейзаж асар гояси билан ниҳоятда чирмашиб кетган. Масалан, гўзал республика-миз табиатининг манзараларини «Чимён эсдаликлари»да ўқиб кўрган китобхон уни бир умрга севиб қолади:

Бунда гулнинг энг асллари,
Бахмал гилам, алвон поёндоз
Табиатнинг бор фасллари:
Баҳор ва ёз қаршимда пешвоз.
Қояларда асрлик дoston,
Далаларда оппоқ, мангу қор,
Чўққиларда оташ саратон,
Ёнбағирлар бинафша баҳор.
Гўзалликда туганмас булоқ,
Шамолда ўйнайди шалола,
Баҳор юрар кўчиб тоғма-тоғ,
Қўлларида лола пиёла.

Маълумки, йил фасллари орасида баҳор фасли энг гўзал, энг сеvimли хислатларга энг бой фаслдир. Баҳор гўзаллигини, унинг хилма-хил хислатларини куйлаш, баҳор образини акс эттириш орқали социалистик мамлакатимиз гўзаллигини очиб бериш китобхонни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шу билан бирга, ўқувчида гўзаллик ҳақидаги тушунчанинг шаклланишига ва ўсишига ёрдамлашади, унинг эстетик завқини оширади. Уйғун «Баҳор ҳақида» шеърида баҳорнинг келиши билан борлиқдаги ҳамма нарсаларнинг уйғониши ва ўзгаришини, далаларга яшил гилам тўшалиб, ҳар дарахтнинг янги либос кийишини, фунчалар гул очиб, боғларда булбуллар ғазалхон бўлишини, колхозчилар-

нинг бу фаслда янги меҳнат зафарлари сари бел боғлашларини моҳир пейзажчи шоир сифатида шундай усталлик билан куйлайдики, натижада у ҳам ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ғояларини олға суради, ҳам ўқувчининг эстетик дидини ўстиради.

Уйғун куз фасли пейзажини чизишда ҳам новаторлик кўрсатган. У ўзининг «Куз қўшиқлари» номли шеърисида киши тасавурида узоқ вақтлар сақланиб қоладиган ёрқин пейзаж яратган ва уни ижтимоий ғоя билан суғорган. Шоир «ҳар фаслнинг ўз хислати бор, ҳар фаслнинг ўз фазилати» деб сўз бошлар экан, пишиқчилик ва маъмурчилик фасли бўлган олтин куз пейзажини, куз фаслининг ўзига хос хислат ва фазилатларини (қисқаси, куз образини) қуйидагича мазмундор ва чиройли мисралар орқали гавдалантиради:

Шиша осмонлари, тиниқ сувлари,
Зийнатлари билан қайтиб келди куз.
Барчани теримга, йиғимга чорлаб,
Мардлик қўшиғини айтиб келди куз.
Куз келди, бизларга кумуш косада
Шарбат ола келди, бол ола келди.
Сават-сават қилиб ширин мевалар,
Омборлар лиқ тўла дон ола келди.
Кенг водийлар билан, дала билан бир —
Пахта ола келди — шон ола келди.

Шеърда Уйғун куз пейзажини чизар экан, табиатнинг қуруқ тасвирини эмас, балки бу фаслнинг социал мазмунини очиқ беради. Лирикада новаторлик қилиб, классик поэзиянинг айрим традицияларини дадиллик билан «бузади»: классик поэзияда хазонрезлик симболи бўлиб қолган, ҳамма нарсанинг сўнишидан дарак берувчи куз фасли образини шоир фазилатли ва инсонга бойлик келтирувчи ҳаётбахш фасл сифатида жарангдор ва жўшқин қилиб куйлайди.

Ўзбек совет шоирлари пейзаж орқали асар ғоясини очар эканлар, табиат тасвирини қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига мос қилиб ёки унга эид қўйиб тасвирлашнинг ҳам ҳар хил приёмларини топадилар. Уйғун «Назир отанинг ғазоби» номли машҳур шеърида қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига мос бўлган, ўқувчида жанговарлик ва курашчанлик ҳиссини уйғотувчи пейзаж яратади. Бу асарда шоир аввал оғир, булутли кундаги табиат (кечки куз) пейзажини бериб, унга инсон ғазобини (Назир отанинг ғазобини) қарама-қарши қўяди: шундан кейин Назир ота характеридаги асосий белги бўлган табиат даҳшатларига ҳам бас кела олувчанлик хислатини, кучли инсон иродасини тасвирлашга ўтади. Натижада оддий, кенг қалбли, қатъиятли, мустаҳкам иродали совет кишининг мукамал образини такрорланмас даражада оригинал ва ёрқин қилиб чизиб беришга муваффақ бўлади¹.

«Назир отанинг ғазоби» шеърида пейзажни образнинг руҳий ҳолатига мослаб чизиш орқали қаҳрамоннинг характерини, ички кечинмаларини бўрттириб беришга эришилган бўлса. «Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой» (Ҳ. Олимжон) шеърида пейзаж лирик қаҳрамоннинг (ватанпарвар совет кишининг) руҳий ҳолатига қарама-қарши қўйиб тасвирланади. Ҳамид Олимжоннинг бу ўриндаги усталиги ва новаторлиги лирик қаҳрамонни табиатга (тўлин ойга) бевосита мурожаат қилдириб, у билан сўзлаштириш орқали халқимизнинг Улуг Ватан уруши давридаги ҳаётини, ҳис-туйғуларини, орзу-истакларини, ғалабага бўлган қатъий ишончини — асар ғоясини ҳаяжонланарли тарзда очиб беришидадир. Бу шеърни ўқиган ҳар бир ўқувчи кўз ўнгида ойдин кеча

¹ Қаранг: Ҳ. Дониёров, С. Мирзаев. Лирикада традиция ва новаторлик. «Ўзбек адабиёти масалалари» (мақолалар тўплами), Ўзадабийнашр. Т., 1962 й., 230—233-бетлар.

пейзажи ва ўша вақтда ундан нотинчланиб ташвишга тушиб турган шаҳар ва қишлоқларнинг жонли образи гавдаланади.

Ҳамид Олимжон ўз асари мазмунига табиат инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган абадий, объектив ҳақиқатдир, деган фалсафий қоидадан образли тарзда сингдириб юборган. Чунки «Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой» шеърида тасвирланишича, эски замон — ғурбат замонасида ҳам, янги давр — шодлик ва бахтиёрлик даврида ҳам, халқларимиз бошига оғир ташвиш тушган Улуғ Ватан уруши кунларида ҳам табиат, кишиларнинг истак ва хоҳишидан қатъий назар, ўзининг одатдаги ишини давом эттира беради. Яъни, қуёш чиқади, ой ёғду сочади. Лекин қуёшнинг нури ва ойнинг шуъласи кишиларнинг конкрет вақтдаги муайян руҳий ҳолатларига ва ички кечинмаларига қараб уларга ҳар хил таъсир қилади. Ана шундай катта фалсафий фикрнинг бадийий йўл билан, бирон фалсафий терминни ва риторик тавсифни ишлатмасдан образли қилиб берилиши ҳақиқатда ҳам зўр маҳорат, қолаверса, замона руҳи билан суғорилган новаторликдир.

Ўзбек совет пейзаж лирикасининг яна бир новаторлик хусусияти шундан иборатки, шоирларимиз пейзаждан характерни бўрттиришда фойдаланганларидек, образ портретини чизишда ҳам ижодий фойдаланадилар. Шуниси характерлики, образ яратиш санъатининг классик адабиётимизда гўзал ёрнинг фақат ташқи қиёфасини кўрсатишга хизмат қилган бу формаси совет лирикасида новаторлик билан ривожлантирилмоқда.

Бундай асарларга Уйғуннинг Улуғ Ватан уруши даврида ёзилган «Сурат» номли шеъри яхши мисол бўла олади. Автор бу шеърда классик адабиётимиздаги образ яратиш усулидан ва тасвирий воситалардан новаторлик билан фойдаланган. Асарда тасвирланишича, гитлерчи фашистлар галасига қарши курашиб турган жангчи фронтдан ўз севгилисига унинг суратини сўраб хат ёза-

ди. Қиз эса унга қўйидагича жавоб мактуби юборади:

Юзларимни кўрмак истасанг,
Е ойга боқ, ёки кунга боқ.
Сочларимни кўрмак истасанг,
Уйғудан кеч, ойсиз тунга боқ.
Қошларимни кўрмак истасанг,
Кўкка қара, чиққанда ҳилол.
Кўзларимни кўрмак истасанг.
Назарингни юлдузларга сол.
Ёноғимни кўрмак истасанг,
Саҳрога чиқ, лолазорга юр.
Лабларимни кўрмак истасанг,
Саҳар туриб гунчага юз бур.
Тишларимни кўрмак истасанг,
Ҳавасингни марваридга айт.
Гар ўзимни кўрмак истасанг,
Ёвни енгиб зафар билан қайт.

Бу ўринда шоирнинг новаторлиги шундаки, у ўз шеърида классик адабиётимизда тез-тез учраб турувчи приёми, яъни юзни ойга, лабни гунчага, ёноқни лолазорга, қошни ҳилолга, тишни марваридга, сочни қора тунга ўхшатиш традициясини қуруқ такрорлаб қўя қолмайди. Балки бу анъанавий образ ва тасвирий воситаларни «гар ўзимни кўрмак истасанг, ёвни енгиб, зафар билан қайт» тарзидаги юксак замонавий гоани ифода-лашга бўйсундиради. Натижада шеърнинг умумий мазмунидан ёр учун кураш — ҳаёт ва ватан учун курашдир, деган хулоса чиқарилади. Машҳур совет шоираси Вера Инбер ҳам «Сурат» шеъридаги бундай новаторликни Ўзбекистон совет ёзувчиларининг III съездида сўзлаган нутқида алоҳида кўрсатиб ўтган ва Уйғуннинг бу асари га юқори баҳо берган эди.¹

¹ Қаранг: «Шарқ юлдузи» журнали, 1954 йил, 9-сон.

Ўзбек совет шоирлари пейзаждан қаҳрамон характери, руҳий ҳолатини, портретини очишда фойдаланиш билан бирга, уни символика (раّمзий образ) сифатида ҳам қўллайдилар. Буни ҳам янги пейзаж лирикасининг новаторлик томонларидан бири деб бемалол айтиш мумкин. Чунки пейзаж лирикасининг бундай хусусияти ҳам классик поэзиямизда деярли учрамас эди.

Ўзбек совет адабиётининг лирик жанри намунасида юқорида баён этилгани каби новаторлик хусусиятларини проза ва драматургиямиз тараққиётини кузатганда ҳам очиқ кўриш мумкин.

Зотан, совет адабиётининг новаторлиги кенг тушунча бўлиб, унга совет адабиётининг ҳаёт билан алоқаси ва халқчиллигидан тортиб, турмушни ўрганиши, тема танлаши, характер яратиши, воқеликни коммунистик партиявийлик принциплари асосида реал акс эттириши, янги ғояларни олға суриши, тасвир усуллари, тил ва стилдан фойдаланиш маҳоратигача бўлган жуда кўп масалалар киради. Бас, шундай экан совет адабиёти янги воқелик — социалистик ҳаёт заминиде юзага келган янги типдаги новатор адабиётдир. У ўтмиш адабиётдан ғоявий мазмун, тематик доира жиҳатидангина эмас, балки, шу билан бирга, асосий қаҳрамонлар ва ижодий метод жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Лекин, айни вақтда, совет адабиёти жаҳон классик адабиёти прогрессив традицияларининг қонуний меросхўри ҳамдир. Демак, совет адабиётида традиция билан новаторлик диалектик бирликда намоён бўлади.

Новаторлик ва фольклор традициялари

Халқ оғзаки ижоди — халқ тарихининг қомуси, халқ турмушининг ойнаси бўлиши билан бир қаторда, халқ дошшмандлигининг битмас-туганмас манбаи ҳамдир

А. М. Горький айтганидек, «Халқ фақат ҳамма моддий бойликларни майдонга келтирувчи кучгина эмас, халқ маънавий бойликларнинг ҳам бирдан-бир ва туганмас манбаидир; халқ ўз ижодининг ҳаммадан олдин майдонга келганлиги, гўзаллиги ва доҳиёналиги жиҳатидан биринчи файласуф шоирдир; ҳамма буюк поэмаларни, ер юзидаги ҳамма трагедияларни ва булар ичида энг буюга бўлган бутун дунё маданият тарихини халқ яратган»¹.

Ана шу сабабли жаҳон маданияти тарихини яратишга катта ҳисса қўшган сўз санъаткорларининг ҳаммаси— Навоий ва Жомий ҳам, Низомий ва Фузулий ҳам, Шекспир ва Гёте ҳам, Пушкин ва Горький ҳам... халқ оғзаки ижодига махсус эътибор, алоҳида муҳаббат билан қараганлар, уни севиб ўрганганлар, фольклордан ижодий, озуқа олганлар. Классик санъаткорларнинг бу яхши традицияларини ўзбек совет ёзувчилари ҳам янги шароитда новаторлик билан давом эттирмоқдалар. Ўз ижодларини фольклорнинг ҳаётбахш булоқларидан оққан шарбат суви билан суғориб ўстирмоқдалар. Шуининг учун ҳам ўзбек совет адабиётининг фольклордан ўрганиш, ундан ижодий фойдаланиш соҳасида ўз тажрибалари ва ўз традициялари борлиги шубҳасиздир.

Совет ёзувчиларининг фольклордан фойдаланишида В. И. Лениннинг адабиёт ва санъат тўғрисидаги таълимоти, жумладан, халқ оғзаки ижоди ҳақида айтган доҳиёна фикрлари методологик программа бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Дарҳақиқат, В. Д. Бонч-Бруевич «В. И. Ленин халқ оғзаки ижоди ҳақида», деган мақоласида қайд этгандек, улуғ Ленин халқ оғзаки ижодига юқори баҳо бериб, уни севиб ўрганган ва буни бошқалардан ҳам талаб қилган.

«Жумладан, В. И. Ленин В. Д. Бонч-Бруевич билан суҳбатда айтган эдики, мен мана бу китобларнинг ҳам-

¹ М. Горький. О литературе. Изд. «Советский писатель». Москва—1953 г., стр. 48.

масини шошилинич равишда кўриб чиқдим. Лекин кўриб турибманки, мана бу нарсаларнинг ҳаммасини умумлаштиришга, улардан умумий хулосалар чиқаришга, уларни ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан қараб чиқишга одамларнинг қўли тегмаяпти ёки уларда шундай тилак туғилмаяпти, шекилли. Ахир бу материалларни асос қилиб, халқнинг тилак ва орзулари тўғрисида ажойиб тадқиқот асари ёзиш мумкин-ку. Мен Ончуковнинг эртақларини варақлаб чиқдим, унинг ажойиб жойлари бор экан. Адабиёт тарихчиларимизнинг диққатини биз ана шу нарсаларга тортишимиз керак. Бу бизнинг кунларимизда ҳам халқ психологиясини ўрганиш учун жуда керак ва муҳим бўлган ҳақиқий халқ ижодидир»¹.

В. И. Ленин халқ оғзаки ижоди бойликларини йиғиш, ўрганиш, нашр этиш ва оммалаштириш ҳақида ғамхўрлик қилган ҳамда халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларини халқ донишмандлигининг рамзи сифатида таърифлаб, «жуда соз, жуда яхши. Ана шулардан ёзувчиларимиз ўргансалар экан, бир жумла билан чилпарчин қилиб ташлайди-я... Катта мақоллар тўйламини тузиш керак. Бу эса ёзувчиларимиз ва нотиқларимиз учун катта бир хазина бўлиб хизмат этади»², деган эди. В. И. Ленин санъаткорларимизни халқ оғзаки ижодини пухта ўрганишга, ундан ижодий озиқланишга чақириш билан бирга, ўз асарларида фольклор образларидан, эртақ ва мақолларидан кенг фойдаланган.

В. И. Ленин халқ ижодига қандай муносабатда бўлиш кераклигини асослаб, фольклорни ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан ўрганиш методини яратган эди. Ўзбек совет ёзувчилари ана шу ленинча методга асосланганлари ҳолда халқ оғзаки ижоди бойликларини ўрганиш

¹ Ўзбек совет фольклори масалалари. Тадқиқотлар, 1-китоб, Т., ЎзССР «Фан» нашриёти, 1970 й., 6-бет.

² «Литературный современник», журнал. 1940 г., № 1, стр. 10.

ва ундан ўз асарларида новаторлик билан фойдаланиш соҳасида ибратли ишлар қилмоқдалар.

Тўғри, ўзбек совет ёзувчиларининг халқ оғзаки ижодини ўрганиш, ундан озиқланиш йўллари ва фольклорга мурожаат қилишдан кўзлаган мақсадлари ҳар хил бўлганидек, уларнинг фольклордан фойдаланиш маҳорати ҳам бир хил эмас. Лекин, шунга қарамай, Ҳамза, С. Айний, А. Қодирий, Ҳ. Олимжон, Ойбек, Ғ. Ғулом, Уйғур, А. Қаҳҳор, Қ. Яшин, Ойдин, Миртемир, Ш. Рашидов, Ҳ. Ғулом каби ўзбек ёзувчиларининг униб-ўсишида, уларнинг ижодий камолотга етишувида фольклорнинг катта роль ўйнагани аниқ.

Дарвоқе, ҳар қандай реалист ёзувчи ижодини халқ ҳаёти билан узвий алоқасиз, халқ оғзаки ижодидан баҳрамандсиз ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, Комил Яшин: «Драматургларимиз шуниси эсда тутишлари керакки, халқ ҳаёти ва ижоди билан алоқа ўрнатганлари, ҳаётга чуқур кириб борганлари тақдирдагина улар халққа керакли ва ҳаққоний санъат асарлари яратишлари мумкин»¹, деган эди.

Ёзувчиларимиз халқ ижоди бойликларидан ўрганиб, озиқланганларида улар фольклор материалларини ўз асарларига шундайлигича кўчириб қўя қолмайдилар. Аксинча, ундан қимматли хом ашё сифатида фойдаланиб, ундаги демократик ва социалистик элементларни янада бўрттириб тасвирлайдилар ва фольклор материалларини ўз асарларининг асосий мазмунига сингдириб юборадилар. Шу йўл билан ўз асарларининг халқчиллиги, ҳаётийлигини ва бадийлигини таъминлайдилар. Ўзбек совет ёзувчиларининг фольклор традицияларини ижодий ривожлантиришдаги новаторликлари ҳам аввало ана шундадир.

¹ К. Яшин. Танланган асарлар, 3-том. Ўзадабийнашр, Т., 1964 йил, 209-бет.

Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, бевосита фольклор сюжетлари ёки мотивлари асосида ёзилган «Майсаранпнг иши» (Ҳамза), «Равшан ва Зулхумор» (К. Яшин), «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш» (Собир Абдулла), «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» (Ҳ. Олимжон), «Номаълум киши» (И. Султон), «Гулсанам» (Ойдин) каби асарлар характерлидир. Бу асарларда ёзувчиларимиз фольклорни ўрганиш, ундан озиқланиш ва халқ овзаки ижодига мансуб бўлган бадий асарларни қайта ишлашнинг ажойиб намуналарини кўрсатдилар.

Масалан, Ҳамид Олимжон ўз ижодида фольклордан кенг миқёсда моҳирлик билан фойдаланиб, ёзма адабиётимизни халққа ва халқ поэтик ижодига яқинлаштириш унинг халқчиллигини ошириш ишига жуда катта ҳисса қўшди. Шоирнинг бу соҳадаги буюк хизмати ва нова торлиги ҳам, асосан худди шунда. Машҳур совет адиби А. А. Фадеев Ҳамид Олимжон «халқ фольклори ва эпосидан маҳорат билан фойдаланувчи юқори маданиятли шоирдир»¹, деб ёзганда санъаткор ижодидаги ана шу фазилатларни назарда тутган эди.

Ҳамид Олимжон «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» дostonларини яратар экан, халқ афсоналарига реалистик қон югуртириш, тарихий ҳақиқатни асар сюжетига едириб юбориш орқали фольклор асарларидаги демократик ва социалистик элементларни бўрттиради; улардаги золим хонларга ва барча эксплуататорларга қарши кураш руҳини, халқ кучига, халқнинг порлоқ келажигига ишонч руҳини янада ёрқинроқ ва гўзалроқ ифодалайди, золимлик ва хонликни, иккиюзламачилик ва пасткашликни қоралаб, адолат ва гўзаллик дунёсини улуғлайди.

Шоирнинг «Ойгул билан Бахтиёр» дostonида халқ овзаки ижодига хос бўлган муҳим хусусиятлар — юк-

¹ А. Фадеев. За тридцать лет. Изд. «Советский писатель». М., 1957 г. стр. 321.

сак оптимизм, ҳаётбахш романтика ва том маънодаги халқчиллик асарнинг темаси ва ғоявий йўналишидан тортиб сюжети ва композицион қурилиши, образлари, тили ва тасвирий воситаларигача ҳаммасига моҳирлик билан сингдириб юборилган. Ҳ. Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» достонини яратишда «Маликаи Ҳуснобод» эртагини қайта ишлаб, унга сайқал беришдаги маҳорати, новаторлиги, бизнингча, асосан худди шундадир.

Шоир Ойгул образини «Маликаи Ҳуснобод» эртагидаги подшо қизи образидан фарқли равишда ҳақиқий халқ қаҳрамонларига хос сифатлар эгаси қилиб, халқ кучи ва халқ иродасини ўзида мужассамлаштирган қаҳрамон тарзида новаторлик билан тасвирлайди. Жамбил юртида кўтарилган исён енгилса-да, золим хон эркесвар қиз Ойгулни ўлдира олмайди. Ойгул ҳар хил қийинчиликларга учраб, зиндонда ётиб, дарёда оқиб, Жаржон подшоси ва Жайҳун балиғининг чангалига тушса-да, у ҳар қандай офатлардан омон қолади. Барча қийинчиликларни енгади ва ҳатто, пировардида золим хонни ўлдириб, элга бахт беради, муроду мақсадига етади.

Демак, Ойгул ўқ ўтмас, қилич ботмас қаҳрамон тарзида тасвирланган бўлиб, у халқ идеали, халқ куч-қудрати ва иродасининг тимсоли сифатида гавдаланади. Зотан, шоир Ойгул образини яратиш билан халқ кучи ва иродасини енгиласло мумкин эмаслигини, халқ ҳар нарсага қодир, ҳар нарсага моҳир, ҳар нарсадан кучли, ҳар нарсадан ўткир эканлигини образли тарзда кўрсатиб беради.

Ҳамид Олимжоннинг афсонавий қаҳрамонликларни ва кишини ҳайратга солувчи романтик саргузаштларни ҳикоя қилувчи «Семург» («Паризод ва Бунёд») номли достони ҳам халқ куч-қудратини улуғлаш ғояси билан мўл-кўл сугорилган. Достонда тасвирланишича, чўпон йигит Бунёд хон қизи Паризоднинг не-не шахзодалар,

не-не хонзодалар уддалай олмаган оғир шартларини зўр шижоат ва мардлик билан бажаради. Бунёд дostonда ҳақиқий халқ фарзандларига хос ботирлик, иродалик, содиқлик ва саботлик каби ажойиб фазилатларнинг соҳиби сифатида намоён бўлади.

«Семурғ» традицион халқ дostonларига хос бўлган фантастик образ ва романтик тасвирларга бениҳоя бой. Бунёднинг тулпорга миниб, чинорни йиқитиши, бахт қуши — Семурғни ахтариши ва уни топиши, Семурғнинг ёрдами билан девни енгиши — қисқаси, дostonда тасвир этилган воқеаларнинг деярли ҳаммаси эртактарга хос романтик бўёқлар билан чизилган. унда ҳаёт ҳаққати ана шу афсонавий қаҳрамонлар ва ҳодисалар тасвири орқали усталик билан очиб берилган. Дostonда образлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини атайлаб бўртириш учун ишлатилган турли хил тасвирий воситалар: фольклорга хос ажойиб муболағалар, мазмундор ўхшатишлар, оригинал сифатлаш ва гўзал жонлантиришлар кўплаб учрайди. Шоир узоқ ўрмондаги даҳшатли девни тасвирлар экан, шундай оригинал муболағалар яратдики, улар асар тилини безабгина қолмасдан, дев билан яккама-якка курашиб, уни енган халқ қаҳрамони Бунёд образининг ёрқин чиқиши учун ҳам хизмат қилади.

Комил Яшиннинг «Равшан ва Зулхумор» номли мункали драмаси Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Равшан» дostonи асосида ёзилган. Драманинг ёзилиш стили, композицияси ва персонажлар нутқида фольклор асарларининг хусусиятлари бўртиб туради. Пьеса ўзбек, туркман, озарбайжон, қорақалпоқ бахшиларнинг Гўрўғли шаънига айтган мадҳиялари билан бошланади ва у халқнинг Қорахон зулмидан озод этилганлигини, икки севишган ёш — Равшан ва Зулхуморнинг муроду мақсадларига етганлигини кўрсатиш билан тугайди.

Бироқ «Равшан» дostonида кўтарилган тема ҳамда бу темани ёритиш учун восита қилиб олинган сюжет ва образлар «Равшан ва Зулхумор»да драма жанрига

туғридан-туғри кўчириб қўйилган эмас, аксинча, халқ достонига жиддий ёндашилиб, асарнинг ғоявий мазмуни ва образлар системаси бойитилган. Достоннинг ғоявий мотивлари янада сайқаллаштирилиб, ҳозирги замон талаблари даражасига кўтарилган.

Халқнинг озодлик ва адолат учун босқинчи ёвларга қарши олиб борган курашини икки ёшнинг (Равшан ва Зулхуморнинг) севги саргузашти фонида кўрсатиш бу драманинг асосий ғоявий мазмунини ташкил этади. Дарҳақиқат, драматург Равшан ва Зулхумор ўртасидаги севги саргузаштини тасвирлаш билан кифояланмайди. У ўтмишдаги социал ҳаёт тасвирини кўп ҳолларда драма воқеасининг биринчи планига ўтказиб, ўша даврнинг ижтимоий характеристикасини образли равишда беради.

Драмада Ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат, зулм ва хиёнат дунёсига нафрат руҳи бўртиб туради. Зотан, драмадаги халқчиллик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, дўстлик ғоялари айрим эпизодлардагина кўриниб қолмайди, балки улар пьесанинг умумий ғоявий мазмунидан келиб чиқади. Пьесанинг бош қаҳрамони Равшан ўз элига, ўз валломати Гўрўғлига хонлик қилишдан кўра, ўлимни афзал билади. Шунинг учун у Қорахон вазирининг «Гўрўғлини ўлдирсанг, ўз элигдан кечсанг — Зулхумор сеники, деган талабига жавобан мардона туриб хитоб қилади.

Сен айтган одаминг, золим, мен эмас,
Эл фарзанди ўлимдан ҳеч ғам эмас!
Бошимни кес, ўз элимдан кечмайман,
Олтин тахтинг тупрогимга тенг эмас!
Мард жонини ўз элидан аярми?
Ўламан деб мард йўлидан тоярми?!

¹ Қ. Яшин. Танланган асарлар. II том., Ўзадабийнашр. Т.—1958 й., 300-бет.

К. Яшин драмадаги кўп образларни, хусусан Гўрўғли ва Равшан образларини дostonдаги афсонавий халқ қаҳрамонларидан фарқлаб, ҳақиқий халқ қаҳрамонлари тарзида тасвирлайди. Яъни образлар таърифидаги традицион дostonларга хос афсонавий қаҳрамонликлар, фантастик саргузаштлар, романтик-хаёлий кечинмалар ўрнини драмада кўпинча реалистик характердаги воқеа ва образлар тасвири эгаллаган. Драманинг асосий образлари — Гўрўғли ва Равшан афсонавий қаҳрамонлардан кўра, кўпроқ ҳаётий қаҳрамонларга ўхшайдилар ва оддий инсон сифатида намоён бўладилар. Улар халқ билан биргалашиб ҳаракат қиладилар.

К. Яшин дoston сюжетига ҳам бир қанча ўзгартиришлар киритиб, уни янги воқеа ва образлар билан бойитган. Дostonда тасвирланишича, Равшан Зулхуморни биринчи марта Юнус пари берган узукдаги суратда кўради, шунга қараб қизни севиб қолади ва уни излаб кетади. Драмада эса Равшан Зулхуморни дастлаб Чамбил элига бостириб келган Қорахон қўшини орасида, жангда кўради. Равшан «муҳаббат банд қилинган сирли узукни» ҳам Юнус пари қўлидан эмас, балки Зулхумор қўлидан олади ва шундан сўнг қизни излашга киришадди. Драмадаги бундай ҳаётий тасвирлар асар реализмини таъминлашга, Равшан ва Зулхумор образларини тўлиқроқ, реалроқ кўрсатишга хизмат қилган. Шу билан бирга, асар драматизмини ҳам кучайтирган.

Бундан ташқари, Қорахоннинг зolimлигини, босқинчилигини, тинч элларни талаб, хонавайрон қилишини кўрсатишга ҳам драмада дostonдагига қараганда кўпроқ эътибор берилган. Шу мақсадда драмага Қорахоннинг Чамбилга бостириб келиши, хон каллакесарларининг Боғистонга ўт қўйиши, эр йигитларни ўлдириб, қизу келинларни боғлаб асир сифатида олиб кетиши каби реалистик эпизодлар киритилган.

Дostonдаги Ҳасан, Юнус пари, Соқов мома, Кўса,

Мастон кампир, бозордан келаётган бобо, Ишрат дево-на сингари асар механизмида унчалик катта роль ўйна-майдиган баъзи образлар пьесада тушириб қолдирил-ган. Бунинг ўрнига Гўрўғли, Айноқ ботир, Эрсак мерган, Терсак синчи, Жайноқ масхарабоз ва шервонлик она образларига алоҳида эътибор берилиб, уларнинг асар ғоявий мазмунини очишдаги роллари орттирилган. Дз-нишманд бахши, Қорахоннинг лашкарбошиси Қўсадов образлари эса драмага янгидан киритилган. Буларнинг ҳаммаси драматургнинг фольклор материалларига но-ваторларча муносабатда бўлганлигининг натижаси ва нишонасидир.

Адиба Ойдиннинг «Гулсанам» ҳикояси ҳам ўзбек халқ эртаклари мавзуида ёзилган. Ойдин социалистик революция арафасидаги конкрет тарихий воқеаларни, халқ ҳаётини кўрсатишда, юзлаб ёш қизларнинг номуси-га тажовуз этган золим хоннинг жирканч қилмишлари-ни фош этишда хон ҳарамида яшашдан кўра, ўлимни афзал билган мард қизлар ҳақидаги халқ эртаклари материалларидан моҳирлик билан фойдаланади. Ҳикоя-даги шум кампир образи бу жиҳатдан айниқса харак-терлидир. У ўз хатти-ҳаракатлари, ножўя қилиқлари, юриш-туришлари билан халқ оғзаки ижодида ва классик адабиётимизда учровчи Ёсуман типидagi кам-пирлар образини эслатади. Чунки бу шум кампир хонга лаганбардорлик қилиб, Гулсанамни бадбахт қилади ва бундан ўзи роҳатланади. У хонга Гулсанамни таъриф-лаб, шундай дейди:

«Тойчоғимиз асов, кишнаб турибди. Бозорнинг олди бўлган мол ҳамма вақт шунақа бўлади, талабгорнинг дилини ўйнатиб, тилини тутилтиришни яхши кўради... Ҳозир келса кўрасиз, ўзингиз ҳам, энди қиз кўрдим, дейсиз-да. Эртага қирқ хотинингиз мени тошбўрон қил-маса деб қўрқаман, тақсирим!»

Ҳикоядаги шум кампир классик адабиёт ва фольк-лордаги салбий типларни қанчалик эслатмасин, у бари-

бир оригинал ва янги образдир. Чунки ёзувчи тайёр образларни ўз ҳикоясига кўчириб қўя қолмаган. У фольклор материалларига ижодий ёндашиб, асар сюжетини реалистик деталлар ва ҳаётий воқеалар билан бойитган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўзбек совет ёзувчилари ўтмиш ҳаётни акс эттиришдагина эмас, шу билан бирга, замонавий мавзуларни ёритишда ҳам фольклор материалларидан фойдаланадилар. Масалан, Ҳамид Олимжон совет воқелигини тасвирловчи «Зайнаб ва Омон», «Жангчи Турсун», «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд», «Ўигитларни фронтга жўнатиш», «Ўзбекистон» каби замонавий асарларида фольклор материалларидан характер яратишда, персонажлар тилини индивидуаллаштиришда, миллий колорит беришда усталик билан фойдаланган.

Шоир «Ўигитларни фронтга жўнатиш» шеърیدا ватанпарвар она тилидан шундай ёзади:

Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин,
Хайр, кўзим қораси.
Билким, жангда билинади
Мард Ўигитнинг сараси.
Бола энан тиш чиқардим,
Ёвларни тишласин, деб
Тогдаё оғир билак бердим,
Душманни муштласин, деб.
Ақл бердим, ёв босганда
Енгишга йўл топсин, деб.
От ҳам боқдим, маврид кел.
Жангга миниб чопсин, деб.

Бу мисолдан шоирнинг она характерини ёчишда унинг ички кечинмаларини, озуру-истакларини фойдалашда халқ оғзаки ижоди асарларига хос услубдан вазндан ва халқ ибораларидан унумли фойдаланганлигини ҳеч қандай изоҳсиз ҳам сезиш мумкин. Бу фикр

«Жангчи Турсун» балладасига нисбатан ҳам тааллуқлидир. Шоир балладада ватанпарвар она образини яратар экан, жангда ўлган ўглининг қонли кўйлагини кўзга сургувчи фольклор асарларининг қаҳрамонларига хос бўлган хусусиятлардан самарали фойдаланган. «Зайнаб ва Омон», «Икки қизнинг ҳикояси» асарларида эса шоир халқ оғзаки ижодига хос композицион қурилишдан ва тил бойликларидан ижодий озиқланган.

Бундай мисолларни Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор, Уйғун, С. Абдулла, И. Султон, Миртемир, Ш. Рашидов, Ҳ. Ғулом, Мирмуҳсин, О. Ёқубов каби ижодкорларнинг асарларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Чунки ўзбек совет ёзувчилари ўз ижодларида фольклорда мавжуд бўлган сюжет ва мотивлардан, образ ва характердан фойдаланиш билангина кифояланмайдилар. Улар халқ оғзаки ижодидаги матал, латифа ва қиссача (притча)ларни ҳам бадиий восита сифатида ишлатадилар. Дарҳақиқат, халқ қиссачалари (притча) маълум даражада мустақилликка эга бўлиб, улар тугал фикрни, мустақил бир ғояни ифодалайди.

А. Қаҳҳор «Қанотсиз читтак» ҳикоясида бир жойда тиниб-тинчиб ишлай олмайдиган ишەқмас, прогулчи Набигулнинг хатти-ҳаракатларини фош қилар экан, асар ғоясини ва салбий образ характерини ёрқинроқ очиб бериш мақсадида, бир кекса ишчи тилидан қуйидаги қиссачани келтиради: «..Болалигимда бир афсона эшитган эдим: Сулаймон пайғамбар ҳамма жониворларнинг тилига тушунадиган, ҳамма жониворларнинг подшоҳи бўлган эмиш. Читтак унга «Қавшинг эгри» деган эканми, уни ғазаб қилган эмиш: «Менга бир ҳасса топиб кел, ҳасса тўғри ҳам бўлмасин, эгри ҳам бўлмасин, деган эмиш. Шундан бери читтак шунақа ҳасса излаб, шохдан шохга сакрар эмиш. Унинг бир шохга қўниб «чиқ» деб бошқасига сакраши «мен излаган новда бу эмас» дегани эмиш. Агар «читтак» деб лақаб қўйган

киши мана шу афсонани билса Набигулга жуда мувофиқ лақаб қўйибди»¹.

А. Қаҳҳор халқ қиссачаларини воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини, персонажлар характерини очиб бериш, ўз фикрини ўқувчига содда, ихчам ва образли йўл билан етказиш мақсадида керакли ўринлардагина ишлатади. Бу жиҳатдан «Қўшчинор чироқлари» романида ижобий образ Сафаров тилидан келтирилган қўйидаги қиссача диққатга сазовордир. «Хон бир бегуноҳ одамни газабга олиб, тошбўрон қилдирибди. «Тош отмаган одам қолмасин» деб ўзи тепасида турибди. Оломоннинг ичида ўша одамнинг укаси ҳам бор экан. Ука жигар, тош отай деса жигарчилик, отмай деса хон турибди, ниҳоят, тўнидан увада юлиб олиб отибди. Шунча тош текканда «вой» деган бояги одам укаси отган увада текканда «дод» деган экан. Шунақа Тўлаган ака, душман отган тошдан жигар отган увада қаттиқ тегеди»².

Янги тузилган колхоз ва унинг раҳбарларини менсимай колхоздан чиқиб кетишга интилган ўрта деҳқон Тўлаган акага қарата айтилган бу қиссача Сафаровнинг унга бўлган муносабатини ўзида гавдалантиради ва автор фикрини юзага чиқаришга бевосита хизмат қилади. Ёзувчининг бу қиссачани сиёсий раҳбар, область партия комитетининг вакили Сафаров тилидан бериши ҳам бежиз эмас.

Ёки, А. Қаҳҳор дин ҳомийлари — руҳонийларнинг кирдикорларини фош этишда ҳам халқ қиссачаларига мурожаат қилган ва улардан усталик билан фойдаланган. Масалан, Иброҳимов («Қўшчинор чироқлари») тилидан келтирилган қўйидаги қиссача фикримизнинг далилидир:

¹ А. Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. 1-том. Т., Ўздабийнашр, 1957 й., 67-бет.

² А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари. 1-том. Ўздавнашр. 1956 й., 76—77-бетлар.

«Бир шаҳарда бир бузуқ хотин бор экан. Шу хотин қариганда қиёмат ваҳмига тушиб, аъламнинг олдига борибди. Аълам почча, киши зино қилса нима бўлади?» — деб сўрабди. «Ҳой-ҳой, асти гапирма,— дебди. аълам, — зино шундоқ гуноҳки, бир кун зино қилинса уч кун худонинг арши қимирлайди!» Бу гапни эшитиб, хотин йиғлаб: «Вой, аълам почча, энди нима қиламан, менинг зино қилмаган купим йўқ эди-ку», дебди. Хотин шундоқ деган экан, аълам салласини улоқтириб ташлаб, ҳалиги хотинга ёпишибди. Хотин: «Вой, аълам почча, ҳозир ўзингиз худонинг арши қимирлайди, деманингизми?» деса, аълам: «Қимирлашга қимирлайди-ю, лекин барибир йиқилмайди», деган экан. (Ўша асар 98-бет.)

А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестида ҳам фольклорга хос айрим хусусиятлар очиқ кўринади. Автор колхоз раиси: «Қаландаровни илмсизлик мўрт қилиб қўйган»лигини тасвирлар экан, «ҳеч қачон қўлига китоб ушламаган бу одам»нинг илм олишга бўлган муносабатини кўрсатиш учун халқ оғзаки ижодидан олинган тубандаги қиссачани моҳирлик билан қўллайди. Яъни, автор ана шу қиссача воситасида янги характер яратади: Қаландаровнинг маънавий қиёфасини ихчам ва образли тилда очиб беради:

«Қадим замонда бир подшо ўладиган бўлибди-ю, дунёдаги ҳамма илмларни билиб ўлгиси келибди. Олимлар дунёдаги ҳамма илмларнинг қаймоғини олишган экан, бир туя китоб бўлибди. Подшоҳ бу китобларнинг ҳам қаймоғини талаб қилибди. Олимлар қаймоқнинг қаймоғини олишган экан, бир эшак китоб бўлибди. Подшоҳ бир эшак китобдан битта китоб қилдирибди. Лекин шунини ҳам ўқий олмай ўлиб кетган экан. Қаландаровга маъна шунақа қаймоқ китоб бўлса»¹.

¹ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 2-том. Ўзадабийнашр, Т., 1967 й., 320-бет.

Ёки, «Синчалак» повестидан салбий тип эшон тилидан келтирилган қуйидаги парчада ҳам фольклор материалларидан ўринли фойдаланилган: «Қоф тоғини битта деб ялаб, азонгача пиёзнинг пўстидай қилиб қўяр экан, азонда сўфи «оллоҳу акбар» демаса-ю, тоғ аслига қайтмаса, қиёмат қойим бўлар экан... Мен сизга (Қаландаровга — С. М.) айтсам, Саида келганидан бери сизни эговлаб, анчагина юпқа қилиб қўйди, битта-яримта кат тароқ одам «оллоҳу акбар» демаса... (ўша асар, 322-бет).

Бунда автор, бир томондан Қаландаровнинг илмсизлик туфайли «мўрт» бўлиб қолганлигига ишора қилиб, унинг характеридаги заифликни очиб берса, иккинчи томондан, «Қаландаровнинг бирдан-бир сирдош одами — эшон»нинг табиатидаги лаганбардорлик, пасткашликни таъкидлашга муваффақ бўлган.

Фольклор традицияларидан, хусусан, халқ қиссачаларидан характер яратишда бундай ўринли фойдаланиш Ҳамид Фулом ижодида ҳам яққол кўринади. Ёзувчи ўзининг «Машъал» романида салбий тип Абдураҳмонбойнинг хасислигини тасвирлашда, яъни характер яратишда халқ қиссачасидан усталик билан фойдаланган. Бундай ҳолни А. Мухторнинг «Чинор» романида ҳам кўриш мумкин.

Булардан ташқари, кўпгина ёзувчиларимиз халқ сатира ва юморидан, халқ ашула ва қўшиқларидан, фольклорга хос шеърий формалардан, тил бойликларидан, халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари, фразеологик бирикмалар ва идеоматик бирликлар, халқ ўхшатишлари ва бошқа турли хил тасвирий воситалардан ҳам ижодий фойдаланадилар.

Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романи халқ оғзаки ижодидан: афанди латифалари, халқ маталлари, ҳикматли сўзлари ва халқ ибораларидан кенг кўламда унумли фойдаланилганлиги билан Улуғ Ватан урушидан сўнгги даврда яратилган бошқа кўп асарлардан ажралиб туради. Автор фольклор материалларидан харак-

тер яратишда ҳам, миллий колоритни беришда ҳам, уруш (жанг) манзараларини кўрсатишда ҳам ўринли фойдаланган. Ҳар учала ҳолда ҳам фольклор материаллари романда тасвирланаётган асосий тема билан муҳирона боғланган ва характер яратиш ишига бевосита бўйсундирилган. Масалан, жангчи Бектемирнинг ўз оиласини, тугилиб ўсган элини соғиниши ва у билан боғлиқ бўлган ширин кайфияти афанди латифасини эслатиш орқали таъсирли равишда очиб берилган. Ойбек романда Амир Темур, Искандар Зулқарнайн, Заҳрирдин Бобир каби саркардалар ҳақидаги халқ латифалари ва афсоналаридан ҳам яхши фойдаланган.

Ёки, Комил Яшин ўзининг «Гулсара», «Нурхон», «Ҳамза», «Бўрон», «Офтобхон», «Йўлчи юлдуз» каби сахна асарларида характер яратишда, пьесани миллий колорит билан суғоришда, персонажлар тилини индивидуаллаштиришда, қисқаси, асар ғоясини образли қилиб гавдалантиришда халқ ашула-қўшиқларига кўп марта мурожаат қилган ва ҳар сафар уларни усталик билан қўллаган.

Сирасини айтганда, бадий асарни, хусусан, сахна асарини халқ қўшиқ ва термалари билан тўлдириб-тошириб юбориш унчалик қийин иш эмас; лекин уларни ўринли ва мақсадли ишлатиш эса катта санъат ва меҳнат талаб қилувчи чинакам қийин ижодий ишдир. Шунинг учун ҳам ёзувчининг маҳорати унинг ўз асарида халқ қўшиқлари, мақол ва ҳикматли сўзлари, халқ ибора ва ифодаларини қанчалик кўп ишлатгани билан эмас, балки, уларни қандай ишлатгани, қай даражада ўринли ва мақсадга мувофиқ равишда қўллагани билан ўлчанади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошсак, К. Яшиннинг халқ қўшиқларини қўллашдаги маҳорати ва новаторлиги янада очиқроқ намоён бўлади. Чунки, у халқ қўшиқларини палапартнш қўллайвермайди, балки, ўринли, асар мазмунига, характер мантиқига мослаб ишлатади.

«Бўрон» либреттосида драматург К. Яшин халқ қў-

шиқларининг бир қанча турларини (тўй қўшиғини, ошиқ-маъшуклар қўшиғини, ҳижрон ва ғам-аламни ифодаловчи қўшиқларни) усталик билан ишлатган. Чунончи, асар қаҳрамонларидан бири Норгул меҳнаткаш йигит Жўрани севинш билан ўзини бахтиёр ҳис этади. Автор қизнинг ана шу вақтдаги кайфиятини англатиш учун унинг тилидан халқ яратган шундай қўшиқни ишлатадики, бу қўшиқ севги нашъасидан маст бўлган Норгулнинг ўша дақиқадаги қувноқ руҳий ҳолатига тўла мос тушади. Бу қўшиқни ишлатмасдан туриб, олам-олам гапирганда ҳам драматург Норгулнинг ўша вақтдаги руҳий ҳолатини бунчалик чуқур ва реал очиб бера олмаган бўлар эди:

Дарёдан оқиб келган тилла дуторнинг ториман,
Хушбичим, ақли расо, барно йигитнинг ёриман
Оқ-ойдин кечалар, оппоғу ойдин кечалар,
Сунбули райҳон бурайди ёр юрган кўчалар.
Ёр юрган кўчаларни супурай сочим билан,
Чанги чиқса, сув сепай кўздаги ёшим билан!

Норгулнинг бахтиёрлиги узоққа бормайди. Подшо амалдорлари Жўрани мардикорликка олиб, тўйни буздилар: Норгулнинг ошига оғу соладилар. Драматург ёш келинчак Норгулнинг ўша вақтдаги қайғули ҳолатини унинг тилидан берилган қўйидаги халқ қўшиғи воситасида таъсирли қилиб очган:

Ҳора сочим ўсиб қошимга тушди;
Не савдолар менинг бошимга тушди,
Сенинг ишқинг менга қайдин ёпишди,
Танимдан ўт чиқиб, бағрим туташди

(Ўша нитоб, 522—523 бетлар.)

¹ К. Яшин. Танланган асарлар, 1-том, Ўзадабийнашр, Г., 1958 й., 492-бет.

К. Яшин «Бўрон»да халқимизнинг «ҳай-ҳай ўлан» деб бошланувчи қўшиғидан ҳам ўринли фойдаланган.

К. Яшин халқ қўшиқларидан фойдаланар экан, уларнинг айнан ўзини бериш билан бир қаторда, кўпинча давр ва шароитга, асарнинг асосий ғоявий мазмунига мослаб қайта ишлайди. ўзгартиради, замон руҳи билан суғоради. Бунга «Нурхон», «Гулсара», «Ҳамза», «Бўрон» асарларидан кўплаб мисол келтириш мумкин. «Нурхон»дағи!

Давр бизнинг давримиз,
Даврон гўзал, давронимиз.
Шу Ватан, шу гул ҳаётга,
Минг фидодур жонимиз!

(Ўша китоб, 356-бет.)

каби ёрқин мисраларни драматургнинг халқ оғзаки ижодидан новаторлик билан фойдаланиши натижасида юзага келган замонавий қўшиқлар деб ата-са бўлади. Фольклор материаллари асосида яратилган бундай замонавий ашула ва қўшиқларни Уйғун ижоддан айниқса, унинг драмаларидан кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбек совет ёзувчиларининг фольклор бойликларидан баракали фойдаланганликлари бошқа кўп ҳолларда ҳам яққол кўринадиди. Мисол учун А. Қаҳҳорнинг ўз асарларига эпиграф танлаш маҳоратини олайлик. Ёзувчи эпиграф танлаганда кўпинча, халқ оғзаки ижодига мурожаат қилади: халқ мақоллари, қўшиқлари ва латифаларини эпиграф қилиб олади. Маълумки, бадий асар учун танланган эпиграф шу асарда тасвирланган воқеаларнинг умумий мазмунига мос бўлиши, ёзувчи фикрини, ғоясини, идеалини юзага чиқаришга кўмаклашиши лозим. А. Қаҳҳор қўллаган эпиграфлар ана шу талабга тўлиқ жавоб беради,

«Бемор» (А. Қаҳҳор) ҳикоясида Сотиболди деган кишининг хотини касал бўлиши ва вафоти тасвирланади. Ижтимоий-синфий тенгсизлик туфайли Сотиболди хотинини даволатиш пмкониятига эга эмас. Чунки, «докторхона» деганда унинг кўз олдига извош ва оқ подшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келади». Сотиболди «тўқпаган саватчаларини улгуржи оладиган баққолдан йиғирма танга қарз» кўтаришдан бошқа пул топиш имкониятига эга эмас. У жамиятдаги синфий тенгсизлик вужудга келтирган фожиалар қаршисида «чаккасига буроз солинган кишидай талвасага тушади». Сотиболдининг бошқа иложи йўқ. Шунинг учун автор ҳикоянинг умумий руҳидан келиб чиқиб, унга «Осмон йироқ, ер қаттиқ» мақолини эпиграф қилиб қўяди.

Ёки, адибнинг «Анор» ҳикоясидаги:

«Уйлар тўла нон; оч-наҳорим болам

Ариқлар тўла сув, ташнаи зорим болам»,—

эпиграф-қўшиғини олайлик. Ҳикояда тасвирланишича, Туробжоннинг бошқоронғи хотини анорга зор. Унинг қўшниси Муллажон қозининг боғида эса «анор дарахтларида анор шиғил, чойнакдай-чойнакдай бўлиб осилиб ётибди». Туробжон бир ой тинимсиз хизмат қилиб 18 танга пул топса, Муллажон қози бир кечалик мушак отишга 75 танга харжлайди. Дарвоқе, ёзувчи эпиграфдаги «уйлар тўла нон, ариқлар тўла сув» иборалари воситасида эксплуататор бойларнинг шоҳона ҳаётинга ишора қилса, «оч-наҳорим болам, ташнаи зорим болам» иборалари воситасида синфий тенгсизлик туфайли моддий жиҳатдан ниҳоятда қийналган Туробжонлар муҳитининг фақирона ҳаётига ишора қилади. Шундай қилиб, Абдулла Қаҳҳор прозасида қўлланган эпиграф-мақол, эпиграф-қўшиқ ва эпиграф-латифалар асар мазмуни ва ғоясини, воқеалар жараёни ва персонажлар характери очишга бевосита хизмат қилади.

Ўзбек совет адабиётида яратилган асарларнинг, айниқса тилида фольклорнинг таъсири катта. Бундай таъсир бадний ижодчиликнинг поэзия, проза ва драмагургия каби турларининг ҳаммасида ҳам очиқ кўринади. Ана шуни назарга олиб, биз бу ўринда Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ва Қомил Яшинларнинг халқ тили бойликларидан фойдаланиш маҳорати ҳақида қисқача бўлса-да, тўхташни лозим топдик.

Ҳ. Олимжон фольклорга хос тил бойликларидан: образли иборалардан, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларидан, халқ ўшатишлари, сўз ўйинлари ва бошқа турли хил тасвирлаш компонентларидан, айниқса 30-йилларнинг иккинчи ярми ва Улуғ Ватан уруши даврида яратган асарларида жуда унумли фойдаланган. Бошқача сўз билан айтганда, Ҳ. Олимжон ижодий камолотга кўтарила борган сари халқ оғзаки ижоди хазинасига, хусусан, халқ тили бойликларига тобора тез-тез мурожаат қила борди. Демак, шоирнинг фольклор материалларидан фойдаланиши ҳам унинг ижодий эволюцияси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳ. Олимжон шеърининг тилининг халқ асарларининг тили сингари аниқ ва содда, образли ва ихчам, сиқик ва ранг-баранглиги кўп жиҳатдан авторнинг халқ оғзаки ижодидан новаторлик билан ўрганиши, ундан ижодий фойдаланишининг мевасидир.

Ҳ. Олимжон «Ойни этак билан ёпиб бўлмас», «Бошинга қилич келса ҳам тўғри сўзингни айт», «Йигитнинг ботирлигини майдонда сина», «Эр йигитнинг уялгани — ўлгани», «Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас» сингари халқ мақолларидан ўз асарларида самарали фойдаланди; шу мақоллар мазмуни асосида чиройли ва пурҳикмат мисралар тўқиди:

Қасамида қаттиқ мамлакат,
Қилич келса қайтмас сўзидан
(«Ошт»).

Билким жангда билинади
Мард йигитнинг сараси
(«Йигитларни фронтга жўнатиш»).

Шер изидан қайтмайди,
Эр сўзидан қайтмайди
(«Семурғ»).

Қочиб тирин қолгандан
Ўлганинг яхши менга
(«Жангчи Турсун»).

Оқча билан ўлчаб бўлмас бошни,
Танга билан тўсиб бўлмас қуёшни
(«Муқанна»).

Булардан ташқари, Ҳ. Олимжон асарларида учровчи «Мева бўлмас қуруқ дарахтдан, нишон бўлмас мазорда бахтдан», «Куй берар юракка хорлик ва дармон», «Тунни доим қуёш қувади», «Қуёшни енголмас қора зулмат», «Севишганлар қайтмас ўлимдан», «Дарёдан зўр ва моҳир инсон», «Қилмоқ керак ваъдага вафо, вафосизлар тортгуси жафо», «Фарзанд гулдир, она — бир бўстон, шунинг билан жаҳон гулистон» каби катта фалсафий маънога эга бўлган, халқ мақолалари ва ҳикматли сўзлари даражасига кўтарилган мазмундор жумлалар ва образли иборалар ҳам авторнинг ҳаётий фактларни чуқур мушоҳада қилиши ва халқ тили бойликларидан новаторларча фойдаланиши натижасида юзага келган.

Ҳамид Олимжон халқ тили бойликларини асар реализми ва халқчиллигини таъминлаш, образларнинг моҳиятини, асарнинг гоявий мазмунини таъсирли қилиб ифодалаш ишига бевосита бўйсундиради, яъни, уларни ниҳоятда усталлик билан қўллайди. Бинобарин, шoir асарларида ҳар бир сўз, ҳар бир ибора қуйиб қўйгандек

ўз ўрнида мустақкам туради Уларнинг ўрнини алмаштириш ёки улар ўрнига бошқасини қўйиш ҳеч мумкин эмас. Бу фикр, айниқса, Абдулла Қаҳҳор прозасига тўлиғича тегишлидир.

А. Қаҳҳор услубига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири ёзувчининг жонли халқ тилидан фойдаланиб, чуқур фикрни, катта мазмунни қисқа, оригинал жумлаларда лўнда ва аниқ қилиб ифодалашдир.

Абдулла Қаҳҳор асар ғоясини ёрқин ифодалаш, характерни бўрттириб кўрсатиш, асарларга ихчамлик ва оҳангдорлик киритиш мақсадида халқ тили бойликларидан унумли фойдаланади. Биргина «Синчалак» повестида 50 га яқин, «Қўшчинор чироқлари» романида эса 100 га яқин халқ мақолларини ишлатади. Бунда у воқеалар ва персонажлар характеридан келиб чиқади ҳамда шунга мос келувчи ҳикматли сўз ва мақолларни топиб ишлатади.

Ёзувчи «Қўшчинор чироқлари» романида «мннатли ошдан бемннат муштни афзал кўрадиган бир кампир...» тарзидаги жумлада халқ мақолини ишлатиш билан кўпни кўрган Хадича хола характердаги ҳалоллик, ростгўйлик, софқўнгилликни таъкидлаб кўрсатади. Адиб «Сароб» романида иши ўнгидан келмай, бутун умри кулфат билан ўтаётган бир аёлнинг фожиали ҳаётини тасвирлар экан, «Мудом уни туянинг устида ит қопар эди», деб ёзади. Кўринадикки, ёзувчи халқ мақоли воситасида ана шу бахтсиз хотиннинг жафоли ҳаёт йўлини ўқувчи кўз олдида ғоят таъсирли қилиб жоплантиради.

Абдулла Қаҳҳор прозасида ишлатилган халқ мақолларининг аксарияти персонажлар тилидан берилган. Бунда, у персонажларнинг ижобий ёки салбий типлигига, билимига, ёшига, касбига, муҳитга алоҳида эътибор қилади. Чунончи, ёзувчи салбий типларнинг тилидан уларнинг башараларини очиб ташлашга хизмат қиладиган мақол ва ибораларни ишлатади. «Бошсиз одам» ҳи-

коясида Абдурахмон тилидан берилган «Бўлса бўлар, бўлмаса хотиннинг уруғи Хиротдан келган эмас» ибораси хотин-қизларга паст назар билан қаровчи кимсанинг характери ни очиш учун жуда қўл келган.

Шуниингдек, А. Қаҳҳор прозасида салбий персонажлар тилидан ишлатилган «Гўшт суяксиз бўлмайди» (Низомидинов сўзи), «Югурганники эмас, буюрганники», (Мирҳомидхўжа сўзи), «Бўрининг еса ҳам оғзи қон, емаса ҳам» (Ёқубжон сўзи), «Қазисан қартасан, ахир аслиннга тортасан», «Итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни» (Зуннунхўжа сўзи), «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» (Абдусамадқори сўзи) каби халқ мақол ва иборалари зиммасига ҳам ёзувчи томонидан юқорида қайд этилганидек, катта ғоявий эстетик вазифа юклатилган.

А. Қаҳҳор ижобий образлар тилидан ҳам халқ мақолларини санъаткорлик билан қўллайди. Собирахон тилидан берилган мақол ва халқ иборалари қалби социалистик тузумнинг ишқи билан ёнган оддий ўзбек қизининг характери га жуда мос. У ғалабага, келажакка комил ишонч билан қарайди: «Олтин ўтда биллиади, — деди Собирахон, — уруш тамом ҳам бўлар, ўйин-кулги учуў тўпланганимизда бу кунлар эртакдай бўлиб қолар.. Сув кетар, тош қолар, ўсма кетар, қош қолар» («Хотинлар» ҳикоясидан). Ёки «Қўшчинор чироқлари» романида қўлланилган «Айрилганни бўри ер» (Сиддиқжон сўзи), «Элдан қолгунча эрдан қолган яхшироқ» (Хадича хола сўзи), «Кўпдан қуён қутулмайди» (Рўзнмат сўзи) каби мақол ва халқ иборалари ижобий қаҳрамонлар характери га тўла мослиги билан киши диққатини ўзига тартади.

А. Қаҳҳор ўз асарларида халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларни ишлатиш билан бирга, ўзи ҳам оригинал афоризмлар яратади. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, унинг жонли халқ тилидан фойдаланишдаги новаторлигидир. А. Қаҳҳор афоризмлар яратишда асосан икки усулдан

фойдаланади. Биринчидан, жонли халқ тилида мавжуд бўлган мақолларнинг формасини ўзгартириб, унинг маъносини кенгайтириб ишлатади: «Хотин кишининг тилига хотин киши тушунади», «Гапни тонналаб олингу, граммлаб солинг», «Биров гапни ёғлаб гапиреди, биров тиканак боғлаб гапиреди» ва бошқалар.

Иккинчидан, А. Қаҳҳор социалистик ҳаёт ҳақиқати га асосланган ҳолда тамомида янги, оригинал, ҳар жиҳатдан халқ мақоллари даражасига кўтарилган афоризмлар яратади: «Қолхозга аъзо бўлиш — қолхозга хўжайин бўлишдир», «Раис правлениенинг боши, бригадир правлениенинг қўли» («Қўшчинор чироқлари»), «Ҳозирги замонда сичқон тутмайдиган мушук ҳам одамнинг кўзига хунук кўринади» («Огриқ тишлар»), «Ўлимдан қўрққан киши қаҳрамон бўлолмайди» («Олтин юлдуз»), «Одамнинг чиқити бўлмайди» («Синчалак») ва ҳоказолар.

Халқ тили бойликларидан фойдаланишдаги шунга ўхшаш усталикни, ўзига хос новаторлиқни Комил Яшин ижодида ҳам кузатиш мумкин. К. Яшин пьесаларидаги халқ мақоллари ва афоризмлари ҳам чуқур мазмуни фикрларни қисқа ва ёқимли қилиб ифодалашга, асар халқчиллиги ва бадиийлигини оширишга бевосита қаратилган. Мисоллар:

1. «Ўлим босқинчиларга» драмасига автор профессор Москаленко тилидан «Қуёш қораймас, ҳақиқат эгилар, лекин синмас тарзидаги халқ афоризмини ишлатган. Бу билан драматург қуёш абадий қораймагани сингари ҳақиқат ва адолат иши ҳам ҳеч бир енгилмайди, бинобарин, адолат учун босқинчи фашистларга қарши курашаётган совет халқларини енгил, тарих гилдирагини орқага буриш асло мумкин эмас, деган чуқур фалсафий мазмуни образли қилиб ифодалаган.

2. «Ҳамза» пьесасида Ҳ, Ҳ. Ниёзий томонидан айтилган қуйидаги сўзларда халқ мақол ва ҳикматли сўзлари усталик билан ишлатилган:

Тўғри тил тош ёрар; ҳар эгри тил—бош,
Осмондан ёғилмас чалпак билан ош!..
Одам борки, одамларнинг нақшидир!
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир!
Одам борки, қолур ундан яхши от,
Одам борки, қолур ундан оҳу дод!..

Асар қаҳрамони тилидан бундай чуқур мазмунли ҳикматли сўз ва халқ мақолларини ишлатиш билан автор Ҳамза характеридаги муҳим бир белгини — унинг халқ ижодининг ҳаётбахш булоқларидан ўзига доимо куч-қувват олувчи донишмандлигини образли равишда таъкидлаб ўтган.

К. Яшин халқ мақол ва афоризмларидан фойдаланар экан, уларга ҳам ижодий муносабатда бўлади: халқ мақол ва нбораларини керакли ўринларда қайта ишлайди, уларнинг айрим компонентларини янги давр талаблари ва асар ғоясига мослаб ўзгартиради. Драматург, «бошингга қилич келса ҳам, тўғри сўзла» мақолининг мазмунидан фойдаланиб, уни шеър тузилиши талабларига мослаб қуйидаги мазмундор мисраларни тўқиган

Бошимга ёғилса, юз ғам, минг бало,
Бу туҳмат, бўҳтонни қилмайман асло,
(«Ҳамза»).

Умрим борича севгили дилдоримни дерман..
Бошимга қилич келса-да, сен ёримни дерман.
(«Нурхон»)

Драматург «Эшоннинг қорни бешдур, бири ҳамиш бўшдир» деган халқ афоризмини поэзия талабларига мослаб қуйидагича қайта ишлаган:

Шайхимизнинг бор эди бешта қорни, хўш, —
Биттаси ҳамма вақт турар эди бўш.
(«Ҳамза»)

К. Яшиннинг шоир Амин Умарий билан ҳамкорликда яратган «Ҳамза» пьесасида яна шундай мисралар бор:

Ота кўзларининг зиёси фарзанд,
Она кўнглин меҳригиёси фарзанд.

Бу афористик мисраларни яратишда авторлар «Фарзанд — белнинг қуввати», «Бол ширин, болдан бола ширин», «Давлатинг — ўғил-қизинг» сингари халқ мақоллари мазмунидан ижодий озиқланган, десак хато бўлмас.

Булардан ташқари, К. Яшин асарларининг услубида, драматургнинг жумла тузишларида ҳам фольклор таъсири бор. Драматург айрим комик образлар тилидан халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган гапни—қофиялаб сўзлаш санъатини — сажъ приёмини усталик билан қўллаган. Чунончи, «Нурхон» пьесасидаги Ҳузурхўжанинг Ҳайдарга қараб айтган «Узумни қўй, ола қўйни сўй, суйинчини узат, шоҳсуфани тузат... гулдай очилиб, бодомдай сочилиб, ойдай тўлиб, чикка бел бўлиб, дуторни чалиб, кокилни солиб, аравага тушиб, каптардай учиб боғ сайрига хўжайинингизнинг кизлари Нурхон пошша келяптилар» сингари сўзлари сажъ санъати асосида тузилган бўлиб, улар драмага қувноқ комик руҳ киритган ва характерни персонаж тили орқали очишда муайян роль ўйнаган.

Хуллас, ўзбек совет ёзувчилари халқ оғзаки ижодини марксизм-ленинизм таълимоти асосида ўрганиш, ундан ижодий фойдаланиш, фольклор традицияларини новаторлик билан давом эттириш соҳасида катта ишлар қилдилар. Улар бу соҳада ҳам бой тажриба орттириб яхши традиция яратдилар. Халқ ижодиётидан, хусусан, халқ тили бойликларидан кенг кўламда ижодий озиқланиб, ўз асарларининг халқчиллигини, ҳаётийлигини ва бадиийлигини оширдилар ва оширмоқдалар.

АДАБИЁТДА МИЛЛИЙЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛЛИК ҲАҚИДА

Ҳозирги вақтда адабиётнинг миллийлиги ва интернационаллиги масаласи ҳар қачонгидан қам кўпроқ актуаллик касб этмоқда. Чунки, чет эллардаги ғоявий душманларимиз Совет тузумини қоралашга уриниб, тирноқ орасидан кир қидирмоқдалар. Бу йўлда уялмай-нетмай ҳар хил тўхмат ва бўҳтонларни ишга солмоқдалар. Буржуа идеологи Роғиб Ахсан: «Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа миллий республика деб аталмиш ўлкаларнинг мустақиллиги ва эркинлиги, миллийлиги ва давлат эканлиги ҳақиқатдан йироқ, хаёлий гапдир» («Фан ва турмуш» журнали, 1968 йил, 5-сон, 22-бет) деб ёзиш билан СССРдаги ҳақиқий аҳволни қўпол равишда бузиб кўрсатган эди.

Яна бир буржуа идеологи Рўзи Назар эса ўзбек совет адабиётига тўхмат қилиб, «Туркистонда коммунистик режим миллий адабиётнинг тараққий этмоқ йўлини кесиб ташлади... Миллий руҳда ижод этмоқ, миллий анъана, миллий тараққиёт қақида куйламоқни коммунистик режим қатоғон этди» («Шарқ юлдузи» журнали 1964 йил, 7-сон, 145-бет), деб ёзган эди.

Совет тузумига, совет адабиётига бу хилда қараш бутунлай асоссиз ва нотўғридир. Бу хилдаги уйдирмаларни совет адабиётининг бутун тарихи ва барча ютуқлари қатъий рад этади.

Фактлар шундан далолат берадики, совет адабиёти да миллий хусусиятлар интернационал хусусиятлар би

лан диалектик бирликда ривожланмоқда. Зотан, умумсовет адабиётида мамлакатимиздаги барча халқларнинг ҳаёти ва кураши, бошқача қилиб айтганда, социалистик мазмун ранг-баранг миллий формаларда, ҳар бир миллат ва халқнинг ўз она тилида тасвир этилмоқда. Шунга қўра, ўзбек совет адабиётида яратилган барча яхши асарлар ўз социалистик мазмуни эътибори билан фақат ўзбек халқинигина эмас, шу билан бирга, барча қардош совет халқларини коммунистик руҳда тарбиялашга бевосита хизмат қилмоқда. Ёки рус, украин, белорус, қозоқ, туркман, тожик, қирғиз, озарбайжон ва бошқа қардош совет адабиётлари шунинг учун ҳам ўзбек халқи миллий ҳаётида муҳим роль ўйнамоқдаки, улар ҳам ўзбек совет адабиёти сингари, шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиётдирлар; уларда ҳам барча меҳнаткашларнинг пролетар интернационализи принципларига мос бўлган ҳис-туйғулари, коммунистик ғоялар миллий формада ифодаланмоқда. Масалан, Ғафур Ғулومнинг «Ленин ва Шарқ» асари ўзбек халқини коммунистик руҳда тарбиялашда қанчалик аҳамиятли бўлса, СССРдаги бошқа қардош миллат ёшларини ёки чет эллардаги турли миллат меҳнаткашларини тарбиялашда ҳам деярли шунчалик аҳамиятга эга. Шунингдек, рус, украин, белорус, қозоқ, озарбайжон, тожик, туркман, қирғиз совет адабиётидан намуналар ўқиб, жумладан, «Пўлат қандай тобланди» (Н. Островский), «Ёш гвардия» (А. Фадеев), «Очилган қўриқ» (М. Шолохов), «Дадил қадам» (Б. Қербобоев), «Жамила» (Ч. Айтматов) сингари турли миллат ёзувчилари ёзган асарларни ўқиб, ўзбек ёшлари ватанпарварлик, дўстлик, халқпарварлик руҳида, коммунизм руҳида тарбияланмоқдалар.

Демак, СССР халқлари адабиётларининг ҳаммаси учун умумий бўлган муштарак томонлар бор. Бу муштарак томонлар ғоявий мазмун ва мақсад бирлигидан иборат бўлиб, уни кўп миллатли совет адабиётини бирлаштириб турган интернационал негиз деб айтиш мумкин.

Шу билан бирга, СССР халқлари адабиётларининг ҳар бирининг ўзига хос бўлган индивидуал томонлари ҳам борки, бу — адабиётдаги миллийликдир, миллий хусусиятлардир. Ана шу миллий хусусиятлар эътибори билан СССР халқлари адабиётлари ўзаро ҳам бир-бирларидан (масалан, ўзбек совет адабиёти қардош қозоқ совет адабиётидан) фарқ қилиб, ажралиб туради.

СССРдаги бошқа қардош халқлар ёзувчилари сингари ўзбек совет ёзувчилари ҳам пролетар интернационализми ғояларига содиқ қолган ҳолда, ўз асарларини миллий колорит билан суғорадилар. Ўзбек халқининг ёрқин турмуши мисолида катта ҳаёт ҳақиқатини — СССРда ленинча миллий сиёсат тантанасини намоийш қиладилар. Ана шунга кўра, кўп асарларимизда ўзбек халқига хос миллий хусусиятлар, миллий колорит белгилари балқиб туради. Ўзбек совет адабиётининг миллийлиги, миллий мазмуни ҳам аввало ана шундадир.

Машҳур немис шоири И. Р. Бехер тўғри қайд қилганидек, «Адабиётнинг миллий мазмуни деганда, шубҳасиз, адабиётнинг миллат олдида турган тарихий вазифалар билан, халқнинг миллий манфаатлари билан боғлиқлиги тушунилади»¹. Масалага шу нуқтаи назардан ён дошсак, ўзбек совет адабиётининг миллий белгилари ҳам, интернационал хусусиятлари ҳам яққол кўринади. Зотан, СССРдаги ҳамма халқ ва миллатларнинг асосий мақсади ва манфаати биттадир. Улар бир-бирларига кўмаклашиб, биргаликда коммунистик жамият қураётган ҳақиқий дўст ва тенг халқлардир. Бу ҳол СССР халқлари адабиётида, жумладан, ўзбек совет адабиётида ҳам ўз аксини топмоқда.

Шу билан бирга, СССРдаги ҳар бир миллат адабиёти ўзининг миллий хусусиятларини тўлиқ сақлаб келмоқда ҳамда, ана шу миллий хусусиятларнинг прогрессив,

¹ Қаранг: Модернизм враждебен искусству, Москва, 1954 г., стр. 51.

бирлаштирувчи томонларини тобора ривожлантирмоқда. Бу табиийдир. Чунки, В. И. Ленин таълим бериб айтганидек, «мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги миллий белгилар» ҳатто пролетар диктатурасини бутун дунё масштабида амалга оширгандан кейин ҳам жуда узоқ вақтлар сақланиб қолажак»¹. Бинобарин, «Партия коммунистик қурилиш жараёнида пайдо бўладиган ўзаро миллий муносабат масалаларининг ҳаммасини пролетар интернационализи позицияларида туриб, ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириш асосида ҳал қилиб боради. Партия миллий хусусиятларнинг эътиборга олинмаслигига ҳам, уларни бўрттириб кўрсатишга ҳам йўл қўймайди»².

Маълумки, адабиёт ва санъатда, миллийлик проблемаси кўпқиррали, мураккаб масаладир. Бу проблемани ёритишда миллий характер муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, бадиий асар ғояси асосан характерларда гавдаланади. Шунга кўра, адабиётдаги миллий ўзига хосликни асарнинг фақат шаклидан, тилидангина эмас, шу билан бирга, ва асосан, унда яратилган миллий характерлардан ахтариш лозим.

Тўғри, «бир пайтлари санъатнинг миллий ўзига хослигини фақат бадиий шаклдан, тил ва услубдан излашар ва топишар эди. Ҳозир эса назариётчи ва танқидчи — амалиётчилар пировард-оқибатда бу муаммода энг муҳими — миллий характер деб белгиладилар. Шу тариқа нуқсон тузатилди ва санъатдаги миллийлик муаммосини ҳал қилиш калити топилди»³.

¹ В. И. Ленин. Асарлар. 31-том. Ўздавнашр, Т., 1953 й., 80-бет.

² Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, КПСС XXII съездининг материаллари, Т., Ўздавнашр, 1962 й., 446-бет.

³ Л а з и з Қ а ю м о в. Санъатда миллийлик. «Советская культура», газетаси, 25 январь, 1972 йил.

Дарҳақиқат, реалист ёзувчи ижодини унинг асарларидаги миллий хусусиятларсиз, хусусан, миллий характерларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зотан, бирор ёзувчини эсласак, кўз ўнгимизга энг аввало у яратган ёрқин образлар, миллий характерлар келади. Отабек, Қумушбиби, Юсуфбек ҳожи, Анвар, Раъно (А. Қодирий), Алишер Навоий, Йўлчи, Гулнор, Шокир ота, Бектемир, Асқар полвон, Ўктам (Ойбек), Ўрмонжон, Ҳамробиб, Холнисо, Қаландаров, Саида, (А. Қаҳҳор), Ойқиз, Умрзоқ ота (Ш. Рашидов), Арслон, Бўрон, Гулсара, Нурхон (Яшин), Улугбек, Али Қушчи (О. Ёқубов), Икромжон (Саид Аҳмад) каби образлар ўзбек совет адабиётида миллий характер яратиш соҳасида ҳам жиддий ютуқлар борлигидан далолат беради.

Ана шу миллий характерлар воситасида ёзувчиларимиз ўзбек халқининг меҳнатсеварлик, дўстлик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, меҳрибонлик, самимийлик, кексаларни бениҳоя ҳурмат қилишлик, кенг феъллилик, ватанпарварлик, содиқлик, бола севишлик, вафодорлик, ҳижронга бардошлилик каби яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаганлари ҳолда хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш, уларни менсимаслик, дипий урф-одатларга сажда қилиш, ижтимоий ҳаётдан четда қолиш сингари ёмон одатларга қарши кураш олиб борганлар. Демак, ёзувчиларимиз миллий характер яратиш орқали миллатдаги ажойиб томонларни — илғор прогрессив традицияларни қўллаб-қувватлаганлари ҳолда консерватив, тараққиётга ғов бўладиган эски нарсаларни, хурофий урф-одатларни қоралаганлар.

Ўзбек совет адабиётида яратилган кўпгина образларда интернационаллик билан миллийлик узвий боғлиқ ҳолда гавдаланади. Биргина мисол, миллийлик ва интернационаллик ўртасидаги бундай диалектика, масалан, Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романида алоҳида ажралиб туради. Ойбек асарда миллий колорит, миллий ха-

рактар яратаман деб, интернационализм ва халқлар дўстлиги ғояларига заррача бўлса ҳам доғ туширмайди. Аксинча, миллий характерларни ва умуман миллий хусусиятларни тасвирлаш билан СССР халқлари ўртасидаги дўстлик ва бир-бирига ишончнинг Улуғ Вагадани уруши қийинчиликлари процессида синовлардан ўтгани ва янада мустақамланганини бадиий йўл билан гавдалантириб беради.

Романнинг бош қаҳрамони Бектемир урушнинг энг даҳшатли пайтларида ҳам одамгарчиликнинг юксак намунасини кўрсатади. У чекиниш вақтида ўз ҳарбий қисмидан адашиб қолиб, ўзи қийналиб юргани ҳолда, онаси фашистлар томонидан ўлдирилган Зина деган қизчани ўлимдан қутқариб қолиш учун ҳафталар давомида кўтариб юради. Бектемир қизчани хавфсиз-хатарсиз жойга келтириб топширгандан сўнггина тинчийди, хотиржам бўлади.

Шуниси характерлики, Ойбек ўзбек жангчиларига хос бўлган миллий колоритни ёрқин қилиб бериш билан бирга ўзбек жангчиларининг уруш шароитида қандай қилиб чиниқа борганликларини, уларда интернационал туйғулар қандай ўсиб етилганлигини ҳам реал гавдалантиради. Бошқача қилиб айтганда, романда миллий колорит характер динамикаси билан боғлаб тасвирланади.

Миллий колоритни яратишда миллатдаги консерватив, эски ва ажратувчи томонлар тасвирига эмас, балки прогрессив, ўсувчан ва миллатлар ўртасидаги дўстликни янада мустақамлашга, миллатларнинг ўзаро яқинлашуви ва ўсувига ёрдамлашувчи томонлар тасвирига кўпроқ аҳамият бериш керак.

ҚПСС Марказий Қомитетининг секретари ўртоқ М. А. Сулов таъкидлаб кўрсатганидай, «Бир миллий маданиятни иккинчисидан ажратиб турган нарсанигина ёки халқнинг ўтмиши, унинг тарихи билан боғлиқ бўлган, халқнинг социал ва миллий зўлм шароитидаги

оғир ҳаётини акс эттирган нарсанигина миллий традиция деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Коммунистик қурилиш жараёнида совет социалистик миллатларнинг ўзаро муносабатларида юзага келаётган янги традицияларини, янги хусусиятларини зийракроқ кўра билиш ва қўллаб-қувватлаш лозим. Миллий маданиятларнинг тараққиётида, мамлакатимиз халқларининг ҳаётида ҳар куни пайдо бўлаётган янги, коммунистик нарсаларни бутун воситалар билан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш зарур»¹.

Бундай янги миллий традиция ва янги миллий хусусиятларни бадий адабиётда акс эттириш билан биринчидан ҳар бир шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиётнинг миллий формаларини янада ранг-баранг қилиш, бойитиш, бу формаларнинг янги ва умумийроқ томонларини кашф этиш мумкин. Иккинчидан, миллий традицияларнинг янгича формада ва янгича мазмунда ривожланишига ва бошқа прогрессив миллий форма ҳамда традициялар билан яқинлашувига, уйғунлашувига ёрдамлашиш мумкин.

Лекин, ҳар икки ҳолда ҳам бадий асарнинг реаллиги, ғоявий мазмуни, халқчиллиги, таъсир кучи — тарбиявий-эстетик аҳамияти ҳеч бир сусайтирилмаслиги лозим. Зотан, адабиёт ва санъатдаги миллий хусусиятлар объектив характерга эга. Улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинскийнинг фикрича, санъаткор ўз асарида инсонларни акс эттирмоқчи экан, ўша инсонларнинг ҳар бири, авваламбор, кўланка эмас, балки жонли одамларнинг ўзи бўлиши керак, у жисмоний тузилишга, ўзига хос характерга, ахлоққа, ўз одатига, хуллас уни ҳаётдаги бошқа одамлардан ажратиб турувчи барча индивидуал хусусиятларга эга бўлиши лозим.

¹ М. А. Су с л о в. Коммунизмнинг чинакам улуғ санъати учун, «Шарқ юлдузи» журнали, 1960 йил, 9-сон, 7-бет.

Сўнгра у инсонларнинг ҳар бири муайян миллатга ва маълум тарихий даврга мансуб бўлмоғи даркордир. Негаки, бирор миллатга алоқадор бўлмаган инсон ҳақиқий инсон эмас, балки мавҳум тушунчадир. Кўриниб турибдики, бадий асарда миллийлик санъаткорнинг хизмати бўлмай, санъатнинг бевосита зарур факторидир. Шу сабабли, санъат асари бадий жиҳатдан қанчалик юксак бўлса, унда миллийлик шунчалик аниқ бўртиб туради¹.

Шуни аниқ қилиб айтиш керакки, адабиёт ҳам, ёзувчи ҳам аввало миллий бўлиши, ўз халқининг туб миллий манфаатларини кўзлаши ва унга сидқидилдан хизмат қилиши лозим. Бу объектив ҳақиқатдир. Лекин ёзувчи бунда миллий чекланишга, миллий маҳдудликка оғиб кетмаслиги, аксинча, ҳаётни доимо объектив, реал тасвирлаши, бошқа миллатларга дўстлик, биродарлик нуқтаи назаридан қараши лозим. Улуғ рус мутафаккири В. Г. Белинский: «Шоир учун миллий хусусият биринчи, лекин бирдан-бир шарт эмас: бундан ташқари у миллий шоир бўлиши билан бирга, бутун дунё шоири ҳам бўлмоғи керак, яъни унинг ижодиётининг миллий хусусияти жисми йўқ маънавий дунёнинг, умуминсоний ғояларнинг шакли, жону тани, жамоли, шахсияти бўлмоғи керак. Бошқача қилиб айтганда: миллий шоир фақат биргина ўзининг ватани учун улуғ аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки унинг дунёга келиши жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлмоғи лозим»², деганда шуни назарда тутган эди.

Адабиётимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган М. Горький, В. Маяковский, А. Фадеев, Ҳамза, С. Ай-

¹ Қаранг: В. Г. Белинский. Поли. собр. соч. Том V, М., изд. АН СССР, 1954 г., стр. 317.

² В. Г. Белинский. Танланган асарлар, Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, Т., 1955 йил, 337—338-бетлар.

ни, А. Қодирий, Фафур Гулом, Ойбек, А. Қаҳҳор, Ҳ. Олимжон каби йирик ёзувчиларнинг ҳаммаси ҳам худди шу хилдаги миллий ижодкор бўлганлар. Улар интернационализм ва халқлар дўстлиги позицияларида мустаҳкам турган ҳолда ўз халқи ва ўз миллатининг манфаатлари учун сидқидилдан ижод этганлар. Лекин улар фақатгина ўз халқининг миллий манфаатларини кўзлаш билан кифояланиб қолмаганлар, балки бутун дунёдаги прогрессив инсониятнинг ҳам манфаатини кўзлаб қалам тебратганлар. Ер юзидаги миллион-миллион китобхонларни қизиқтирадиган умумбашарий масалалар, катта ижтимоий проблемалар ҳақида ёзганлар. Улуғ ёзувчиларимизнинг бу ажойиб традициялари ҳозирги кунда Шароф Рашидов, Зулфия, Уйғун Ҳамид Гулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Раҳмат Файзий, Одил Ёқубов ва бошқа ижодкорларимиз томонидан новаторлик билан давом эттирилмоқда. Қисқаси, кўп миллатли совет адабиётида жумладан, ўзбек совет адабиётида ҳам миллийлик билан интернационаллик узвий боглиқ ҳолда намоён бўлмоқда ва бу хусусиятлар ўзаро диалектик бирликда ривожланмоқда. КПСС Марказий Қомитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев айтганидек, «Совет Иттифоқида яшовчи ҳамма миллатлар ва элатлар ўз хусусиятларини, миллий характер белгиларини, тилини, ўзларининг энг яхши анъаналарини сақлаб қолмоқдалар. Улар ўз миллий маданиятини янада кўпроқ равиқ топтиришга эришиш учун ҳайма имкониятларга эгадирлар»¹.

Коммунистик партияимизнинг В. И. Ленин таълимотига асосланиб, традиция ва новаторлик масалалари бўйича берган доно кўрсатмалари совет адабиётининг ўсиши

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. III том, Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1973 йил.

учун зўр ғамхўрлик бўлиши билан бирга, унинг ўтмишдаги вакилларини, бадий ижоддаги прогрессив традицияларни ўрганишга, улардан самарали фойдаланишга ҳам имкон беради. Зотан, прогрессив традициялар новаторлик билан ривожлантирилган тақдирдагина улар социалистик реализм адабиётида, коммунистик жамиятнинг ягона маданиятини барпо қилишда жуда катта аҳамиятга эга бўладилар.

Улуғ Ватан урушидан сўнгги дастлабки йилларда ўзбек совет ёзувчилари сафига бир қатор талантли ёш ижодкорлар келиб қўшилди. Улар ўзларининг илк асарлариданоқ адабиётимизнинг замонавийлиги, ғоявий-бадий етуклиги учун изчил кураш олиб бордилар, адабиёт тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатдилар.

Талантли адабиётшунос ва драматург Сарвар Олимжонович Азимов ана шу ёзувчилардан биридир.

Сарвар Азимов 1923 йил 12 сентябрда Жиззах область Жиззах шаҳрида туғилди. Ўзбек халқининг севимли шоири Ҳамид Олимжон оиласида тарбияланди. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетида таълим олди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди. Шу институтнинг ўзбек совет адабиёти секторида аввал илмий ходим, сўнгра мудир бўлиб ишлади.

Сарвар Азимов 1953 йилда «Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижоди» деган темада кандидатлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди, 1953—1955 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Фан ва маориф бўлими мудирининг ўринбосари, 1955—1956 йилларда Ўзбекистон совет ёзувчилари союзи правлениясининг биринчи секретари, 1957—1958 йилларда Ўзбекистон Маданият министри бўлиб ишлади.

Сарвар Азимов 1959 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва республика ташқи ишлар министри лавозимиغا кўтарилди ҳамда ана шу масъулиятли вазифада ўн йил давомида самарали равишда хизмат қилди.

Сарвар Азимов 1968 йилда филология фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун диссертация ёқлади. Унинг «Ҳамид Олимжон абадияти», «Ўзбек совет адабиёти» ва бошқа илмий асарлари ана шу диссертацияга асос қилиб олинди.

Сарвар Азимов 1969—1974 йилларда СССРнинг Ливан республикасидаги элчиси бўлиб ишлади. У 1974 йилдан то ҳозирги кунга қадар СССРнинг Покистон Ислом республикасидаги элчисидир.

Сарвар Азимов ўз ижтимоий фаолиятининг барча этапларида муҳим партия ва давлат ишларини илмий-ижодий иш билан қўшиб олиб борди. Бинобарин, Ўзбекистон меҳнаткашлари Сарвар Азимовни адабиётшунос олим, талантли драматург сифатидагина эмас, шу билан бирга, республикамизнинг кўзга кўринган йирик партия ва давлат арбоби сифатида ҳам яхши танийдилар.

Сарвар Азимовнинг ўзбек маданияти, санъати ва адабиётини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари доимо партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. У «Ҳурмат белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотланган. Ўзбекистон ССР Олий Советига бир неча бор депутат қилиб сайланган.

* * *

Сарвар Азимов 1948 йилда ўзининг илмий-ижодий фаолиятини бошлаган. У адабиётимизга аввало адабий танқидчи, адабиётшунос сифатида кириб келди. Утган давр ичида қирқтача илмий мақола, бир нечта монография ва дарсликлар яратиб, ҳозирги замон адабиёти

тараққиёти билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни марксизм-ленинизм методологияси асосида ҳал қилиш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг «Социалистик қишлоқ темасидаги йирик асарлар» (1948), «Истеъдодли ёшлар плеядасининг ижоди ҳақида баъзи мулоҳазалар» (1949), «Ҳақ йўл» повести ҳақида» (1948, бу мақолалар С. Қосимов, Х. Убайдуллаев билан ҳамкорликда ёзилган), «Давримизга муносиб юксак саҳна асарлари яратайлик» (1949), «Саид Аҳмад» (1949), «Ҳамшаҳарларим» (1949, буларни С. Қосимов билан бирга ёзган), «Ўзбек адабиётининг йирик санъаткори» (1951), «В. И. Ленин ва ўзбек совет адабиёти» (1954), «Ўзбекистонда адабий танқидчиликнинг ривожланишига доир баъзи бир масалалар» (1954), «Талантли шоир ва оташин ватанпарвар» (1953), «М. Горький ҳақида» (1968) каби мақолалари фанимизнинг шу соҳа бўйича эришган ютуқларидан ҳисобланади. Бу мақолалар республикамизда адабий-танқидий фикр тараққиётига, адабий танқидчилгимиз савиясининг ошишига ижобий таъсир этди. Чунки бу мақолаларда бадий ижоднинг партиявийлиги, халқчиллиги, юксак ғоявийлиги, замонавийлиги, адабий таъсир ва бадий маҳорат каби муҳим проблемалари кўп миллатли совет адабиётининг умумий тараққиёти билан боғлиқ чуқур ёрнтилади. Ўзбек адабиётининг Совет ҳокимияти йилларида эришган улкан ютуқлари ҳамда Ҳамид Олимжон каби йирик санъаткорлар маҳоратининг «сир»лари очиб берилди. У, шоирнинг ижодий умри мангу, «хаёл каби сўнгсиз...» эканлигини айтган эди.

Умуман олганда, Сарвар Азимовнинг мақолалари партиявий руҳнинг кучлилиги, жанговарлиги, илмий профессионал таҳлилнинг пухталиги билан характерланади. Бу хусусият авторнинг Ҳамид Олимжон ҳақидаги ҳар иккала китобига ҳам (айниқса сўнгги «Ҳамид Олимжон абадияти» номли монографияга) хосдир. Бу монография — Сарвар Азимовнинг ўзбек халқининг сеvimли шоири Ҳамид Олимжон ижоди бўйича узоқ йиллар давомида

олиб борган илмий текшириш ишларининг якунидир. Унда ҳасос шоирнинг совет адабиёти тарихида тутган ўрни ва ўзбек совет адабиётига қўшган ҳиссаси умумлаштириб кўрсатилади.

Монография ғоят қизиқарли қилиб ёзилган. Қитобхон уни худди гўзал бадий асарни ўқигандай мутолаа қилади.

Монография фактларга бой, автор архив материалларидан, хусусан, шоирнинг шахсий архиви материалларидан унумли фойдаланган.

Асарда Ҳамид Олимжон ижоди социалистик тузум тараққиёти фониди, ўзбек совет адабиётининг ўзига хос усусиятлари ҳисобга олинган ҳолда батафсил ёритилган.

Шоир асарларининг ғоявий-тематик таҳлили бадий маҳорат таҳлили билан бирга қўшиб олиб борилган. Натижада Ҳамид Олимжон ижодининг ўзига хос хусусиятлари, унинг новаторлиги, образ яратиш усуллари, бадий приёмлари, сюжет тўқиш ва композиция яратиш санъати, тили, услуби, умуман, поэтик маҳорати конкрет тарзда яққол кўрсатиб берилади.

Ҳамид Олимжон ўзбек ва рус адабиёти классикларидан, хусусан, А. Навоий, А. Пушкин, В. Маяковскийдан таъсирланиши, ўрганиши ҳам мисоллар билан очиб берилган.

Мазкур монографияда Ҳамид Олимжоннинг илк ижоди, совет адабиётшунослиги тарихида биринчи марта синчиклаб текширилган. Ҳамид Олимжоннинг илк ижодида учраган айрим нуқсонлардан баъзи бир танқидчилар ўша вақтларда нотўғри хулосалар чиқарганликлари, уни майда буржуа идеологияси таъсиридаги шоир сифатида характерлашга уринганликлари қайд қилинади.

Лекин шундай бўлса-да, монографияда шоирнинг ижодий эволюцияси етарли равишда кўрсатиб берилмаганга, унинг дастлабки ижоди бирмунча кўтарилиб, ортиқча мақталганга ўхшайди.

Маълумки, бошқа ёзувчиларимиз каби Ҳамид Олимжон ҳам «Зайнаб ва Омон» сингари шоҳ асарлар яратиш даражасига етиб келгунча маълум бир ижодий эволюцияни босиб ўтган. Ҳамид Олимжон учун 20-йилларнинг иккинчи ярми ўрганиш ва изланиш даври бўлган. Ана шунга кўра, унинг дастлабки айрим асарларида умумийлик, юзакилик, мавҳумлик ва сунъий рангдорлик — бадий маҳоратнинг етишмаслиги кўзга ташланиб туради.

Умуман олганда, Сарвар Азимовнинг монографиясида Ҳамид Олимжоннинг профессионал маҳоратини анализ қилиш диққат марказида туради ва шоир ижоди юқори савияда таҳлил қилинади.

Сарвар Азимовнинг дарсликлар яратиш, хрестоматиялар тузиш, бадий асарларни нашрга тайёрлаш ва редакторлик қилиш соҳасидаги фаолияти диққатга моликдир.

Сарвар Азимов ва Юсуф Султонов томонидан ёзилган «Ўзбек совет адабиёти» (икки китоб) номли дарслик (ўрта мактабларнинг 9 ва 10 синфлари учун) шу вақтгача ўндан зиёдроқ марта нашр этилди ва ҳар нашрида сайқаллаштирилиб, янги материаллар билан бойитилиб борилди.

Мазкур дарсликнинг қиммати аввало шундаки, унда ўзбек совет адабиёти социалистик тузумимиз тараққиётининг тарихи билан узвий боғлиқликда, бадий ижодчиликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даврма-давр ёритиб берилган. Ўзбек совет адабиётининг социалистик тузумимизнинг бадий йилномаси сифатида совет воқелиги тараққиёти билан бирга, қадам-бақадам ўса борганлиги аниқ қилиб ёритилган. Ўзбек совет адабиётини даврлаштириш масаласи тўғри ҳал этилган. Адабиёт тараққиёти даврларининг ўзига хос специфик белгилари, ҳар бир давр адабиётининг асосий тематикаси, ғоявий мазмуни, ютуқлари далиллар асосида кўрсатиб берилган. Шу билан бирга авторлар

совет адабиётининг ўзига хос асосий хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтганлар.

Дарсликда ўзбек совет адабиётининг тараққиёти кўп миллатли совет адабиётининг, хусусан, улуг рус совет адабиётининг юксалиш тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилган. Бу ҳол китобнинг қимматини янада оширган. Чунки дарсликда қардош совет халқлари адабиётига доир берилган маълумотлар ўқувчиларни СССР халқлари адабиёти билан таништириш, уларнинг билим доираларини кенгайтириш билан бирга, совет халқлари ўртасидаги дўстликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Дарсликда Ҳамза, А. Қодирий, С. Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, А. Қаҳҳор, Яшин сингари йирик ёзувчилар ижоди алоҳида-алоҳида (адабий портрет шаклида) ёритилган. Бунда авторлар ҳар бир ёзувчи ижодини ҳаёт билан, конкрет тарихий шароит билан боғлаб таҳлил қилишга, ҳар бир ёзувчи ижодининг ўзига хос индивидуал томонларини очиб беришга алоҳида эътибор берганлар. Натижада совет адабиётининг халқ турмушини реал акс эттириши, унинг тематик доираси, гоёвий йўналиши, эстетик идеали ҳамда асосий вазифаси, бадиий завқ бериш қудрати ҳақидаги зарурий маълумотлар ўқувчиларга аниқ ва тўлиқ қилиб етказиб берилган. Дарсликнинг афзалликларидан яна бири унинг ихчам тузилганлиги, материалларнинг кўпчилиги сиқик ва раво берилганлигидир. Шунга қарамай, бизнингча, дарслик тилини ўқувчиларнинг савиясига мослаб содда-лаштириш устида яна ҳам ишлаш зарур эди. Унда ўқувчиларга тушунилиши қийин бўлган «мистицизм», «поэтик полотно», «синтез», «микроанализ», «эстетик тушунча», «лаконизм», «бадиий такт», «приментал тавсиф», «барча компонентлар» каби сўз ва иборалар ҳамда айрим оғир жумлалар мавжуд.

Қисқаси, «Ўзбек совет адабиёти» дарслигида адабиётимизнинг Совет ҳокимияти даврида эришган улкан

ютуқлари, ўзбек совет адабиётининг нечоғли бойлиги, ранг-баранглиги ҳаққоний акс этган ҳамда адабиётимизнинг тарихи, ўсиш, юксалиш йўллари тўғри ёритилган.

Сарвар Азимов ўткир публицист ҳамдир. Унинг «Республикамиз ёзувчилари имтиҳон олдида» (1957 й.), «Меҳнат—кишининг ҳаётий эҳтиёжи» (1965 й.), «Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг ҳаракати», (1967 й.) каби мақолалари ўзбек публицистикасининг яхши намуналаридан бўлиб, уларда муҳим фикрлар публицистик кўтаринкилик билан таъсирли қилиб ифодаланган. Масалан, «Меҳнат кишининг ҳаётий эҳтиёжи» асарида ҳозирги даврнинг катта ҳаётий ҳақиқати ўз ифодасини топган. Ёзувчи меҳнатни бахт манбаи, инсон маънавий қиёфасини белгиловчи омил сифатида таърифлар экан, меҳнат совет кишининг кундалик ҳаётий эҳтиёжига айланганлигини, кишиларнинг меҳнагсиз тура олмасликларини, меҳнат туфайли ҳаётимиз фаровон, чўллар гулистон, саҳролар боғу бўстонга айланаётганлигини умумлаштириб кўрсатади.

Сарвар Азимов 40-йилларнинг охири ва 50-йилларда адабий танқидчи ва адабиётшунос сифатида самарали хизмат қилган бўлса, 60-йилларга келиб моҳир прозаик ва айниқса, талантли драматург сифатида ҳам танилди. Ижодкорнинг бу даврда яратилган «Оппоқ тонг қўшиғи» (1961 й.), «Ватан фарзандлари» (1967 й.) номли киноповестлари, «Қонли сароб» (1964), «Юлдузлар жамоли» (1966), «Замон драмаси» (1968 й.) номли пьесалари, «Камалак» (1964), «Кўзлари чўлпон» (1965) каби қиссалари, «Икки дил, икки олам» (1967), «Назокат» (1967) сингари ҳикоялари китобхонларга манзур бўлди.

Бу асарларнинг аксариятида ҳозирги замон ҳаётининг ўзбек совет адабиётида ҳалигача етарли қаламга олинмаган, лекин олиниши зарур бўлган томонлари ёрқин ва таъсирли қилиб ёритилади. Идеология соҳасидаги аёвсиз синфий кураш билан боғлиқ бўлган мураккаб

ва актуал мавзулар акс этирилиб, давримизнинг катта гоёлари олға сурилади. Тематик жиҳатдан ранг-баранг бўлган бу асарларнинг кўпчилигига хос муштарак белги шундаки, улар марказида ҳаёт ҳодисаларига халқ ва давлат манфаати нуқтаи назаридан қаровчи, янги типдаги совет кишининг ижобий образининг яратилиш проблемаси ётади. Рустам Комилов («Оппоқ тонг қўшиғи»), Искандар Салимов («Ватан фарзандлари»), Полвон Султонов («Юлдузлар жамоли»), Элнуржон ва Адиба («Икки дил, икки олам») каби образлар ёзувчининг бу соҳада жиддий ютуқларга эришганлигини кўрсатади.

«Оппоқ тонг қўшиғи» асарининг бош қаҳрамони Рустам Комилов ҳаёт-мамот жангларида чиниққан ҳақиқий коммунистнинг типик образидир. У Октябрь ғалабаларини сақлаб қолиш, мамлакатимизда социалистик жамият тузиш ишига актив қатнашади, босмачиларга қарши курашади. Рустам Комилов тўхматга йўлиқиб қамалган чоғида ҳам, Улуғ Ватан уруши даврида собиқ босмачи, сотқин Мардонбек билан учрашганида ҳам ўзини мардона тутаяди. Асарда Рустамнинг севгилиси Гулчеҳра, салбий тип Мардонбек образлари ҳам жонли ва ишонарли чиққан.

«Ватан фарзандлари» киноповестидаги Искандар Салимов ва унинг севгилиси рус аёли Елена ватанпарвар совет кишиларининг типик вакили. Искандар Салимов Улуғ Ватан урушида яраланиб, иложсиз асир тушади. Лекин, асирликда ҳам у ҳақиқий совет кишиси бўлиб қолаверади. Асирлар орасида яширин комитет тузиб, фашистларга қарши курашади. Искандар Салимов принципиал коммунист, самимий дўст, Ватан учун жон фидо қилувчи довурак жангчи бўлиб, унинг характери асар воқеалари давомида табиий равишда очила боради.

Ёзувчи образ яратишда психологик анализдан унумли фойдаланади. Бу хусусиятни унинг «Камалак», «Кўзлари чўлпон», «Икки дил, икки олам» ҳикояларида яққол кўриш мумкин. Масалан, «Икки дил, икки олам» ҳи-

қоясида Сарвар Азимов икки ёш юрак — Элнуржон ва Адиба характерларини психологик таҳлил асосида кашф этади. Бу ҳикоя ўзига хос бадний памфлет бўлиб, унда автор характерли фактлар ва типик деталлар орқали икки дунёни — социалистик дунё билан капиталистик дунёни образли тарзда таққослайди. Капиталистик дунёнинг маразларини, расво башарасини аёвсиз фош қилиб, америкача ҳаёт усулининг реакцион моҳиятини очиб ташлайди. Америка империализмининг боши берк кўчага кириб қолганлигини бадний тарзда исботлаб беради. Ана шунга кўра ўқувчида бугунги Америка ич-ичидан чириб, емирилиб нураётган, «номи улуғ супрасп қуриб бораётган» мамлакатдир, деган тушунча ҳосил бўлади.

Ҳикояда Американинг разолатга томон юз тутган жирканч, бузуқ ва синиқ ҳаёти қанчалик усталик билан фош қилинган бўлса, совет мамлакатигаги жаҳонни ҳайратда қолдирган тарихий ғалабалар, ўсиш-ўзгаришлар ҳам шунчалик маҳорат билан тасвирланади.

Шуниси муҳимки, ёзувчи асар ғоясини, образлар характерини қандайдир кичик, тор, унчалик муҳим бўлмаган воқеалар рамкасида эмас, балки халқ ҳаётидаги муҳим бир даврни ва жаҳон миқёсидаги катта ўзгаришларни умумлаштирувчи воқеалар рамкасида, аммо ихчам формада очиб беради. Ана шунинг учун ҳикоядаги асосий образлар ҳам, эпизодик персонажлар ҳам ёрқин типлар сифатида китобхон қалбида узоқ сақланиб қолади. Хусусан, Америкада ўз хизмат бурчини ҳалоллик билан бажариб, ўзга юртда душман қўлида мардона ҳалок бўлган журналист Элнуржон ҳамда ўз ёрини нинтизорлик билан кутган, ақлу назокат ва юксак ирода соҳибаси Адиба образлари китобхонда катта таассурот қолдиради.

Ёзувчи асар воқеасини, образларнинг фаолиятини, кишилар билан муомаласини, портретини шундай аниқ тасвирлайдики, китобхон бу реалистик тасвирлардан

Адибанинг ҳам, Элнуржоннинг ҳам кимлигини, уларнинг юксак маънавий қиёфасини осонликча билиб олади.

Асар сюжети Элнур билан Адибанинг «икки оламни — оқ билан қоранн ажрим этувчи хатлари» асосига қурилган бўлиб, воқеалар ғоят табиий ва равон оқади. Асарда капиталистик дунё билан социалистик дунёни таққослаш учун зарур бўлган кўпгина тарихий фактлар, характерли рақамлар, типик деталлар келтирилган ва улар ҳикоя сюжетини қизиқарли қилиб беришга бевосита бўйсундирилган. Ёзувчи қонхўр Гитлер, католиклар пайғамбари папа Павел VI, Америка президентлари Франклин Рузвельт, Кеннеди номи билан боғлиқ бўлган тарихий воқеаларни асар сюжетига сингдириб юборган.

Ҳикоя самимий лирика билан суғорилган. Бу хусусан Элнуржон билан Адибанинг пок севгиси, руҳий ҳолатлари тасвирланган ўринларда айниқса очиқ кўринади. Узоқ жудаликдан сўнги учрашув дақиқаларини камоли бегоҳатлик билан кутган бу икки ёшнинг ўзаро ёзишмаларида (мактубларида) лирика балқиб туради. Бугина эмас, ҳикоянинг социалистик Ўзбекистоннинг ажойиб кишилари, шаҳар ва қишлоқлари, хусусан, республикамиз пейзажи тасвирига бағишланган ўринларида ҳам ёқимли, ҳаётбахш, беғубор лиризм кўзга ташланиб туради.

Бироқ, асардаги баъзи жумлаларда ортиқча бўёқдорлик сезилса, айримларида сиқиклик ва ихчамлик етишмайди. Ҳикоядаги «Шундаям ялакатлар фарқу ястиғи остидаги гулгунча, яланг тўшимдаги қизгина йигит тушмагур қилмишларидан алланечук озор чекса», «онанин: қордан ҳам оппоқ сочлари куйиб қовжираган дийдори билан мотам либосини салобат қиёсига чирмаган» сингари айрим жумлаларда маъно аниқлигига соя солувчи ортиқча бўёқдорлик мавжуд.

Адабиётшунос Лаазиз Қаюмов бу ҳақда: «Сарвар Азимов прозаик асарларининг тили авторнинг кўтаринки услубига мос келади ва уни асосан маъқул бадий

изланиш деб қарамоқ керак. Фақат бу изланиш такомилли ҳаётийликка, табиийликка яқинроқ келса яхшироқ бўларди». ¹ деган эди. Бу фикрга қўшилмоқ керак. Чунки,

Сарвар Азимов асарларида оз бўлса-да учровчи ортиқча бўёқдорликлар ҳамда эски тилимизга хос жумла тугилишлари асар табиийлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбек совет адабиёти ўз тараққиёти давомида халқимизнинг ўтмиш жафоли ҳаётини тасвирлаш, хусусан, ҳозирги замон совет воқелигини акс эттириш соҳасида оламшумул ютуқларга эришди. Натижада адабиёт хазинаси ўзбек халқининг оғир ўтмиши, айниқса ҳозирги бахтли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи етук асарлар — ажойиб ҳикоя ва очерклар, шеър ва дostonлар, повесть ва романлар, драма ва комедиялар билан бойиди. Лекин, шунга қарамасдан, идеология соҳасидаги аёвсиз синфий кураш билан боғлиқ бўлган муҳим бир тема то сўнгги вақтларгача ёритилмасдан ўзбек адабиёти хазинасида оқ доғ бўлиб келаётган эди. Аниқроғи, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг «ватан тузлигига тупуриб қочган» ватанфурушлар ва уларга эргашиб қонли саробга йўлиққан ватангадоларнинг чет эллардаги хоинона ҳаётини ва фожиали тақдирини фош қилувчи бирорта ҳам кўзга кўринарли бадий асар ўзбек адабиётида йўқ эди.

Сарвар Азимовнинг ватанфурушлар ва ватангадолар фожиасини намойиш қилувчи «Қонли сароб» пьесаси эса адабиётимиздаги ана шу етишмовчиликни, ана шу бўш жойни тўлдирди.

Тўғри, Сарвар Азимовнинг «Оппоқ тонг қўшиғи», «Кўзлари чўлпон», «Икки дил, икки олам», «Замон драмаси» каби асарларида ҳам Ўзбекистон ва чет эл ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим темалар акс эттирилган. «Қонли сароб»да эса шу тема тасвири ўзининг юқори

¹ Лазиз Ҳажомов. 1965 йил бадий прозамиз ҳақида ўйлар. «Шарқ юлдузи» журнали, 1966 й., №4, 220-бет.

босқичига кўтарилган. Автор драмада ўз шахсий ҳузур-ҳаловати йўлида ватанни ҳам, халқни ҳам, виждон ва диёнатни ҳам сотувчи ватанфурушларнинг Улуғ Ватан урушидан сўнгги даврдаги кирдикорларини, империалист корчалонларга малайлик қилиб боши берк кўчага кириб қолишларини, бир-бирини алдаб, бир-бирига хиёнат қилиб, ўз бошларини ейишларини капиталистик дунёнинг катта зиддиятлари фонидида очиб беради. Драматург икки лагерь (социализм ва капитализм дунёси) ўртасида идеологик жиҳатдан ҳаёт-мамот кураши давом этаётган ҳозирги пайтда бир ҳовуч ватанфурушларнинг империалистлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолганликларини фош этар экан, бу мураккаб темани ҳаётбахш партиявий позициядан туриб акс эттиради. Шунинг учун ҳам драмада кимки ўз тақдирини халқ ва ватан тақдирини билан боғласа, кимки халққа, ватанга хизмат қилса бахтли бўлади. Кимки тараққиётга қарши турса, тарих ғилдирагини орқага суришга уринса, халққа қарши ҳаракат қилиб ватанфурушлик кўчасига кириб кетса, бир умрга бадбахт бўлади, деган ғоя бўртиб туради.

Асардаги «Туркистон миллий комитети»нинг раиси Мир Алихон, «Миллий комитет»нинг саркотиби Аслзода Саидхон, уларнинг ғоявий раҳбари ва раҳнамоси шайх Абдулфотиҳ, собиқ қўрбоши Юртолбек каби салбий образларнинг фожиали ҳаёти, маънавий кир ички дунёсизни кўрсатиш орқали драматург ватанфурушлар тақдирини умумлаштириб берган. Буларнинг ҳаммаси ҳам тарих ҳукми билан ўлимга маҳкум этилган, бинобарин, одамгарчилик қиёфасини бутунлай йўқотган махлуқлар сифатида томошабин нафратига дучор бўлади. Мир Алихон билан Аслзода Саидхон дабдабали, лекин бутунлай ёлғон сўзларга ниқобланиб, ўз шахсий ҳузур-ҳаловатини кўзлайди. Мансаб, бойлик йўлида ҳар қандай пасткашлик ва иккиюзламачилиқдан қайтмайди.

Мир Алихон сиртдан қараганда ватан йўлида жонини тиккан жафокаш. Аслида эса қўли қон қароқчи, мансаб-параст хоин. Маккаю мукаррама зиёратидан «ҳожини» бўлиб қайтган қиморбоз. Мир Алихон «бир қарасангиз Гитлер шоввозлари тизгинида майна, икки боқсангиз Америка разведкаси ноғораси остида йўрға». Дунёда Мир Алихон қилмаган пасткашлик ва ифлослик қолмаган.

Мир Алихон «раислик лавозимини қўлга киритиш учун миллий комитетнинг биринчи раиси Мустафо Чўқоевни заҳар бериб ўлдиради». Автор Мир Алихон кирдикорларини қўйидаги диалогда рўй-рост очиб ташлаган:

Элейн (Мир Алихоннинг хотини — С. М.): Қочоқ Мир Алихон 1922 йили ватан ва бола-чақасидан кечиб, Германияда пайдо бўлади. Дастлаб, у гўл туркистонликларни шилиб кун кўради, кейин 1930 йилдан немис разведкасига ишга киради.

Мир Алихон: Тилингни тий!

Элейн: Энг ифлос, энг огир топшириқларни бажаришда ном чиқарган Мир Алихон 1933 йилдан бошланган ишларда нодир жонбозлик кўрсатар, эвазига ёғлиқ мукофотлар олар, босар-тусарини билмас эди. Мен эса жанобнинг сояси, зимдан ҳар бир қадамидан хабардор эдим. Тақдирнинг ноҳўя ўйини орқасида Мир Алихон менга ошиқ бўлдилар... севги, гул, оҳ-воҳ...

Мир Алихон: Бас! Шармандаликниям чегараси бўлади!

Элейн: Бироқ, немис қизига уйланмоғи учун у Германия граждани бўлиши ва христиан динини қабул этиши шарт эди. Мусулмонлар ҳақиқати учун ўзини фидо айлаган киши ўйлаб-нетиб ҳам ўтирмайди: гестаподаги шефлари кўмагида динидан ҳам, насабидан ҳам кечди... Гитлер разведкаси топширигига асосан, Мир Алихон 1941 йилдан бошлаб «Миллий комитет»ни ва 1942 йили «Миллий легион»ни тузишга киришди. Мустафо Чўқоев раис ва Мир Алихон ўринбосар лавозимларини эгалла-

гач, улар орасида кучли низо бошланди. Мансабпарастлик курашининг якуни сизларга маълум»¹.

Драмада автор Мир Алихон, Аслзода Саидхон каби разил ватанфурушларнинг кирдикорларини фош қилиш билан бирга, улар томонидан алданиб, «Ватан меҳрига зор, ўзга юртда хор» бўлиб, чет элларда сарсон-саргардонликда кезиб юрган шоир Мавлоно Фигоний, Омонёр, Биби Давлат сингари ватангадолар ҳаётини ҳам реал тасвирлаган. Бу муҳожирларнинг чет элларда кечирган азоб-уқубатлари, Ватан тупроғига зор бўлиб йиғлашлари таъсирли қилиб кўрсатилган. Шу билан бирга, совет идеологияси — адолат ва ҳаққоният идеологияси таъсирида ватангадоларнинг кўзи очилиб бораётганлиги ҳам умумлаштириб акс эттирилган. Драмада кўрсатилишича, ҳаёт ватанфурушларнинг дабдабали шиорларига ишониб алданган шоир Мавлоно Фигонийнинг кўзини очади. Воқеа давомида у аста-секин ўзгара боради ва кейинча тўғри йўлни топиб, совет элчихонасига боришга аҳд қилади. Собиқ қўрбоши Юртолбек Ватан олдида катта жиноят қилганини, умри беҳуда ўтганлигини кейинчалик тўлиқ англайди ва ўз-ўзига ўқ узади.

Драмада ҳаёт ҳақиқати бутун борлиги ва мураккаблиги билан очиб берилади. Чунки, унда қонли сароб кўчасида дайдиб юрган ватанфурушларнинг фожиаси ҳамда, ўзгалар юртдан жаннат қидирган ватангадоларнинг аччиқ қисмати капиталистик дунёнинг катта зиддиятлари фонидасида тасвирланади. Шу тариқа империалистик лагерда янги рақобатчи кучларнинг юзага келиб, ўша лагернинг тағ заминини емириб бораётганлиги ҳам очиб берилади. Бонн вакили Номаълум билан Америка полковниги Джеймс Тэйлор ўртасидаги кураш тасвирида бу яққол кўринади.

¹ Сарвар Азимов. Драмалар. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971 й., 142 — 143-бетлар.

«Джеймс Тейлор: Тушунмасликка олдин де, тўғри бўлади!

Номаълум: Йўрғакдаги чақалоқ бўлсамки, сенлардап тўғрилиқни ё эгриликни ўргансам... Туркистонликларни қўй. Бизни ўз бордп-келдимиз бор.

Джеймс Тейлор: Борди-келдинг — кўпроқ жосуслар жамғариш.—«Бундес фрай» кашф этиш экан-ку, менга аён!

Номаълум: Аён? Аён эрса пўписа қилма! Бу — қимор! Ютсанг оласан. Ютқазсанг даврандан чиқасан! Гардкам!»¹

«Қонли сароб» — ўз темасининг актуаллиги, ғоясининг ўткирлиги жиҳатидангина эмас, юксак маҳорат билан ёзилганлиги жиҳатидан ҳам ғоят муҳим асардир. Драманинг ғоявий мазмуни ҳаётий конфликт ва кучли драматизмга асосланган қизиқарли сюжет негизида очиб берилган. Асарда характерларни ва умуман драма ғоясини очишга хизмат қилмайдиган эпизод ва картиналар йўқ деса бўлади. Лекин, асар сюжетида фрагментализм аломатлари учрайди ва булар, шубҳасиз, асар сюжетидаги яхлитлигига, конфликт ва воқеа ривожига салбий таъсир этган.

«Қонли сароб»даги характерларнинг кўпчилиги пишиқ ва ёрқин ишланган, ҳар бир персонаж ўзига хос ҳаракат ва характер билан таъминланган. Ана шуларга кўра, Мир Алихон, Аслзода Саидхон, шайх Абдулфотиҳ, Юртолбек, Мавлоно Фигоний, Ақнқа, Элейн Беншаль сингари асосий образларгина эмас, балки Улфатпошшо, Омонёр, Биби Давлат, Номаълум, Заркокил, Бодомқовоқ каби иккинчи даражали персонажлар ҳам томошабин ёдида узоқ сақланади.

Драматург образлар характерини усталлик билан индивидуаллаштирган. Шунинг учун ҳам образларнинг маънавий қиёфаси, ҳар қайсисининг характер ва ўзига

¹ Сарвар Азимов. Драмалар, 1971 й., 144 — 145-бетлар.

хос нутқ манераси бир-бирдан яққол ажралиб туради. Бу жиҳатдан асардаги Мир Алихон, қилмиш-қидирмишлари жиноятдан, ўй-хаёли саробдан иборат бўлган собиқ қўрбоши Юртолбек, хиёнат устига хиёнат қилишни касб этиб олган, ўз «дўст»ларига ҳар қадамда фириб берувчи разил Аслзода Саидхон, йўлдан адашиб тириклайин ўлган шайх Абдулфотиҳ, меҳмонхона эгаси ҳаромхўр Улфатпошшо каби образларни бир-бирига таққослаш характерлидир. Чунки, бу образларнинг ҳаммаси ҳам турли йўллар билан, турли приёмлар воситасида такрорланмас даражада аниқ қилиб индивидуаллаштирилган ва тўлақонли тип даражасига кўтарилган. «Қонли сароб» драмасида автор ранг-баранг характерлар яратишда психологик таҳлилдан унумли фойдаланган. Бу айниқса, ўша чиркин муҳит туфайли номуси топталган, охир-оқибатда фоҳишахона безагига айланиб қолган гўзал Ақиқа, эл-юрт истикболдан юз ўгирган Мир Алихон сингари ифлос ватанфурушларга ёндашиб йиқилган ватангадо шоир Мавлоно Фигоний, ватанфурушликнинг боши берк кўчасида дайдиб, халқнинг ашаддий душманлари ногорасига ўйнаган собиқ қўрбоши Юртолбек каби образлар тасвирида яққол кўринади.

«Қонли сароб» тил ва услуб томонидан ҳам пухта ишланган. Автор халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ва фразеологизмларидан усталик билан фойдаланган. Асарда «Томчи тошни тешар, кичкина тош бошни...», «Чинини хоҳ тошга уринг, хоҳ тошни чиннига...», «Ёмон-яхши бўлмас, эшак — бахши», «Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас», «Ҳалол бўлган одам ҳаромни кўра билмаса, ўзи ҳаромга айланар экан» сингари сермазмун, образли ва ҳикматли жумлалар асарда кўп-кўп учрайди.

Драма услубида, авторнинг жумла тузишида фольклорга хос хусусиятлар бўртиб туради. Драматург жонли халқ тили бойликларидан унумли фойдаланиш билан бирга, Омонёр, Мавлоно Фигоний, Биби Давлат, Юртол-

бек каби образлар тилидан халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган гапни қофиялаб сўзлаш санъатини — сажъ приёминни ҳам усталик билан қўллайди. Масалан, Омонёр кўкнорининг Бодомқовоқ, Зулукбадан, Заркокил сингарии қизларга қарата айтган: «Сабабдан сабаб, балчиқдан иморат. Аввал шуни айтай: кўкнори дейиш пурҳикмат сўз эмас, гуноҳ. Гнёвон, паррихта гнёвон дейиш мақсадга мувофиқроқ, олма-анорларим! Манам меҳригнёси бор, болажон — жигаржон йингит эдим. Оқшоқдан бўза солнб, қилардим маз-за... Сизлардек ҳафиф парилар, сим олмачалари ҳарир кўйлақларини туртиб чиққан беандоза мўрчамнёнлар «алёр» айтишиб шароб сунушар, бу дунё гаштини суринг, беклар беги, амри лашкар Омонёр акажон-эй, дейишиб субҳ бўсалар беришар...» каби сўзлари сажъ санъати асосида тузилган бўлиб, улар асарга комик руҳ берган; характерни персонажнинг ўз тили орқали очишга хизмат қилган.

«Қонли сароб» пьесасида кўплаб мавжуд бўлган ўхшатиш, сифатлаш, муболаға, жонлантириш, киноя, сўз ўйини ва бошқа тасвирий воситалар асар тилининг образли, рангдор (бўёқдор) бўлиб чиқишини таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Зотан, драма тилидаги рангдорлик Сарвар Азимов ижодига хос бўлган кўтаринки услубга тўла мос тушади. Шу билан бирга, бу рангдорлик, умуман олганда, асардаги маъно аниқлигига ҳеч бир соя солмайди, аксинча, асарнинг таъсирчан чиқишига, драма тилининг халқчил бўлишига хизмат қилади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, «Қонли сароб» драмаси ҳақида ўзбек адабий танқидчилиги ва адабиётшунослигида В. Зоҳидов, Ҳ. Абдусаматов, М. Раҳмонов, Т. Собиров, Б. Имомов, Б. Ғуломов, М. Алиев сингари танқидчилар томонидан бир қатор мақола ва тақризлар ёзилган. Уларда мазкур асар қисқа тарзда бўлса-да, умуман тўғри таҳлил этилади. Драманинг темаси, ғоявий мазмуни ва авторнинг маҳорати очиб берилади. Лекин, айрим мақоалаларда драмада-

ги ижобий образ проблемаси ҳақида турли фикрлар, ҳатто чалкаш, бир-бирига зид фикрлар айтилмоқда. Масалан, М. Алиев «Асарда ижобий қаҳрамон йўқ, зотан, бу асарга ижобий қаҳрамон киритиш ҳам пьесанинг гоёвий йўналишига путур етказар, мазмунига ҳам, шаклига ҳам мос тушмас эди»¹, деб ёзади. Адабиётшунос Турсун Собиров эса М. Алиевнинг бу фикрига эътироз билдириб, «Қонли сароб»да ижобий образ бор, дейди ва бунга Ақиқа, Муяссар образларини далил қилиб кўрсатади².

Танқидчи Баҳодир Ғуломов бу мунозарага қўшилиб, М. Алиев фикрини маъқуллагани ҳолда, Т. Собировнинг «Қонли сароб»да ижобий қаҳрамон бор, деган фикрига қарши чиқади³.

Бизнингча, «Қонли сароб» драмаси антагонистик конфликт ва ички коллизиялар асосига қурилган бўлиб, унда икки идеология (капитализм ва социализм) ўртасидаги ҳаёт-мамот курашида мағлубиятга учраган ватанфурушлар фожиаси биринчи планга қўйиб тасвирланади. Ана шунга кўра асарда салбий образларнинг биринчи планда туриши ва асосий ўринни эгаллаши табиий ҳолдир. Драматург ватанфурушлар фожисини кўрсатиш — салбий образларни фош этиш орқали коммунистик идеологиянинг жаҳон миқёсида тантана қилаётганлигини умумлаштириб беради. Бу катта гоёни бадиий ҳақиқатга айлантришда автор турли приёмлар қўллайди, турли хил образлар (жумладан, ижобий образлар ҳам) яратади.

Бизнингча, асардаги Ақиқа ижобий образдир. Автор ватанфурушлар айби билан баҳти қаро бўлган Ақиқа

¹ М. Алиев. Партия XX съезидан кейинги драматик асарлар маҳсули, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1965 й., 4-сон, 8-бет.

² Турсун Собиров. Драматургия ва театр. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1965 й., 6-сон, 34-бет.

³ Баҳодир Ғуломов. «Баҳсимиз давом этсин». «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1966 й., 3-сон, 59-бет.

образини яратиш орқали ўша чиркин муҳитни қоралайди. Тўғри, Ақиқа ҳақ ба адолат учун актив курашчи даражасига кўтарилмаган. Дарҳақиқат, Ақиқа покпаза гул эди, ватанфурушлар муҳити бу гулни ёғимлаб эзиб ташлади. Ақиқа фожиаси томошабинда унга нисбатан антипатия эмас, симпатия уйғотади. Ақиқани ўзига хос ижобий образлар қаторига қўшса бўлади, деган фикр ҳам худди ана шу ҳақиқатга асосланади.

Ашаддий ватанфуруш хоин Мир Алихоннинг ўғли Муяссарни (Мавлоно Фигоний сингари) эса ижобий образлар қаторига ҳам, салбий типлар сафига ҳам қўшиб бўлмайди. У тузалувчан образдир. Совет мамлакатига жосус сифатида ёмон ният билан борган Муяссар у ердаги бахтли ҳаёт таъсирида янги одамга айланади. Бу фикрни исботлаш мақсадида Муяссарнинг СССРдан чет элга ёзган хатини тўлиқ келтириш мақсадга мувофиқдир.

«Ассалом, бегона ота, ёв қариндошлар, на танишу на билишлар.. Сизларга йўлламиш саломим мазмуни андак ғайри табиий кўриниши эҳтимолдан узоқ бўлмагани учун номани лентага кўчирдим, негаки, овозимни танирсиз, Муяссар нафасини сезарсиз... Сизлар орзиқиб, тинмай ҳикоя эъганингиз Ватанни кўрдим. Кўрдиму, ҳаёт қолганимга ҳадди-ҳисобсиз қувондим. Қувондиму, аччиқ ҳақиқатни айтсам, ҳаммангизга беҳад ачиндим. Қилмиш-қидирмишларингиз кечирини қийин бўлган жиноят, яна аниқроғи, қонли сароб экани исботга муҳтож эмас. Сиз тирик мурдалар, ҳа, жони бор ўликлар, ҳеч нарсаини англашни истамайсиз: кўзингиз кўр, қулоғингиз қар, юрагингизни тош айлаб, беҳуда кўча чангитишдан, ёш боладек ҳаво бузишдан ўзга юмушга ярамаслигингизни, баҳор қўйнида эркаланмиш бу Ватан, — афсус, минг афсуски, кеч, жуда кеч шу туйғу соҳибни бўлдим, — бу халқ ашаддий душманлари қўлида қўғирчоқ, бир қарасангиз Гитлер шоввозлари тизгинида майна, икки боқсангиз Америка разведкаси ноғораси остида йўрға бўлиб

келажингизни ҳатто билмайсиз ҳам, қай бирларингиз эса билишни-да хоҳламайсиз...

Сизлар, Совет Иттифоқи Гитлер зарбасига нари-бериси билан беш-олти ҳафтагина бардош қилур, дея бонг урган эдингиз. Жаҳон социализми тузумининг, пайқаяпсизми, жаҳон метин таянчи бўлган бу мамлакатда коммунизм қурилмоқда. Сизлар, Сталин ўлди, энди Совет Иттифоқи халқлари ўртасида парокандалик бошланади, дея яна жар солган эдингиз. Бу диёрда эса дунёда бир олам масалани ҳал айлаган қурултой иш кўрди. Халқнинг қайнар булоқдек даҳоси етказган истеъдодлар мамлакатни буюк чўққиларни сари бошламоқда, ҳатто сайёралар сайри ҳам яқин фурсатда жамол кўрсатур. Сизлар, Туркистон Россия колониализми остида инграмоқда, ўзбек халқининг асрий маданияти чала ўлик ҳолда, дея зикр тушар эдингиз. Бу ерда эса чин биродарлик, тотув ҳаёт, миллий маданият тантанаси ҳоким, Мендек одам ҳам меҳнат қилиш, виждон кирини ювиш имкониятидан маҳрум эмас, ҳатто... Қисқаси, энди англасам, барча гапларингиз бўҳтон, маслагингиз бемаслаклик, ҳамма қилмишларингиз сароб, ҳаётингиз маъноси эса захар сочишдан иборат экан... Ҳеч нарсани яширмасдан ўзимни англатдим. Мени афв этарлар деган умид-даман...»¹

Хуллас, «Қонли сароб» — ғоявий ва бадиий жиҳатдан баққуват драма. Шу сабабли у адабиётимиз тараққиётида салмоқли ўринни эгаллайди.

Сарвар Азимовнинг иккинчи саҳна асари — «Юлдузлар жамоли» совет воқелигини тасвирлашга, замондошларимизнинг ранг-баранг характерларини яратишга бағишланган. Унда совет кишиларига хос маънавий гўзаллик, ҳалоллик ва тўғрилиқ улуғланади. Ҳамма нарса инсон учун деган ғоя олға сурилади. Айрим шуҳратпа-

¹ Сарвар Азимов. Драмалар. Ўзадабийнашр, Тошкент, 1971 й., 149—151-бетлар.

раст ва мансабпараст шахсларнинг давлат планини бажариш йўлидаги зиёнли ишлари, уларнинг одамлар ҳақида асло ҳам чекмаслари фош этилади. Асар конфликтти ёш коммунист Полвон Султонов билан демагог, бюрократ ва ўта расмиятчи раҳбар Улуғ Турсунов ўртасидаги кураш процессида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилотининг секретари Полвон Султонов Улуғ Турсуновга хат ёзиб, аҳоли яшайдиган қишлоқларга туташ пахта майдонларига самолётдан дори сепишни тўхтатишни, ҳар хил модданинг аҳолига зарар етказмаслиги учун ўша ерларда пахтани қўл билан дорилаш усулини таклиф қилади. Турсунов эса, «Ўзани самолётлар воситасида дорилашни давом эттиришга мажбурмиз. Биз план ҳақида, ҳосилни ошириш тўғрисида бош қотиришимиз шарт», деб Султоновнинг таклифларини рад қилади, одамлар ҳаёти, уларнинг саломатлиги тўғрисида сира қайғурмайди. Қандай бўлса ҳам планни бажариб, шуҳрат қозонишинигина ўйлайди. Шу заминда Турсунов билан Султонов ўртасида тўқнашув кескинлашиб кетади. Турсунов Султоновни «Ягона нусха демагоглардан экансиз. Юзгача пар шайтон танангизда ин қўйган чамаси», деб ҳақоратлашга бориб етади. Турсунов бу тўғрида Бобо Равшан каби кекса коммунистларнинг насиҳатига ҳам қулоқ солмайди. Самолётдан дорилашни давом эттиришга қатъий буйруқ беради. Полвон Турсунов буйруғини бажаршдан бош тортади ва Турсуновнинг бу нотўғри ҳаракатлари ҳақида Марказкомга мурожаат қилади. Жанжал кучайиб, улар масалани ҳал қилиш учун Тошкентга учадилар, улар билан бирга Бобо Равшан ҳам жўнайди. Йўлда самолёт ҳалокатга учрайди, сувсиз саҳрога қулаб тушади. Учувчи Қорасоч ва Бобо Равшан қаттиқ шикастланадилар. Бир қатра сув йўқ, ҳамма ташна, Султонов ва Турсунов қудуқ топишга жўнайдилар. Қум барханлари тагидан қудуқ топилади. Султонов қудуққа тушади. Турсунов мана шу ўнғай фурсат

дан фойдаланиб, энг хавфли душманидан қутулмоқчи бўлади, чилвирни қирқиб юбориб, Султоновни қудуқ ичида қолдиради. Кўп ўтмай, Чўли ака, Бахмал, Али-жонлар Султоновни қудуқдан топиб, қутқариб олади-лар. Турсунов жиноят устида қўлга тушади.

«Юлдузлар жамоли» драмасининг қисқача сюжети ана шундан иборат. Асар сюжети ривожланган сари образлар характерни очила боради. Асарнинг бош қаҳрамони Султонов ҳамда шуҳратпараст Турсунов образлари пьесада жонли ва ишонарли чиққан. Автор бу образлар тимсолида икки хил раҳбар типини яратган. Султонов «коммунист деган юксак номни оқлаш йўлида баҳоли қудрат курашувчи» ҳалол, принципиал, инсонпарвар раҳбар образидир. Турсунов эса, шуҳратпараст ва амалпараст. У бу йўлда ҳар қандай пасткашликдан ҳам қайтмайди.

Автор бу образлар характерини очиш учун лозим бўлган материал ва бўёқларни турмушдан топа олган ва уларни образли тарзда ифодалай олган. Бироқ, «Қонли сароб»да учровчи нуқсон — фрагментализм «Юлдузлар жамоли» драмасида ҳам кўринади. Бунда ҳам воқеа ривожини тез-тез узилиб туради. Автор бадний чекиниш приёмига ортиқча мурожаат қилганки, бу пьеса сюжетининг яхлитлигига салбий таъсир этган.

Умуман олганда, «Юлдузлар жамоли» замонавий темадаги яхши асарларимиздан бири бўлиб, унда кишиларимизнинг 60-йиллардаги ҳаёти ва шу билан боғлиқ ҳолда ўша кунларнинг асосий проблемалари ҳаққоний кўрсатилган.

Сарвар Азимовнинг учинчи саҳна асари — «Замон драмаси»да яна чет эл воқелиги акс эттирилади. Воқеа мустамлакачилик зулмидан озод бўлган Африка мамлакатларидан бирида 60-йилларда бўлиб ўтади.

Азиз Камол бошлиқ прогрессив кучлар мустамлакачиларга ва монархия режимида қарши коммунистлар ёрдамида курашиб, миллий озодлик ҳаракатида ғалаба қо-

зонадилар. Мамлакат мустақилликка эришгач, Азиз Камол бошлиқ революцион ҳукумат тузилади. Бироқ, Азиз Камол бошда мамлакат ижтимоий ҳаётига коммунистларни аралаштирмаслик сиёсатини тутати. Компартияни қонундан ташқари деб эълон қилади, коммунистларни таъқиб этади, ҳатто ўзининг севгилисини, коммунистик партия раҳбарларидан бири Ойишани зиндонга ташлатади.

Асардаги Ойиша билан Азиз Камол диалогига диққат қилайлик:

«Ойиша: Биз бирга жанг қилдик, қон тўқдик. Мамлакатимизни мустамлака чангалидан юлиб олишда коммунистлар берган қурбонлар ёдингизда бўлса керак. Сайлов вақтида партиямиз ўз овозини, ишончини ҳам сизга бағишлади. Азиз Камол... Кейин ўйин бошланди. Партиямизни қонундан ташқари деб эълон қилдингиз. Мана бу гўристонга душман эмас, сизга бир дўст одам дафн этилди.

Азиз Камол: Яна эски можаро.

Ойиша: Сиз буюк интернационал ғоялардан кечиб, «Миллий социализм», «Ислох социализми» деган пуч умидлар кўчасида революция ва халқ манфаатини ўтга ташладингиз. Натижада, неокOLONиализм балоси қайта босиб келмоқда, мамлакат пароканда, халқ оч, келажаги чучмал, томирингиз ифлос одамлар қўлида, чунки, дўст билан душманни ажратмай қўйдингиз»¹.

Вақт ўтиши билан Азиз Камол онгида жиддий ўзгариш юз беради. Ҳаёт унинг кўзини очади. Натижада, у ўз хатоларини англай бошлайди. Азиз Камол Совет Иттифоқига сафар қилади ва у ердан кўп нарсаларни ўрганиб қайтади. Шу тариқа у коммунистларга яқинлашади.

¹ Сарвар Азимов. Драмалар. Ўздабийнашр, 1971 й., 51-бет.

ва улар билан дўстлаша боради. Охир-оқибатда коммунистлар йўлининг ҳақ йўл эканига тўлиқ ишонади. Ана шунинг учун ҳам асар охирида у коммунист Ойишага қараб: «Оппоқ тонг отмоқда». Африка тонги!.. Ойиша, тошқин зиё, қани йўл бошланг! Ҳали енгини лозим бўлган машаққатлар, қиладиган ишларимиз кўп, дўстларим!» — дейди.

Драмадаги ҳарбий нозир, сотқин генерал Жобир Ансор бошлқ реакцион кучлар мамлакатни яна эски ҳолатга қайтариш — монархия режимини қайта-тиклаш учун империалистик доиралар билан зимдан тил бириктириб, давлат тўнтариши қиладилар. Революцион ҳукумат раиси Азиз Камол, олнй мажлис раиси Ота Дархон каби прогрессив раҳбарларни коммунистларга сотилган хоинлар сифатида отиб ўлдирмоқчи бўладилар. Лекин ўз вақтида етиб келган Ойиша бошлиқ прогрессив кучлар уларни ўлимдан сақлаб қолади. Давлат тўнтариши қилишга уриниш муваффақиятсиз яқунланади.

Кўринадики, драмада прогрессив кучлар билан реакцион гуруҳлар ўртасидаги ҳаёт-мамонт кураши тасвирланган ва бу аёвсиз курашда халқ вакилларининг ғалаба қозонганлиги реал акс эттирилган. Асарда миллий озодлик йўлидаги турли хил ғовлар, ҳарбий тўнтаришлар кўрсатилиб, тараққийпарвар кучлар ҳақиқий халқ вакиллари бўлган коммунистлар билан биргалашиб ҳаракат қилишлари лозим; шундагина улар ғалаба қозонишлари ва мамлакатда адолатли жамият барпо қилишлари мумкин, акс ҳолда яна неокOLONиализм тузоғига тушиб қолиш ҳеч гап эмас, деган ғоя олға сурилган.

«Замон драмаси» асарида Азиз Камол, Ота Дархон, Ойиша, Носир, Жавдат каби ижобий образлар, шунингдек, Жобир Ансор, элчи Бэлл Смит, Нуржаҳон сингари салбий образлар характери реалистик бўёқларда очиб берилган. Айниқса, Африканинг прогрессив давлат ар-

бобларидан Азиз Камол ҳамда ўша мамлакат Компартиясининг раҳбарларидан бири Ойиша образлари ғоятда муваффақиятли чиққан. Автор Азиз Камолнинг халқпарварлигини, ватанпарварлиги, унинг дунёқарашидаги қарама-қаршиликларни, сиёсат ва давлатни бошқариш соҳасида у йўл қўйган хатоларни, шунингдек, Азиз Камолнинг Совет Иттифоқига бўлган симпатиясини, хусусан, коммунистик ғоя таъсирида бу йирик арбоб дунёқарашида юз берган ўзгаришларни (образнинг эволюциясини) табиий қилиб кўрсата олган.

Асардаги Ойиша ўзининг дадиллиги, халқ ва мамлакат манфаати йўлида ўлимдан ҳам қўрқмаслиги, доно сўзлари, ақлли муҳокамалари билан ўқувчи муҳаббатига сазовор бўлади. Зотан, автор коммунист раҳбарларга хос бўлган принципиаллик ва доноликни ҳам, камтарлик ва самимийликни ҳам, халқпарварлик ва адолатпарварликни ҳам Ойиша образида ёрқин гавдалантира олган.

Бироқ драмада айрим нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Совет ёзувчиси Собир билан Ғарб адибаси Сильвия ўртасидаги ёзишмалар (мактублар) чўзилиб кетган ва зерикарли бўлиб чиққан. Шунингдек, Азиз Камолнинг Ўзбекистонга келгач, Назир бува билан учрашиши картинасида ишонтириш қуввати етишмайди. Хусусан, кекса деҳқон Назир буванинг ҳукумат бошлиғи Азиз Камол хатоларини очиб ташлаши ва уни кескин танқид қилишига ишониб бўлмайди. Дарҳақиқат, бу эпизодда у оддий колхозчидан кўра, тажрибали дипломатга ўхшаб кетади.

Бундай айрим нуқсонларидан қатъий назар, «Замон драмаси» асари драматургиямизда ижобий воқеа бўлди. Бу асар драматургиямизни ҳозирги замоннинг халқаро миқёсдаги муҳим, мураккаб проблемаларни акс эттирувчи сермазмун бир драма билан бойитди.

Сарвар Азимовнинг бошқа асарлари хусусида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Хуллас, Сарвар Ази-

мов Совет Ўзбекистонининг етук, келажаги порлоқ иждокорларидан бири бўлиб, унинг асарлари ғоявий ва бадий жиҳатдан юқори савияда ёзилганлиги билан, янги тема, янги ғоя ва янги образларга бойлиги билан характерланади. Ана шунга кўра Сарвар Азимов ўз услубига, ўз овозига эга бўлган ёзувчи сифатида адабиётимиз тараққиётида салмоқли ўрин эгаллайди.

НАВҚИРОН ЁШЛИҚ ШОИРИ

(Барот Бойқобилов ижоди ҳақида)

Ўзбек совет адабиёти социалистик реализм йўлидан бориб, кун сайин янги-янги ютуқларга эришмоқда, унинг шуҳратига шуҳрат, бойлигига бойлик қўшилмоқда. Ёзувчиларимиз сафи қобилиятли ёшлар ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда адабиётимизнинг тараққий этишига Қ. Яшин, Уйғун, Зулфия каби устоз ёзувчилар билан бирга, уларнинг шогирдлари—истикболи порлоқ талантлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шундай ёшлардан бири Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати шоир Барот Бойқобиловдир.

Барот Бойқобилов адабиётга 60-йилларнинг бошларида умидли ёш шоир сифатида кириб келди. Устозлар маҳоратини, айниқса В. Маяковский, Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Ойбек, Уйғун, Миртемир, Шайхзода ижодини ихлос билан пухта ўрганиб, улар таъсирида оригинал шеърлар ёза бошлади ва тезда поэзия мухлисларининг диққатини ўзига жалб этди.

Ўтган қисқа давр ичида Барот шеърият ихлосмандларига «Самарқанд сатрлари» (1962), «Висол» (1965), «Сени излайман» (1968), «Самарқанд ушшоғи» (1969), «Афросиёб» (1970), рус тилида «Памятники говорят» (1970), «Сонетлар» (1971), «Муҳаббат хиёбони», «Самар ва Қанд» (1973), «Шарқ камалаги» (1975), «Висол ва хижрон» (1978) сингарии шеърий гулдасталар (тўплам-

лар) тақдим этди ва сермаҳсул шоир сифатида ўқувчиларнинг ҳурматини қозонди.

Гулзордаги турли хил гулларнинг ҳар бири ўзига хос бўйга эга бўлганидек, бу шеърый китоблар ҳам ўзига хос хусусиятларига кўра бир-бирларидан ажралиб турдилар. Китобхонга турлича завқ, ҳузур бағишлайдилар. Шу билан бирга, бу китоблар шоир поэзияси ширатга, ўзи эса ақлга тўлиб бораётганидан гувоҳлик ҳам берадилар.

Баротнинг устози Ўзбекистон халқ шоири Миртемир ўз шогирди ижодининг бу хусусиятини қайд қилиб шундай ёзган эди: «Мен унинг китобларини ўқиб, кузатиб боʻраман. Ҳар янги китоб Барот учун янги бир поғона, янги марра десам холис гап бўлади.

Барот шеърнати — ёшлик, бугундан рози, эртанги кунга ишонч, Ватанга ошиқлик шеърнатиدير. Одам умрида ёшлик шеърга энг иноқ даврдир, Ёшлик ўзи шеър. Ёшликнинг ҳар қадами, меҳнату ботирлик, Ватанга фидойилик, кексаларга хизмат, ота-она бурчи, аскарлик бурчи, билимга ташналик, севги ва интизорлик, вафо ва умуман юксак одамнийлик, ватандошлик, яратишга қодирлик, ўринли ғурур туйғуси ва ўринли ўч туйғуси, инқилобий романтика — ҳаммаси ёшликка хос шеърнати.. Барот шеърларида туркман қумларидаги ҳарорат, тожик тоғларидаги ажиб саринлик, Қора денгиз қирғоқларидаги жаннатий ором, Ҳиндистон обидаларидаги мармар мўъжиза, Ушраина шаҳарларидаги гўзаллик, дўстлик тароналаридек жарангдор. Айниқса, Ўзбекистон, туғилган диёр мақтовлари — Самарқанд ва Ургут тасвирлари эса қолгулик. Барот шеърларида ёшликка хос қайноқ севги, совет одамига хос вафо, бахт қўшиқларидек ёқимлилик жуда ёрқин. Барот қаер ҳақида ва нима ҳақида ёзмайсин, негизда одам ва ҳаёт бор» (Миртемир. «Ургут ва бургут» — Б. Бойқобиловнинг «Шарқ камалаги» тўпламига ёзилган сўнгсўз. 1975 йил, 282—283-бетлар).

Ҳақиқатда ҳам истеъдодли шоир Барот Бойқобилов ўз таснифлари ичида поэзияда асардан асарга ўсиб, бадий ижодиётда поғонама-поғона юқорига кўтариларди. (Бу ижодкор учун энг муҳим ва энг зарур хусусиятидир.) Лекин, шуниси ҳам борки, бу ижодий эволюция осон ва силлиқ бўлаётгани йўқ; қийинчиликларни енгиш, кўп тер тўкиш — ўз устида тинимсиз ишлаш натижасида юз бераётди. Тўғри, Баротнинг дастлабки асарларида, ҳатто 60-йилларнинг охирида яратилган баъзи шеърларида ҳам, турли характердаги айрим қусурлар, хусусан, бадий етишмовчиликлар мавжуд эди. Ёш шоир ижодида баъзан ўринсиз ҳасрат кайфияти («Навоий чойхонаси» шеъри) ёки ғоявий ноаниқлик аломатлари («Фироқда») учраб турар эди. Шоир ўз устида жиддий ишлаш орқали бу хил нуқсонлардан қутула борди ва 70-йилларга келиб камолот босқичига чиқиб олди.

Ҳа, Барот ҳозир ижодий камолот поғонасида турибди. Лекин Барот ҳозир ҳам ўрганиш ва изланишда. У камолот чўққиси сари тинимсиз интилмоқда. Зотан, ҳақиқий санъаткор умр бўйи изланади ва ўрганади. Ижодий ишнинг ана шу ниҳоятда оғир ва машаққатли меҳнатига чидаган истеъдодгина ўлмас асар яратади: муродига етади. Ёки, аксинча, санъаткор қачонки ўрганиш ва изланишдан тўхтаसा, у ижодий ишда ҳам ҳеч бир олга кета олмайди, ўз жойида қотиб қолаверади.

Барот шеърларида маълум бир ютуққа эришган экан, у ҳозиргача босиб ўтган ижодий йўлга дастлабки яқун сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

Баротнинг асарлари замонавийлиги, жўшқинлиги, ёқимли лирик туйғуларга сероблиги билан характерланади. Шоир ўз шеърларида совет воқелигини, замонавий тематикани ёшларга хос жўшқинлик ва публицистик кўтаринкилик билан куйлайди.

Шоир яратган асарлар орасида В. И. Ленин ва Жонашон партия, коммунистик ахлоқ ва социалистик Ва-

ган, меҳнат ва ижод, бахтиёр ёшлик ва тинч ҳаёт нашъ-
аси, виждон ва бурч, умр ва саодат, ишқ ва муҳаббат,
ота-она ҳурмати ва фарзандлик меҳри сингари ранго-
ранг мавзуларда талайгина яхши шеърлар бор. Барот
1958 йилда:

Лениннинг хизмати қанча, деб гоҳо
Сўрасам қалбимдан чиқар акс садо:
— Ленин инсонларга бахт берган қуёш,
Қуёш хизматини ўлчашга йўқ тош! —

деб ёзган эди. Шундан сўнг шоир бу илҳомбахш мавзу-
га яна бир печа бор қайта-қайта мурожаат этди ва ҳар
сафар В. И. Ленин образининг янги-янги қирраларини
очишга интилиб самимият ва чин ихлос билан қалам теб-
ратди. В. И. Лениннинг инсоният ва башарият олдидаги
буюк тарихий хизматларини ҳамда халқ оммасининг ўз
доҳийсига бўлган чексиз ҳурмату миннатдорчилигини
содда ва ёқимли мисраларда умумлаштириб берди. Би-
нобарин, улуғ Ленин ва Коммунистик партияга муҳаб-
бату садоқат мотивлари шоир тўпламларининг мағиз-
мағзига сингиб кетган:

Орзу-ўйимизда яшайди Ленин,
Шеър у куйимизда яшайди Ленин,
Бошимизда мангу бўлиб раҳнамо
Бизнинг уйимизда яшайди Ленин.

Шоир мураккаб ва кўн қиррали ҳаёт ичига тобора
чуқурроқ кириб бораётир. У ҳаётдаги турли-туман, ҳат-
то, баъзан кўз илғамас даражада нозик бўлган воқеа-ҳо-
дисаларни, ўсиш-ўзгаришларни ҳақиқий изланувчан
санъаткорга хос сезирлик билан пайқай олади ва улар-
ни оригинал образларда реал ифодалайди. «Нон ва
шеър», «Қорачиғим», «Онажоним», «Мен — солдат фар-
занди», «Ўғлидир балки...», «Атлас», «Севги ёшидаман»,
«Икки сиймо» сингари шеърларида ва бир қанча сонет-
ларида бу хусусият бўртниб кўринади.

Баротнинг «Ўғлидир балки...» шеърида онанинг солдатликка кетган ўғлини кутиш манзараси ва шу пайтлардаги психологик ҳолати ҳаяжонлантирарли тарзда реал ва таъсирли акс эттирилган; шу орқали социалистик Ватанга ва оддий инсонга муҳаббат туйғулари табиий ва ишонарли қилиб ифодаланган. «Мен — солдат фарзанди» шеъри ҳам гуманизм, Ватанга садоқат руҳи билан суғорилган ёқимтой асардир. Минбар поэзиясининг ўзига хос бир намунаси бўлган бу шеърнинг фоявий хулосаси қуйидагича:

Онагинам Саодат,
Саодатни сақлаб қолинг,
ўртоқ одамлар.

Маълумки, шоирларимиз инсониятга ҳаёт бахш этувчи муҳтарам ва заҳматкаш она ҳақида жуда кўп ажойиб шеърлар яратганлар. Барот эса ана шу асарларда айтилган фикрларни, ишлатилган ташбеҳларни такрорлашдан қочиб, ўзининг «Онажоним» шеърида дунёда энг азиз инсон — Онанинг янги образини яратишга муваффақ бўлган.

Умуман олганда, шоир асарларида она образи кўп учрайди. Лекин улар бир-бирини такрорламайди, балки бир-бирини тўлдириб, муаллифнинг Ватан ва инсон ҳақидаги поэтик фикрларини бадий гавдалантиришга бевоқиф хизмат қилади. Шоирнинг «Қуёш ҳам она деб атармиш Ерни», «Бу буюк тупроқни она дер ҳар ким», «Онам ҳадя этди қилич ва қалам» сингари асарларида она образининг янги-янги қирралари очиб берилган. Буларда шоир она образига мажозий маъно юклайди: муҳтарам она образини азиз ва жонажон Ватан образи даражасига кўтарди:

Бу буюк тупроқни она дер ҳар ким,
Она деб эзгулик излайди ундан,
Инсонга ёғдудай саодат ёрқин;

Қуёшдай безавол умри ҳам чиндан.
Антей ссвганидан шу ерни ортиқ,
Куч-қудрат олгандир уни қучоқлаб,
Прометей оловни этгали тортиқ
Қуёш денгизида сузган қулочлаб.
Эзгуликка чақноқ туғилиб мен ҳам.
Энтикиб боқаман нур оламига.
Муқаддас тупроққа таъзимкор мудом,
Жавоҳир сочаман ҳар қадамига.
Ўғлим деб, мени шу муборақ тупроқ
Бошида кўтариб юради қувноқ.

Меҳнаткаш инсонни улуглаш Барот поэзиясининг асосий мағзини ташкил этади. Бу етакчи ғоя шоир асарларида кўпинча икки хил йўл билан ифодаланади. Яъни, биринчидан, шоир муайян касб-кор эгасининг конкрет-индивидуал образини чизиб, иккинчидан, меҳнаткаш инсоннинг яхлит умумлашма образини яратиб орқали меҳнаткаш инсонни улуглайди, ҳаёт ва инсон ҳақида поэтик мушоҳада юритиб, кўпчиликни қизиқтирадиган умумлашма фикрларни образли қилиб айтади; сермазмун поэтик хулосалар чиқаради:

Одамзод қадамин ердан узган кун,
Ер юзини кулги тарк этмиш бутун.

Ёки:

Иигирманчи асрда муқаддас одам,
Ер билан осмонни қилди бир қадам.

Барот Бойқобиловнинг «Одамлар» номли шеърисида жамиятни ҳаракатга келтираётган, улуг шаҳарларни ва буюк қурилмишларни бунёд этаётган, чўлларни боғ-бўстонга айлантириб, коммунистик ҳаёт барпо этаётган совет кишиларининг яхлит умумлашма образи чизилган.

«Атлас» шеърида эса оригинал образ яратилиб, серқуёш Ўзбекистон ва унинг элларни атлас билан кийинтирувчи (таъминловчи) қўли гул одамлари юракдан мадҳ этилган.

Барот поэзиясида инсон конкрет замон ва макон ичида тасвирланади. Шоир инсонни улуғлаш билан бирга инсонни тарбиялаб вояга етказган ижтимоий муҳитни, она-Ватанни самимий ҳурмат билан тилга олади. Шунга кўра, шоирнинг кўп шеърларида инсонпарварлик ғоялари социалистик Ватанга муҳаббат ғоялари билан узвий боғлиқ ҳолда жаранглайди. Бу жиҳатдан шоирнинг «Самарқанд ушшоғи», «Афросиёб», «Муҳаббат хиёбони», хусусан, «Сонетлар», «Шарқ камалаги» номли сўнги тўпламларига кирган талайгина асарлар диққатга лойиқдир.

Бу асарларда коммунистик жамият қураётган замондошларимиз ҳақидаги, меҳнаткаш инсон — пахтакор ўзбек ҳақидаги сермазмун поэтик фикрлар, ҳаётний деталлар тасвиридан поэтик мушоҳада йўли билан чиқарилган муҳим социал хулосалар тез-тез учраб туради. Масалан, шоир яхлит поэтик характеристикалар орқали пахтакор ўзбек образини яратар экан, пахта ўзбек халқининг бойлиги ва миллий ифтихори деган фикрни асарнинг умумий руҳига сингдириб юборади. Шу билан бирга, пахта устаси сифатида дунё бўйлаб донг таратган халқимизни улуғловчи чиройли ва сермазмун поэтик хулоса чиқаради:

Шу пахта тахтада туриб миллатим;
Дунё китобига ёзмоқда отин.

Баротнинг қуйидаги қуйма мисраларида ҳам ўзбек деҳқонининг бахти ва қаҳрамонона меҳнати самимият билан куйланган:

Пахтани пайваста айлаб бошоққа,
Бошига тож кийди ўзбек деҳқони.

Ўз нурун, қалб қўрин тўкиб чаноққа,
Пахтадек пон бўлди унинг имони.

Шуниси муҳимки, Барот пахтакор ўзбек деҳқони образини яратишда ҳам пролетар интернационализи ва халқлар дўстлиги позицияларида маҳкам туриб қалам тебратеди. Чунки шоир ўзбекнинг пахтачиликдаги шуҳрати рус, украин, белорус, қозоқ, туркман, озарбайжон, тожик, қирғиз каби қардош совет халқларининг беғараз ва самимий ёрдами билан узвий боғлиқлигини чуқур ҳис этади. Ана шунга кўра, унинг шеърларида халқлар дўстлиги руҳи, чунончи, ўзбекнинг улғу рус халқига бўлган биродарлик туйғуси бўртиб туради. Шоир асарларидаги лирик қаҳрамон ўзбек йигити рус, украин, қозоқ, туркман ва тожик дўстлари билан ёнма-ён туриб, янги-янги қишлоқ ва шаҳарлар, завод ва фабрикалар бунёд этади; бепоён, тақир чўллари, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб пахтадан юқори ҳосил олади. Бугина эмас, Барот шеърларидаги лирик қаҳрамон — ўзбек йигити рус поэзиясининг қуёши А. С. Пушкиннинг изини кўзларига буртиб, дилрабо рус куйларини завқ билан тинглайди:

Сиз русларнинг қалбидаги орзу-ўйлари,
Сизни Ленин севганидай севдим юракдан.
О, дилрабо рус куйлари —
Дўстлик куйлари!..

Барот Бойқобилов бепоён социалистик мамлакатимизнинг ҳамма ерини — Россияни ҳам, Украина ва Белоруссияни ҳам, қозоқ ва озар ерини ҳам, тожик ва қирғиз тупроғини ҳам бирдек севади, уни ўз Ватаним деб билади. Шунга кўра у:

Ўз она-Ерим-ку, қўрқма, сулув қиз,
Мен учун ҳамма ер муқаддас, азиз, —

деб она-Ерни қучади.

Шоир ижодида жонажон Ватанимизнинг ажралмас бир бўлаги кўҳна Самарқанд мавзуи муҳим ўрин эгаллайди. Шоир асарларининг анчагинаси қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри, унинг олижаноб кишилари, фахрланса арзайдиган тарихи тасвирига бағишланган.

Баротнинг «Орёмбоғ» шеъридаги лирик қаҳрамон ўзининг она шаҳри Самарқандни жўшқин муҳаббат билан улуғлайди: бу шаҳарда совет фанининг, социалистик маданиятимизнинг янги навқирон авлоди кетма-кет етишиб чиқаётганлигидан фахрланади. Бу туйғу шоирнинг «Студентлар» шеърида янада ҳаяжонлироқ поэтик умумлашмаларда ўз ифодасини топади. Шоир Самарқандда таълим олаётган бахтиёр совет ёшларини гоят самимий мисраларда улуғлайди:

Илм деб аталмиш тубсиз денгиздан
Жавоҳир изловчи уйқусиз авлод.
Ҳаёт оти ила олмас юлдуздан
Қуёшга чорланган қайғусиз авлод.
Кўркам хиёбонда янгротиб кулгу,
Гулшанга файз берган менинг дўстларим.
Қалбларида оташ, олий бир туйғу,
Чўққини кўзлаган олмос кўзларим.

Барот Бойқобиловнинг поэзия дафтаридаги «Самарқанд гўзалига», «Самарқанд ушшоғи», «Самарқандга наврўз келса», «Шоирга таъзим», «Боғишамол», «Регистондаги ўйлар», «Мерос», «Бибихоним мадрасаси қошида», «Шоҳизинда», «Зарафшон мавжлари» сингари ўнлаб шеърлари ҳам Самарқанд илҳомлари асосида ёзилган. Уларни шоирнинг ўз она шаҳри Самарқандга, ақдига вафодор самарқандликларга бўлган чексиз меҳру муҳаббатининг образли ифодаси деса бўлади. Шоирнинг Самарқанд ҳақидаги туркум шеърлари катта ижодий меҳнатнинг маҳсули бўлиб, уларнинг аксариятида Самарқандга хос маҳаллий-миллий колорит балқиб туради.

Шоир Самарқанднинг тарихини тасвирлаганда ҳам, совет давридаги юксалишини куйлаганда ҳам бу шаҳарни машҳур қилган асосий фактларни, характерли деталларни толиб, уларни жой-жойида ишлатади. Шунга кўра, бу туркум шеърлар ўқувчини Самарқанднинг тарихи, «Бибихоним», «Регистон», «Гўри Амир», «Улуғбек расадхонаси» каби маданий ёдгорликлари, эзгу нарсалари, ҳозирги бахтли ҳаёти билан таништириб, муҳим маърифий аҳамият касб этади.

Масалан, «Самарқанд гўзалига» шеърида шоир лирик қаҳрамон қалбидаги ҳароратли ишқ-муҳаббат туйғуларини ифодалаш жараёнида Самарқанднинг ўзига хос гўзалликларини, нозу неъматларини шеър мағзига сингдириб юборади ва уларни мафтун бўлиб куйлайди. Лирик қаҳрамон самарқандлик гўзал ёрга Боғибаланд анжири, осиеги нони, Мўлиённинг узуми, Чўпонота гулларидан олиб, Боғишамол атласидан кийиб, Самарқанд ушшоғини куйлаб келишни илтижо қиладики, бу фикрлар жараёнида байтларга сингдирилган материаллар ва поэтик деталлар шеърнинг тўла-тўқис «Самарқанд шеъри» бўлиб чиқишини таъминлаган:

Гулсафсар сувин олиб кўҳна Афросиёбдан,
Боғишамол «саккиз тепки» атласидан кийиб кел:
Мўлиённинг узумидан, Ургутнинг шаробидан, —
Шаробларнинг камёбидан бир пиёла қуйиб кел.

Лекин, шуни ҳам айтиш лозимки, Баротнинг Самарқандга бағишланган шеърларида гап кўпроқ Самарқанднинг ўтмиши ҳақида, унинг кечмиш тарихи тўғрисида боради. «Самар ва Қанд» достони ҳам шундан далолат беради. Истардикки, шоир совет Самарқанди ҳақида, шаҳримиз кишиларининг ҳозирги бахтли ҳаёти, қаҳрамонона меҳнати, улуғ ишлари тўғрисида ҳам кўпроқ ёзса. Зотан, совет Самарқанди ўтмишдаги кўҳна Самарқандга нисбатан қиёс қилиб бўлмайдиган даражада

обод ва гўзалдир; янги типдаги ажойиб қаҳрамонларга макондир.

Умуман олганда, Барот Бойқобилов ижодида замонавий тематика асосий ўринни эгаллайди. Бунинг устига, шоир қайси мавзунини қаламга олмасин, асарни замонавий руҳ билан суғоради. Бу хусусият шоирнинг Ватан, партия, коммунизм, дўстлик, тинчлик, социалистик меҳнат каби муҳим социал темалар ҳақидаги асарларидагина эмас, балки, шу билан бирга, ишқ-муҳаббат сингарининг интим мавзулар тасвирига бағишланган шеърларига ҳам хосдир.

Барот навқирон ёшлик шоири сифатида ишқ-муҳаббат, ахлоқ ва одоб темасида ҳам анчагина шеърлар ёзган, у севги-муҳаббат, вафо-садоқат мавзуини кўпинча ҳозирги ҳаётимизнинг асосий тенденциялари билан боғлаб, замон ва макон ичида ёритади. Эркин замон ва янги муҳаббат темаларини бир-бирига пайванд қилиб тасвирлайди. Масалан, «Муҳаббат хиёбони» шеърида ишқ-муҳаббат мавзуини тасвирлаш орқали ўтмиш ва совет тузумини таққослайди: шоир ўтмишда ўша адолатсиз ижтимоий тузумнинг айби билан (феодал урф-одатлар сиқигида) фожиага учраган бахти қора муҳаббат ўрнини совет даврига келиб янги, эркин, «охири бахайр» муҳаббат эгаллаганидан қувонади ва бу қувончнинг обривлари қилиб ифодалайди:

Устодлар девонин варақлаб секин
Ошиқлар ҳолидан қалбимда фарёд,
Севги кўчасига кирдим бу бутун
Висол айёмидан кўнглим бўлди шод.

Хиёбон саҳнида айлаб сайру боғ,
Дўстлар менга гутар вафо жомини,
Ошиқлар кўнглида заррача йўқ доғ,
Муқаддас деб билар севги номини,

Саодат бахш этган қутлуғ замонда,
Муҳаббатга чангал солмайди ҳижрон.
Севги деб ҳеч кимса қолмас армонда,
Жафо қафасида озор чекмас жон.

Барот Бойқобилов поэзиясининг тематик доираси янги-янги замонавий мавзулар ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда. Шуниси характерлики, Барот ижоди тематик доира ва ғоявий мазмун жиҳатидангина эмас, балки жанр турлари жиҳатидан ҳам бойиб бораётир. У ранг-баранг шеърлар ёзиш билан бирга сўнгги йилларда «Ҳайкаллар сўзлайди», «Самарқанд ушшоғи», «VI аср билан юзма-юз», «Авлодларга мактуб», «Учинчи авлод», «Самар ва Қанд», «Тожмаҳал», «Сибирь сурури» сингари баллада ва поэмалар ҳам яратди.

Барот айниқса сонет жанрида самарали ижод этмоқда. Барот Петрарка, Шекспир, Мицкевич, Пушкин каби буюк даҳоларнинг сонет жанри соҳасидаги традицияларини ўзбек шеърлятига татбиқ этиш билан бирга, ўзбек классик поэзияси тажрибаларидан фойдаланиб, бу жанрнинг янги-янги қирраларини очиш, унинг ҳалигача «сир» бўлиб келаётган янги имкониятларини кафш этиш устида тинмай меҳнат қилмоқда. У ўзбек шоирлари орасида биринчи бўлиб сонетлар гулчамбарларини («Тўёна») яратди. Сонет жанрида «Қуёш фарзанди» номли дoston ёзди. 150 тача сонетни ўз ичига олган «Сонетлар» китобини ўқувчиларга тақдим этди.

Баротнинг бу жанрдаги изланишлари адабий танқидчилигимизнинг ҳам диққатини ўзига жалб этди. Профессор Салоҳиддин Мамажонов бу ижодий изланишларга ҳақли равишда ижобий баҳо берди. У ўзининг «Ният ва ижро» номли мақоласида: «Ўзбек совет шеърлятида сонетда ўз қаламини синаб кўрган шоирлар йўқ эмас. Бироқ бизда Барот Бойқобилов сингари сонетни ўзбек шеърлятидаги жанрлар сафига қўшишга уринаётган бошқа шоир йўқ. У илдизи XIV асрдан ҳам

узоқроққа бориб етадиган ва Европа адабиётида урф бўлиб келган бу жанрга мурожаат қилиб, маълум ижодий ютуқларга эришаётган экан, бу ерда бошқа объектив сабаблар ҳам бор. Сонетда фалсафийлик, дидактик йўналиш, пурҳикматлилик кучли, бу сифатлар бизнинг классик шеърятимизнинг асосий хусусиятларидан биридир. Сўнгра биздаги рубоий, туюқ, қолаверса, ғазал жанрининг ўзи ҳам ғоят ихчамликни, демак, ижодкордан юксак маҳоратни талаб қилади. Булардаги қофияланиш тартиби ва йўлларида ҳам яхши анъаналар бордир. Ғазалчилар ҳам аксарий вақтда ўз фикр-туйғуларини етти байтга сиғдиришга уринганлар. Мана шундай анъаналар ҳам «Сонетлар» муаллифига ижодий йўналиш берганлиги шубҳасиздир», деб ёзган эди. («Шарқ юлдузи» журнали, 1973 йил, 1-сон, 235-бет).

Баротнинг сонетларида Ватан ва Партия, она ва фарзанд, ҳаёт, замон, эътиқод ва виждон, оила ва муҳаббат, ҳалоллик ва дўстлик, меҳнат ва ижод каби муҳим мавзулар қаламга олинган. Улар бир мақсадга — совет ёшларини бепоён Ватанга, коммунистик эътиқодга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга йўналтирилгандир. Чунки она-Ватан ва унинг бунёдкор кишилари образи доимо шоирнинг диққат марказида туради. Социалистик Ватанни улуғлаш, меҳнаткаш инсонни тарихнинг ва барча эзгуликларнинг яратувчиси сифатида кўрсатиш Барот сонетларининг асосий хусусиятини ташкил этади. Зотан, сонетларнинг аксарияти Ватан, инсон, замон ва имон ҳақидаги чуқур мазмунли поэтик фикрларни яққол ифодаловчи бадий пухта асарлардир. Масалан, сонетлардан бирида мамлакатимиз герби образини яратиш орқали социалистик жамиятимиз ҳақидаги фалсафий фикрлар образли тарзда баён этилади:

Гербим бошдаги беш қирра юлдуз—
Икки юз қирқ миллион халқим юлдузи.

Шу юлдуз рамзида бахтим бор тенгсиэ,
Унга қадалгандир дунёнинг кўзи.

Олтин бошоқлари менинг насибам,
Совет юрти берган ризқу рўз рамзи,
Гербим кўксидаги ўроқ ва болғам —
Ишчи билан деҳқон дўстлигин шамси.

Уни ўраб турган ўн беш байроғим
Ленин шууридан олгандир ёғду.
Ҳар бири жонга тенг, кўзу қароғим,
Шунинг-чун бошимга қўнмагай қайғу.

Мангу тушмасин деб гербимга соя,
Жон билан этурман уни ҳимоя.

Баротнинг аксарият сонетларида самимият ва ички ҳаяжон бор. Шоир кўпинча салмоқли фикр айтади ва бу фикрга мос чиройли сўз ва иборалар ишлатади. Бу хусусият шоирнинг «Шарқ камалаги» тўпламига кирган сонетларда айниқса бўртиб туради. Масалан, «Қуёш фарзанди» асарини олайлик.

«Қуёш фарзанди» — юзта сонетдан ташкил топган ҳароратли, ўзига хос дostonдир. Бу дoston «Муқаддима» ва «Мурод» қисмларидан ташқари тўрт фаслдан (тўрт бўлимдан) иборат. Унда шоир ўзи туғилиб ўсган диёрнинг — Совет Ўзбекистонининг яхлит поэтик образини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган:

Колумб бўлиб, янги бир қитъа —
Кашф этмадим халқимга, лекин,
Унинг олтин бешигини бугун
Тўрт фаслда солдим сонетга.
Сонетларим сенга — эй Ватан,
Гулдастадир ўн тўрт чамандан.

Достондаги юзта сонетнинг ҳаммаси ҳам тематика ва ички мантиқ жиҳатидан ўзаро бир-бири билан мустақкам боғланган бўлиб, улар ана шу катта мавзунинг (Ўзбекистон темасининг) турли томонларини, Совет Ўзбекистони образининг ранг-баранг қирраларини ёритишга бевосита хизмат қилади. Достоннинг характерли хусусияти аввало шундаки, унда бошдан-оёқ давом этувчи ва ривожланиб борувчи тугал сюжет, яхлит воқеа йўқ. Лекин алоҳида-алоҳида сонетлар орқали очилувчи яхлит ғоя, яхлит фикр (катта мазмун) ва ички мантиқий боғланиш (бирлик) мавжуд. Худди ана шу яхлит ғоя ва ички мантиқий боғланиш бу сонетлар гулдастасини бирлаштириб, бутун бир достон ҳолига келтирган.

Бундан ташқари, достонда ягона лирик қаҳрамон образи борки, бу ҳам юзта сонетнинг бирлашиб, тугал бир достон тарзида намоён бўлишида муҳим роль ўйнаган. Чунки автор асарда «Қуёш фарзанди» — Ўзбекистоннинг салобатли поэтик образини яратар экан, жонажон диёримизнинг гўзал табиатини, битмас-туганмас бойликларини, ажойиб одамларини, дўсту биродарларини, совет кишиларининг социалистик жамият туфайли барқарор бўлган бахт-саодатини, она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини, асосан лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини, ҳаёт ва инсон ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ифодалаш орқали акс эттиради. Шоир асарда Ўзбекистоннинг тупроғидан ҳам, пахтаси ва ширин шакар меваларидан ҳам, тоғу қирларидан, дарё, ирмоқ ва булоқларидан ҳам поэтик мазмун топа олган ҳамда бу поэтик мазмунни ўқувчиларнинг қалбига ёқимли қилиб етказа олган:

Пахтажон! Сени кашф қилган соҳибкор
Сенга мос бағри кенг маскан яратди.
Кўм-кўк кенгликларга қил деб ифтихор,
Дарёлар бўйида чаман яратди,

Сенга тоғу тошни қилса гар майон;
Унсанг ҳам, тўймасдинг қуёш нурига,
Дудогинг очилмай, ўртанарди жон,
Афсус қилар эдинг балки умрингга.
Шунинг учун яйраб қулоч от дея,
Сўнгсиз водийларни берди амрингга.
Саратон офтоби сочганда зиё
Ҳайрон қолсин, деди бардош-сабрингга.
Бу маскан, пахтажон, Ўзбекистондир,
Сувию тупроғи танингга жондир.

Кўринадики, шоир социалистик Ўзбекистон ҳаётига, табиатига, она юртимизни машҳур қилган асосий соҳаларга доир ва умуман миллий колоритга оид типик деталларни, характерли штрихларни топа олган ҳамда уларни ўринли ишлатган. Шунга кўра, дostonда республикамизнинг ўзига хос миллий образи қад кўтарган.

Дostonда ўтмишда қолақ ўлка бўлган Ўзбекистон Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнаган социалистик республикага айланганини кўрсатишга алоҳида эътибор берилган. Шоир республикамизнинг ҳозирги қиёфасини реал акс эттириш орқали Ўзбекистоннинг Шарққа машъал бўлган бахтли ўлка сифатидаги образини чизар экан, ўлкамизнинг ободлиги ҳам, халқимизнинг бахтиёрлиги ҳам улуғ Ленин шарофатидандир, деган гоани дostonнинг умумий руҳига сингдириб юборади. Ўзбекистоннинг

...қалбида янграр
Инқилобнинг буюк хитоби,
Бошин силаб ҳар шому саҳар
Парвонадир Ленин офтоби.
Осиёда тенгсиз бу нишвар,
Шарқнинг олтин меҳроби эрур,
Ер қалбига бўлгандай меҳвар
Токи жаҳон тургунча турур.

Чунки уни кашф этиб Ленин
Пешонасин ўпган сўбҳидам,
Бахти кундай туғилди дуркун,
Истиқболни этгани кўркам,
Шунинг учун бу гўзал диёр
Юрагида Ленин меҳри бор.

Шоир асарда табиий равишда социалистик Ватан, хусусан, серқуёш Ўзбекистон образига қайта-қайта мурожаат қилади ва ҳар сафар булар ҳақида пурҳикмат мисралар яратади:

Жондай азиз эрур бу Ватан,
Ватан билан инсон инсондир,
Инсон билан чамандир Ватан.

Автор ўзининг Ватан ва бунёдкор инсон ҳақидаги юрак сўзларини дostonда саҳифама-саҳифа чуқурлаштира ва кенгайтира боради. Зотан, асардаги лирик қақрамон (ватанпарвар совет кишиси) ўз бахтини халқ ва социалистик Ватан бахт-саодатида кўради. Шу билан бирга, у ўзининг гражданлик бурчини чуқур ҳис этади, бутун борлигини халқ ва она-Ватан учун бағишлайди. Шунга кўра, бу лирик қақрамон она-Ватанга мурожаат қилиб:

Қалбимнинг риштаси сендан узилса,
Толеим қора бўлур,
Умрим кошонасин нақши бузилса,
Юрагим яра бўлур, —

деб хитоб қилади.

Шоир дostonда лирика имкониятларидан унумли фойдаланган. Сонетларда халқлар ўртасидаги дўстлик-биродарлик, социалистик меҳнат, совет ватанпарварлиги ҳамда мамлакатимизда коммунистик жамият қуришига

доир бошқа қатор ижтимоий масалалар ҳаётбахш лирика торларига солиб қўйланади.

«Қуёш фарзанди» достони сонет жанрига хос бўлган фалсафий умумлашмаларга, афористик байтларга, В. И. Ленин, Партия, Ватан, она, инсон ва шеърят ҳақида гўзал қилиб айтилган сермазмун поэтик хулосаларга сероб:

Ўзбекистон — Шарқда Ленин кўзгуси,
Ушалгандир бунда Ленин орауси.

ёки

Тонгдай порлоқ умид билан
Она бешик тебратар.
Бешикдаёқ бизга дилдан.
Она қўшиқ ўргатар.

«Қуёш фарзанди» достонининг яна бир фазилати шундаки унда поэтик фикрни асослаш, ўқувчини ишон-гириш ҳамда унга поэзия воситалари орқали таъсир этиш тенденцияси кучли. Шоир умуман ҳаётни, хусусан бош қаҳрамон—Ўзбекистон образини гоҳ секинлик, гоҳ шитоб билан қўйлайди. Бунда у ҳар сонетда ифодаланган ғоявий мазмун характеридан келиб чиқиб, мазмунга мос форма излайди. Натижада кўпинча поэмада мазмун ва форма бирлигига эришади.

Достонда қўйма мисралар, чиройли ва сермазмун байтлар, шунингдек, янги-янги ўхшатишлар, сифатлашлар, жонлантириш ва бошқа хил тасвирий воситалар кўзга тез-тез ташланиб туради. Шоирнинг тоғ, дарё, irmoқ ва булоқ образларини жонлантириши ва тоғларни одамларга ўхшатиши асарда муваффақиятли ва ўринли чиққан.

Тоғлар дарёларни йўллар сафарга,
Издан боқади бир умр бедор.

Дарёлар боғларни чулғаб баҳорга,
Тоғлардек уйқуни билмайди зинҳор.

Дарёлар дош бериб хавфу хатарга,
Чанқоқ чўллар учун этар жон нисор.
Тоғлар бурканганча бошини қорга,
Навбаҳор бағрини айлар лолазор.

Оналар фарзандин кутгандек зор-зор,
Дарёлар қайтишин кутмайди тоғлар,
Далалар бағрида йўқолса агар,
Болам деб, зор қақшаб ўтмайди тоғлар
Балки одамлардан бўлиб миннатдор,
Армонсиз умрни қўмсайди тоғлар.

Барот Бойқобиловнинг «Шарора» (1977) достони ҳам шоир ижодий изланишларининг энг яхши намуналаридан биридир. Асар раҳбар партия ходими ҳозирги даврда замонамизни ҳаракатлантирувчи куч даражасига кўтарилганлигини поэтик жиҳатдан асослашни мақсад қилиб олади. Шоир асарнинг мана шу асосий ғоясини янгича формада акс эттиришга ҳаракат қилган. Достон марказида қолақ областга партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишга келган, партиявий-ташкиллий ишларда чиниққан моҳир ташкилотчи коммунист образи туради. Шоир ҳозирги даврда обком секретари қандай етук фазилатларга эга бўлиши шартлигини асар қаҳрамони мисолида усталик билан кўрсатиб бера олган.

Достонда баён этилишича, эски обком секретари областда халқ хўжалигини бошқариш, меҳнаткаш халқнинг маданий турмушига раҳбарлик қилиш соҳасида устма-уст хатоларга йўл қўйиб, областни ачинарли ҳолга солиб қўяди. Янги обком секретари эса областни ана шу қолақлик гирдобидан чиқариш учун қандай ишларни амалга оширди? Лирик қаҳрамон шу масалани аниқлаш учун областга йўл олади. Афсуски, суҳбатла-

шиш учун ҳар қанча уринмасин, янги обком секретари-
ни учрата олмайди.

У менга узоқ вақт бермади тутқич,
Нечундир кўнглимда уйгонди ўкинч.
Тонг борсам: — Кетди-я, — дейишди, — шу он.
Тун келсам, дедилар: —
Дарак йўқ ҳамон.

Шундан сўнг лирик қаҳрамон обком секретари та-
шаббуси билан вужудга келган ўсиш-ўзгаришларни,
унинг раҳбарлик услубини яқиндан ўрганиш ниятида
халқ ичига йўл олади. У турли касб вакиллари—пахта-
кор Луқмон бува ва Саодат, меъмор, олим, деҳқон,
пенсионер она билан суҳбатлашади. Уларнинг ҳаммаси
ўз коллективларида, қишлоқ ва шаҳарларида бўлаётган
муҳим ижтимоий ўзгарпшлар ҳақида завқ-шавқ билан
сўзлайдилар. Уларнинг ҳаммаси янги секретарнинг ле-
нинча партия принципига хос раҳбарлик услубини, мо-
хир ташкилотчилигини, донолигини, меҳнаткашлик,
одамийлик фазилатларини завқланиб ҳикоя қилади.

Натижада янги обком секретари образи ўзининг
партия сиёсий раҳбарига хос ташаббускорлик, принци-
пиаллик, ижодкорлик, ҳалоллик, поклик, мушоҳада кучи-
нинг кенглиги ва ўткирлиги каби фазилатлари билан
китобхон кўз ўнгида ёрқин гавдаланади.

«Луқмон бува» ҳикоясида қаҳрамон янги секретар-
нинг ободончилик ишларига ҳам катта эътибор берган-
лигини фахрланиш туйғуси билан сўзлайди. Меха-
низатор Саодат эса янги раҳбарнинг халқ кўнглига ёқиб ту-
шадиган қатор ижобий фазилатларини гапириб беради.

Қишлоқда Агроград лойиҳасини жорий этиш учун
кўп йиллар елиб-югуриб, турли тўсиқларга учраган,
аммо ишини ниҳоясига етказолмаган меъмор янги секре-
тарнинг идроки натижасида «Беш йил моғор босиб ёт-
ган лойиҳа юзига нур сочилгани»ни фахрланиб сўзлай-

ди. Меъморнинг ҳаяжонли кечинмалари тасвирдан юқори лавозимдаги партия ходими меҳнаткаш халқ турмушини яхшилашда чуқур билимдонлик билан иш тутиши шарт, деган муҳим поэтик хулоса келиб чиқади. Достонда раҳбарликнинг эскича услубини ўзига дастак қилиб олган собиқ секретарнинг «касали» қуйи раҳбарлик ташкилотларигача юққанлиги ўринли кўрсатиб берилади. Бу колхоз раисининг қишлоқни шаҳарча типига қайта қуриш учун жон куйдирган меъморга нисбатан билдирган қўпол муомаласида очик кўринади.

«Шарора» достонининг «Олимнинг мулоқоти» қисми ҳам эҳтирос билан ёзилган. Унда олим лирик қаҳрамон билан суҳбатда халқнинг маданий савиясини оширишни ижтимоий ҳаёт тараққиётининг муҳим фактори деб ҳисоблайди. Ана шундай фазилатли янги секретарда кўради. Олим янги обком секретари томонидан халқ орасидан етишган ижодкорларнинг меросини ўрганиш, уларнинг номини абадийлаштириш ишига катта партиявий ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидан фахрлапади.

Хўш, собиқ обком секретари ўз раҳбарлик фаолияти да ана шундай камчиликларга йўл қўйганини тан оладими? Ёки шоир янги раҳбарнинг фазилатларини идеаллаштириб кўрсатаяптими? Достонда лирик қаҳрамон собиқ секретарь билан учрашгани, у чўлдаги хўжаликлардан биринга раҳбарлик қилаётганлигини поэтик баён этар экан, бунга ўқувчини ишонтира оладиган деталлар топади. Собиқ секретарь ўз камчиликларини англаб олади. Янги секретарнинг меҳнатда, раҳбарлик бобида тобланган партия ходими эканлигини чуқур ҳис этади. Шунинг учун ҳам баъзи бировларнинг «янги секретарнинг ҳоли нима кечар экан, бу ернинг ўзгача ҳавоси, шароити бор, раҳбарликни эпполмаса керак», деб айтган гапларини маъқулламайди.

Достонда лирик қаҳрамоннинг янги секретарь билан учрашуви ҳам ўзининг поэтик ифодасини топган. Шоир ўз сўзида янги секретарни аввалдан билишини таъкид-

лаб, халқдан у ҳақида олган фикр — тасаввурларини умумлаштириб, унинг эл бахт-саодати учун сидқидилдан хизмат қилишни олий мақсадга айлантирган иш услубини қувватлайди.

Луқмон бува образи исмига монанд, ҳаётдан мукамал тажриба тўплаган, яхши ва ёмонни англаб етадиган заковатли донишманд сифатида тасвирланган. Саодат — областни бошқаришнинг янгича услуби натижасида юзага келган бахтиёрлик, шодлик рамзи бўлиб кўринади. Бундай гапларни дostonдаги бошқа номлар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Хуллас, дostonдаги кўп образлар, айниқса янги секретарь образи жонли ва тўлақонли чиққан. Янги секретарь образини ўзбек совет поэзияси учун янгилик дейиш мумкин.

«Шарора» достони тил ва бадий маҳорат жиҳатидан ҳам юқори савияда яратилган. У ширали тилда равон ёзилган. Унда сермазмун байғлар, янги-янги қофиялар оригинал ўхшатиш ва сифатлашлар кўплаб учрайди.

Шоирнинг чет элларга қилган сафари натижасида юзага келган «Шарқ гулдастаси» шеърини туркуми ҳам ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди. Асарда гуманистик ва интернационалистик ғоялар тараннум этилади, мазлум Шарқ мамкалатларидаги меҳнаткашлар ҳаётидан типик лавҳалар чизилади. Уларнинг оғир ҳаёти, мустақиллик учун олиб бораётган кураши, орзу-истаклари акс эттирилади.

Умуман Барот Бойқобилов поэзиясининг фазилатлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шоир шеърларининг, айниқса, сонетларининг ҳаммасини ҳам бирдек етук асарлар деб бўлмайди. Улар орасида «Тўёна» («Олтин тўй») каби ажойиб сонетлар билан бир қаторда, «Фироқда», «Кузнинг сўнгги купи бугун». «Саксон кун юртимни этдим сайрибоғ». «Дерларки, қояга солганда чангал» каби бадий жиҳатдан бўш асарлар ҳам учрайди. Шоирнинг айрим шеърларидан ҳали ҳам ортиқча риторика ва гап-

донлик аломатлари сезилади. Ихчамлилик, сўзга хасислик, янги фикр, катта маъмун баъзан етишмай қолади.

Маълумки, поэзия мухлислари турли темаларда яратилган интим шеърлар, сонетлар, баллада ва поэмалар билан бирга, жанговар сиёсий лирика намуналарини ҳам иштиёқ билан ўқийдилар. «Манзил бошида Ленин», «Қуёш оғушидаман», «Коммунизм манифести», «Ассалом, коммунизм», «Биринчи комсомолларга», «Ўрта Осиё» каби шеърлар Барот Бойқобиловда сиёсий лирика яратиш бобида ҳам катта ижодий имкониятлар борлигидан далолат беради. Лекин, негадир, у шу имкониятлардан етарли фойдаланмаётир. Биз шоирдан ер юзидаги барча прогрессив кишиларни қизиқтирадиган проблемаларни, тинчлик, озодлик, дўстлик, биродарлик, социализм ва коммунизм мавзуларини сиёсий лирика торларига солиб кўплаб шеърлар яратишини истар эдик.

Хуллас, Барот Бойқобилов ўсаётган, изланаётган шоир. Шунинг учун ҳам ҳозир Барот ижодининг асосий йўналиши ва характерли хусусияти — доимо изла ниш, янгиликка интилиш, ҳаётни совет воқелигини навқирон ёшлик ториға солиб куйлашдан иборатдир,

ДУШАН ФАЙЗИЙ — ШОИР ВА ДРАМАТУРГ

(Адабий портрет штрихлари)

Душан Файзий 1926 йилда Бухоро область, Қизилтепа районида туғилган. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида таълим олган, Улуғ Ватан урушида иштирок этган ижодкордир.

Душан Файзий адабиётга 50-йилларнинг иккинчи ярмида лирик шоир сифатида кириб келди. Ана шу ўтган давр ичида шоирнинг «Туғилган куним» (1957), «Зарафшон» (1958), «Қалбим сеники» (1962), «Наво» (1963), «Ёр хаёли» (1968), «Буюклик» (1970), «Севги илҳоми», «Онаизор», «Зарафшон қасидаси», (1975), «Самарқанднома», (1976), «Достонлар», (1979) сингари шеър тўпламлари нашр этилди. Бу тўпламларнинг тематик доираси кенг ва ранг-барангдир. Уларда жамғарилган шеърлар лирик туйғуларга ва ички ҳиссиёт тасвирига бой, шоир ўз шеърларида улуғ Ленинни, Коммунистик партияни, жонажон диёрни ва садоқатли ёрни, дўстлик ва ёшликни, эркин меҳнат ва озод ҳаётни, бахт ва саодатни, севги ва муҳаббатни лирика торларига солиб завқ-шавқ билан куйлайди.

Шоир ўзининг «Қалбим сеники» номли тўпламини куйидагича дебоча шеър билан бошлаган эди:

Фазилати кўпдир элимнинг,
Қалбим мангу унинг ошиғи.
Адо бўлмас айтсам дилимнинг
Унга бағишланган қўшиғи.

Бу шеърда куйланган гоյ Душан Файзий поэзиясининг лейтмотивини ташкил қилади. Зотан, шоир ўз ижодида Ватан темасига қайта-қайта мурожаат қилади ва ҳар сафар социалистик Ватаниннг улуғворлигини, гўзаллиги ва бошқа фазилатларини янги образлар, ҳар хил приёмлар воситасида тараннум этади. Шоир бир шеърда:

Нега Ватан мунчалик гўзал,
Нега севинч сиғмас дилимга,
Нега ҳар кун бир дунё ғазал
Ўйнаб-ўйнаб келар тилимга, —

сингари поэтик савол қўйиш ва унга образли тарзда жавоб бериш орқали Ватанимизнинг реалистик образини чизса, бошқа бир шеърда она-Ватанга бевосита мурожаат қилиб, унинг буюклигини, бепоёнлигини умумлаштириб кўрсатади.

«Қалбим кўзгусида кўраман» шеърда тасвирланмишча, лирик қаҳрамон ҳар қанча истаса-да, унинг назари бир қарашда Ватан жамолини тўла қамрай олмайди. Шунинг учун у:

Майли дейман, боқиб тураман,
Чунки сенинг улуғлигингни
Қалбим кўзгусида кўраман! —

дейди.

Душан Файзий шеъриятида замондошимиз бўлган оддий меҳнаткаш инсон образини яратиш, инсон қадрқимматининг улуғлигини тасвирлаш, меҳнаткаш халқни тарихнинг яратувчиси сифатида кўрсатиш проблемаси марказий ўринни эгаллайди. Шуниси муҳимки, бу проблемани акс эттиришда шоир маҳорати асардан асарга ўсиб бормоқда. Шоирнинг 70-йиллардаги ижоди, хусусан, «Буюклик», «Самарқанднома», «Онаизор», «Зараф-

шон қасидаси» сингари шеър тўпламлари ана шундан далолат беради. Бу жиҳатдан «Зиналар» шеъри характерлидир. Бу шеърни мазмунига кўра жўшқин баллада ёки алангали қасида дейиш мумкин. Асарда мактаб пар-тасидан жангга жўнаб кетган, ўсмирлигини окопларда ўтказган, Улуғ Ватан урушидан ғалаба билан қайтиб, университет бағридан ўрин олган, нон ўрнига ҳам китоб тутган, университетдан назм ва нафосатни, билим-до-нишни ўрганган замондошимизнинг умр саҳифалари, ҳаёт лавҳалари ёрқин ифодаланган. Асарда Самарқанд ва айниқса, Самарқанд дорилфунуни совет кишиларини билим, маърифат, садоқат оловида тобловчи табаррук даргоҳ сифатида улуғланган. Ҳаёт, замон, эътиқод ва виждон ҳақида чуқур поэтик фикрлар баён қилинган.

Дарҳақиқат, Душан Файзий қайси мавзуни қаламга олмасин, ундан тарбиявий-эстетик аҳамияти муҳим бўл-ган ижтимоий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади. Масалан, «Улуғбек юлдузи» шеърини олайлик. Шоир шеърда Улуғбекни диний жаҳолат ҳукмронлик қилган бир вақтда ўз халқига илму фан нурини таратган буюк олим сифатида таърифлайди ҳамда Улуғбекнинг буюк даҳоси олдида таъзим қилиб, илм-фан машъалини ёққан олим асло ўлмайди, у халқ қалбида мангу яшай бе-ради, деган хулосага келади:

Элатлар наздида бордир ривоят:

Инсон вафот этса —

Сўнармиш юлдуз,

Минг айланди замон!

Муъжиза ғоят —

Улуғбек юлдузи сўнмамиш ҳануз!

Душан Файзийнинг ота-она ва фарзанд, одоб ва ах-лоқ, ҳалоллик ва тўғрилиқ, виждон ва бурч ҳақидаги «Фарзанд», «Чинорлар», «Севинчларим сизга», «Чашма», «Садоқат» каби шеърлари ҳам юрак қўри билан йўғрил-

ган. Бинобарин, улар ҳам янги фикрлар, янги образ ва тасвирий воситалар асосига қурилган ва ёқимли қилиб ёзилган. Мана «Фарзанд» шеъри. Унда совет кишиларининг фарзандга бўлган янги муносабатлари лирик қаҳрамоннинг психологик ҳолатини тасвирлаш орқали очиқ берилган.

Маълумки, ўтмишда қиз туғилса ота-она қайғуга тушар эди. Чунки ўтмишда хотин-қизларга паст назар билан қарар эдилар. Совет замонида эса хотин-қизлар эркаклар билан тенг гражданлик ҳуқуқига эга бўлдилар. Лекин айрим кишилар ойгида қиз туғилса изтироб чекиш ҳолатлари ҳозирги кунда ҳам учраб туради. «Фарзанд» шеъридаги она ҳам, бир томондан, фарзанднинг туғилишидан, ўзининг она бўлишидан қувонади. Иккинчи томондан эса, фарзанднинг қиз эканини ўз эрига очиқ юз билан айта олмай, ийманиб ерга қарайди. Шоир бу ўринда «гуноҳкор» онага онгли, янги типдаги ота образини қарама-қарши қўйиш билан катта ижти мой аҳамиятга эга бўлган ана шундай масалани ҳал қилиб беради:

Кўзимиз учрашгач қарадинг ерга,
Титрагандек бўлди бутун вужудинг.
Гўё —
Рўпарамда турардинг зўрға.
Юзимга қаролмай,
Секин: «Қиз», дединг.
Тортинма, азизам,
Хўрсинма асло.
Фарзанднинг фарқи йўқ, —
Ўғилми,
Қизми.
Қани, бетини оч,
Кўрайин роса.
Бағрингга босганинг қизми,
Юлдузми?!

Душан Файзий муҳаббат ва садоқат мавзуида ёзилган шеърларида ҳам умумийлик ва мавҳумликдан қочади, мавзуни кўпинча конкрет замон ва макон ичида тасвирлайди. Масалан, «Шофёр соатига қарар», «Истараси бунча иссиқ», «Айтсинми, айтмасинми...», «Зарафшон барноси», «Фароғат», «Ёз назокати», «Синов кунларида» каби шеърларидаги лирик қаҳрамонлар пахта далаларининг қаҳрамонлари бўлиб, улар шеърхон кўз ўнгида ўзларининг аниқ қиёфаси, психологияси билан реал гавдаланадилар. «Истараси бунча иссиқ» шеърида тасвирланган шича теримчи қиз Малоҳатхонга бир нуруний кампирнинг ҳаваси келади ва у «истараси мунча иссиқ. О, қанийди келин қилсам, қиз бунга кўнармикан», деган гапни кўнглидан ўтказди. Ана шундан кейин шоир:

О, онажон! Ўғлинг ҳар кеч,
Учрашар шу қиз билан,
Бунисидан хабаринг йўқ,
Беҳабарсан, меҳрибон, —

дейди. Бу шеърда яхшигина сюжет штрихлари (воқеабандлик) ҳам самимий лирика ҳам бор. Ёки «Шофёр соатига қарар» шеърида севгилисига кечқурун учрашиш ҳақида ваъда берган шофёр йигитнинг ички кечинмалари, меҳнатга ва ўз бурчига бўлган муносабати лирик йўл билан ажойиб тарзда очиб берилади.

Тўғри, Душан Файзийнинг баъзи асарларида турли характердаги бадий қусурлар («Бахт куйчиси», «Гулқайчи», «Зарафшонга», «Чашма», «Землянкада», «Бадаҳшонлик рубобчи қизга», «Қўшиқ», «Келин» ва бошқалар) ҳам учрайди. Лекин умуман олганда, Душан Файзий изланувчан, уқтирганимиздек, асардан асарга ўсиб бораётган истеъдодли шоирдир. Бу фикрни шоирнинг лирик шеърлари билан бирга, «Дўстлик қўшиғи»

(1954), «Тонг йўлида» (1959), «Онаизор» (1965), «Икки қалб» (1968), «Аср монологи», «Самарқанднома» (1970), «Баҳор гуллари» (1974), сингари поэмалари ҳам тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, Душан Файзий ижодида дoston жанри ҳам муҳим ўрин тутди. Унинг дostonлари фақат тематик жиҳатдангина эмас, жанр турлари жиҳатидан ҳам хилма-хилдир. Чунончи, улар орасида лирик поэмалар ҳам, лиро-эпик асарлар ва қасида-дostonлар ҳам бор. Масалан, шоирнинг «Тонг йўлида» дostonи лиро-эпик характерга эга. У мамлакатимиздаги революцион кураш тарихини ёритишга бағишланган бўлиб, унда Ленин ва социалистик революция мавзуи муваффақият билан акс эттирилган.

Поэма сюжетига Самарқанднинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасидаги ҳаёти асос қилиб олинган. Унда большевикларнинг социалистик революцияни тайёрлашдаги жонбозликлари, уларнинг меҳнаткаш халқ орасида олиб борган тушунтириш ишлари, рус халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги самимий дўстлик мароқли қилиб тасвирланган. Шу билан бирга, В. И. Лениннинг инқилоб арафасида чет элдан Петербурга (ҳозирги Ленинградга) келиши, революцион курашга бевосита раҳбарлик қилиши воқеалари ҳам дoston сюжетига табиий равишда сингдириб юборилган. Асарда воқеликнинг эпик тасвири билан лирик тасвири ўзаро боғланиб кетган. Дostonдаги Нурмат билан Светанинг севги-муҳаббатини тасвирловчи ўринларда ҳам, чолнинг ўтмиш тўғрисидаги ҳикоясида ҳам, Нурматнинг ўтган кунларни эслашида ҳам лирик жўшқинлик кишининг диққатини тортади. Шоир дostonда бадий символикани ҳам ўринли қўллаган. Бу жиҳатдан поэманинг бошланиш ва якун қисмлари характерлидир. Чунки автор дostonнинг бошланишида революциядан олдинги аянчли ҳаёт қаргиналарини чизар экан, атайлаб тун манзарасини танлайди ва шу орқали Октябрдан олдинги ҳаёт-

нинг жабру жафолари картинасини символик йўл билан
очиб беради.

Тун бошланиб,
Некса Самарқанд
Сингиб кетди унинг қўйнига,
Ҳора даҳшат яна осилди
Гадоларнинг эгик бўйнига.

Поэманинг охирида шоир Самарқанд тонгини тасвирлар экан, Улуғ Октябрь тонги отиб, мазлумлар озодликка эришаётганликларига ишора қилади. Бунда шоир Улуғ Октябрь революцияси ғалабасини тонг отишига ўхшатади ҳамда шу ўхшатиш ёрдамида Самарқандда ҳам тун чекинганлиги, барча меҳнаткашларга ёруғлик, бахт-саодат келганлигини мажозий йўл билан кўрсатиб беради.

Душан Файзийнинг «Дўстлик қўшиғи» поэмаси совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни куйлашга бағишланган. Асарда Улуғ Ватан уруши давридаги жанг манзаралари акс эттирилади. Шу билан бирга украин қизи Нинанинг ярадор ўзбек йигити ҳаётини сақлаб қолгани, улар ўртасидаги ишқ-муҳаббат, Нинанинг синглиси Валянинг уруш даврида ўзбек оиласида етимлик нима эканини билмай тарбиялангани каби воқеалар лиро-эпик планда ҳикоя қилинади.

Автор образ яратишда табиийликка, реалликка интилади. Бинобарин, у ўз қаҳрамонларини идеал образлар даражасига кўтармайди, уларга дабдабали қаҳрамонликларни ва ғайри табиий мўъжизаларни тақмайди.

Поэма сюжет ва композицион қурилиш жиҳатидан ҳам диққатга сазовордир. Шоир бунда ортиқча тасвирларга, баёнчиликка берилмайди. Воқеаларни ихчам қилиб кўрсатиш, типик картина яратиш йўлидан боради. Воқеадан воқеа чиқариб, асосий сюжет линиясини яратади. «Дўстлик қўшиғи» поэмасида тасвирланган воқеа-

нинг бошланиш нуқтаси, айни вақтда, дoston воқеасининг тугалланиш қисми ҳамдир. Бошқача қилиб айтганда, шоир поэма сюжетини бир бадий чекиниш доирасига (рамкасига) жойлаштириб тасвирлаган. Шуниси характерлики, поэма воқеаси Москва—Волга каналида сузиб бораётган кеманинг Кремль қирғоғига бурилиши тасвири билан символик тарзда тугайди. Бундай ечим воситасида шоир дўстлигимиз, ижтимоий меҳнатимиз ва бахтли сафаримизнинг ҳаммаси ўз хайрли якуини Москвадан, Кремлдан топади деган ғояни олға суради. Бу ўринда шоир Москва—Волга каналини—коммунизм йўлига, каналда сузиб бораётган кемани — Совет мамлакатига, Кремль қирғоқларини эса — коммунизм қирғоқларига ўхшатади.

Поэма турли хил бадий-тасвирий воситаларга сероб. Шоир оригинал ўхшатишлар, сифатлашлар, муболағалар, мажоз ва жонлантиришлар ярата олган ва уларни ўрни-ўрнида ишлата олган:

Днепрда тошқинлар бўлди,
Қон аралаш тўкилган ёшдан.

Яна:

Кўтарилди тўплар хартуми,
Снарядлар учди ҳар томон.

Ёки:

Боқча кирсанг, олча, гилослар
Кўрсатади лабинг аксини.

Шоирнинг «Самарқанднома» асари кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқанд ҳақида ёзилган қасида-дostonдир, лирик-фалсафий йўналишда яратилган бу поэма услуби жиҳатидан М. Шайхзоданинг «Тошкентнома»

достонига яқин туради. Қасида-достон Самарқанд шаънига айтилган қуйидаги мисралар билан бошланди:

Ассалом, Самарқанд!
Сайқали жаҳон.
Пири бадавлатим, бобойи калон.
Шаҳарлар зебоси — гўзал Самарқанд.
Асрлар тилида ғазал — Самарқанд.
Шаҳри Самарқандки — фирдавс монанд,
Фирдавс монанддир — шаҳри Самарқанд.
Сенинг сулувлигинг олдида, сўзсиз,
«Лаъл қалъа» чиройи кўринур нурсиз.
Бугун бошинг узра чақнамиш офтоб,
Мадҳинг таъриф этур зарварақ китоб.

Достонда бошдан-оёқ давом этувчи яхлит ва тугал сюжет йўқ бўлса-да, яхлит гоя ҳамда умумлашма образ бор. Ана шу яхлит гоя ва яхлит образ асардаги айрим айрим лавҳаларни (достон йигирма лавҳадан — бобдан ташкил топган) бирлаштириб туради.

«Самарқанднома»нинг асосий қаҳрамонлари — ажойиб шаҳар Самарқанд, самарқандликлар ҳамда лирик қаҳрамон шоир образидир.

Достоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у маҳаллий-миллий колорит билан суғорилган. Шоир Самарқанднинг ўзига хос гўзалликларини, нозу неъматларини, обидаларини, кишиларимизнинг ажойиб фазилатларини достоннинг умумий руҳига сингдириб юборган ва уларни мафтун бўлиб куйлаган. Самарқанд образини яратиш жараёнида шоир томонидан достондаги байтларга сингдирилган маҳаллий материаллар ва поэтик деталлар бу асарнинг Самарқанднома бўлиб чиқишини таъминлаган. Достонни бемалол ўзбек совет адабиётининг ютуғи дейиш мумкин.

Душан Файзийнинг «Аср монолог» лирик достони ҳам жанр жиҳатидан «Самарқанднома»га яқин туради.

Чунки бунда ҳам яхлит сюжет ва асарнинг бошидан охиригача давом этувчи бир бутун воқеа йўқ. Бироқ унда ҳам алоҳида-алоҳида лавҳалар орқали очилувчи яхлит ғоя, яхлит фикр, ички мантиқий боғланиш бор.

Достоннинг марказида улуғ доҳий Ленин образи туради. Шоир Ленин образини яратиш билан бирга, инсоният тарихига буюк Ленинни берган янги аср — Ленин асри, Ленин замонасининг реалистик образини чизишга интилади. Достонда инсонга муҳаббат, тинчликни ва озодликни улуғлаш, урушга, ва империализмга нафрат руҳи, ленинизмнинг бутун жаҳон миқёсида тантана қилишига комил ишонч руҳи лейтмотив сифатида бўртиб туради:

Бугун дунё элатлари
Бир сафда туриб,
Олқишлашар
Ленинизм туғилган кунни
Замирида келажакнинг
Иқболин кўриб,
«Фавқулодда қаҳрамон!»
Деб аташар уни!
Фарзанд бўлса,
Бир оила, бир эл қувончи,
Ленинизм —
Бутун олам бахти, таянчи!

Хуллас, Душан Файзий лирик шеърлар ёзишда ҳам, лиро-эпик асарлар (достонлар) яратишда ҳам жиддий ютуқларга эришмоқда.

Душан Файзий поэзиясида бўртиб кўринувчи тематик актуаллик ва ранг-баранглик унинг драматургиясига ҳам хосдир. Унинг «Зарафшон қизи» (1961), «Атласхон» (1963), «Келин келди» (1969), «Қорасоч» (1971), «Ун етти ёшликлар» (1973), «Ғазал ва муҳаббат» (1975), «Кечиринг, онажон» (1976), каби саҳна асарлари ана

шундан гувоҳлик беради. «Қорасоч» драма-си тарихий-революцион мавзу тасвирига бағишланган. Унда совет кишилари билан синфий душманлар ўртасида 20-йилларда бўлиб ўтган ҳаёт-мамот кураши акс эттирилган. Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида жон фидо қилиб, душманлар қўлида ҳалок бўлган комсомол қиз — Қорасоч асарда янги авлод вакили сифатида кўрсатилган. Душан Файзийнинг «Атласхон» («Биринчи учрашув») драмасида ҳозирги замон ёшларининг ҳаёти, уларнинг ўзаро муносабатлари, орзу-истаклари акс эттирилади.

«Атласхон» пьесасида оддий меҳнаткаш совет кишининг қадр-қиммати учун кураш, инсонпарварлик ғоялари, шунингдек, коллектив раҳбарлик принциплари асар сюжетида сиғдириб юборилган.

Автор Атласхон образида ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларни ўзида мужассамлантирган ва кўпчиликнинг таъсирида салбий одатлардан қутула борган қизни кўрсатмоқчи бўлган. Қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаб колхозга ишга келган Атласхон мен бош агрономман, деб колхоз раиси ва партком секретари билан келишмасдан ўзбошимчалик қилади. Колхознинг илғор бригадири Оқил ака томонидан чигит экишга тайёрлашиб қўйилган ерга маккажўхори эктириб юборади. Атласхоннинг бундай хатти-ҳаракатлари Оқил акани ҳам, колхоз раиси Олим акани ҳам, шунингдек, унинг севгилиси Эркинни (колхоз партия ташкилотининг секретари) ҳам ташвишга солади.

Пьесада кўрсатилишича, Атласхон ўжарлик, манманлик ва тажрибасизлик натижасида муайян хатоларга йўл қўйиб, колхоз раҳбарлари билан сану манга боргач, колхоз раиси уни ишдан бўшатиб, ташвишдан бир йўла қутулиш йўлини тутати. Лекин кўпчилик хусусан колхоз партия ташкилоти эса умуман Атласхонга қарши эмас, балки унинг характеридаги баъзи бир салбий томонларга қарши курашиб, Атласхонни тузатиш йўлини тутати.

Драма сюжети кўпчилик тутган йўлнинг ғалабаси билан, Атласхоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши билан тугайди.

Кўринадики, «Атласхон» драмасининг сюжети муайян ҳаётгий конфликтлар асосига қурилган. Конфликтнинг реаллиги ва унинг табиий равишда ривожлантирилиб, тўғри ҳал этилиши эса, асардаги Атласхон, Эркин, Оқил ака, Бегмон, Даврон Замоний, Олим ака каби образлар характерининг очилишида муҳим роль ўйнаган. Бироқ пьесада воқеаларни яхлит сюжет линиясига бирлаштириб туриш қуввати бирмунча кучсиз. Айниқса пьесанинг финали бўш чиққан. Унда схематизм ва юзакичилик мавжуд.

Душан Файзийнинг «Келин келди» драмасида ҳам ҳозирги ҳаёт — замонавий мавзу акс эттирилган. Унда автор ҳаётда учраб турадиган баъзи бир иллатларни — порахўрликни, чайқовчиликни, очкўзлик ва ғаламисликни фош қилиш орқали илғор ғояларни улуғлайди.

Драмада кўрсатилишича, бир вақтлар давлат ва халқ иши учун жон куйдириб ишлаган фабрика директори Ғойиб кейинчалик хотини Ойимхон сатанг ва атрофидаги бошқа баъзи ҳаромхўр шахсларнинг таъсирига берилиб, хатарли йўлга кириб кетади. Фабрикада ишлаб чиқарилган энг тансиқ маҳсулотларни ўз ҳамтовоқлари орқали бозорда сотиб, мўмай пул орттиради. Ҳашаматли ҳовли-жой қурдириб, кайф-сафо билан ҳаёт кечири бошлайди. Аммо бу даври даврон узоққа бормайди. Чунки шу пайт Гулнора исмли ёш инженер қиз фабрикага ишга келади ва Ғойибнинг ҳаловатини бузади.

Ғойибнинг ўғли Собир Гулнорани севиб қолади. Буни сезган Ғойиб ўз сирларининг очилиб қолишидан қўрқиб, уларнинг никоҳ тўйини тезроқ ўтказиб юборишга шошилади. Бу билан Ғойиб фабрикада ҳаммадан ҳалолликни талаб қилаётган ёш инженер қизни ўз йўриғига юргизишни, ўзига бутунлай тобе қилиб олишни ўйлайди. Бироқ натижа Ғойиб ўйлагандай бўлиб чиқмайди. Гулно-

ра уйига келин бўлиб келгандан сўнг ҳам Ғойиб «тинчимайди». Ғойибни ўғрилиқ устида қўлга туширади. Бу кўнгилсиз воқеа, ўз навбатида, Собир билан Гулнора орасига совуқлик туширади. Собир ўз отаси Ғойибнинг гарафини олиб, хотини Гулнорани уйдан қувишгача бориб етади. Кейинча Собир масаланинг асл моҳиятини англаб, ўз хатоларини тан олади.

Ғойибнинг қинғир иши фош этилиб, иши судга тушгач, хотини Ойимхон сатанг вафосизлик қилади: уйдаги ҳамма қимматбаҳо нарсаларни олиб чиқиб кетади. Ғойибнинг бошқа шерикларининг ҳам унга муносабати тамоман ўзгаради. Буларни кўргач, Ғойиб руҳан қийналади. Шу билан бирга, келини Гулноранинг тўғри иш қилганини англайди. Муаллиф драмада ҳалоллик ва ростгўйлик сингари юксак инсоний фазилатлар ҳаётда тобора кенгроқ қулоч ёзаётганлигини, чуқур ва мустақам илдиз отаётганини умумлаштириб кўрсатган.

Пьесадаги Гулнора, Шукур, Райҳон каби ижобий образлар ҳам, Ғойиб ва Ойимхон сатанг сингари салбий образлар ҳам реалистик бўёқларда чизилган. Бироқ драма сюжетида ихчамлик ва яхлитлик етишмайди. Баъзи эпизодлар асосий воқеага унчалик ёпишмайди. Шунингдек асарда чала ишланган персонажлар ва мантиқан етарли асосланмаган ситуациялар учрайди. Бундан қатъий назар, «Келин келди» драмаси муайян тарбиявий эстетик аҳамиятга моликдир.

Душан Ғайзий пьесалари орасида унинг «Зарафшон қизи» асари алоҳида ажралиб туради. Бу пьеса тема эъгибори билан ўз вақтида драматургиямизда янгилик бўлган эди. Пахта териш ишини машиналар бўйнига юклашда илғор колхозчиларимизнинг олиб бораётган курашларини акс эттириш орқали механизациянинг афзалликларини намойиш қилиб кўрсатиш — «Зарафшон қизи» пьесасининг марказий проблемасидир. Бу актуал проблемани ёритиш учун зарур бўлган материални ва бўёқларни автор ҳаётдан топа олган.

Антимеханизатор бригадир Болта ака Зарафшон қизи — Кумушнинг машинада пахта теришига турли йўллар билан тўсқинлик қилади. Натижада социалистик қишлоқнинг Кумуш, Пўлат, Олтин, Ойдин опа, Каримжон, Теша ака, сингари илғор кишилари билан қолақ тушунчали бригадир Болта ака ўртасида кескин зиддият келиб чиқади. Драматург асар конфликтини изчиллик билан ривожлантира бориш орқали эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни ва янгиликнинг ғалабасини умумлаштириб кўрсатиб беради.

Пахтачиликнинг келажаги қўл ва кетмонники эмас, балки машинаники эканига қатъий ишонч Кумушнинг кучига куч қўшади, унга битмас-туганмас ғайрат бағишлайди. Шу сабабли Кумуш ўзининг антимеханизаторлик кайфиятини амалга ошириш йўлида ҳар қандай хатти-ҳаракатдан қайтмайдиган Болта ака қаршисидә эсанкираб қолмайди. Кумуш мустаҳкам иродага, катта куч ва ғайратга эга бўлган олов қиз сифатида томошабин муҳаббатига сазовор бўлади.

«Зарафшон қизи» музыкали драма (композитор Д. Соатқулов) бўлиб, у республикамизнинг бир қанча театрларида (Тошкент, Самарқанд, Андижон область театрларида) муваффақият билан саҳналаштирилди.

Хуллас, Душан Файзий лирик шоир ва драматург сифатида самарали ижод қилаётган санъаткордир. Унинг яна янги-янги асарлар ёзиб адабиётимиз хазинасига ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

МУНДАРИЖА

Қириш	8
КПСС совет адабиётининг раҳбари ва илҳомчиси	7
Традиция ва новаторлик масалалари	29
Новаторлик ва фольклор традициялари	61
Адабиётда миллийлик ва интернационаллик ҳақида	87
Хаёл каби сўнгсиз	97
Навқирон ёшлик шоири	123
Душан Файзий — шоир ва драматург	146

На узбекском языке

САЙДУЛЛА МИРЗАЕВ

ИДЕЙНОСТЬ И ХУДОЖЕСТВЕННОСТЬ

(Монография)

Редакторлар *М. Махмудов, Т. Алимов*

Рассом *Т. Шумская*

Расмлар редактори *В. Немировский*

Техн. редактор *Н. Жураева*

Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ № 1084

Босмахонага берилди 25.02.81. Босишга рухсат этилди 11.07.80. Р 14360. Формати 70×108^{1/32}. Босмахона қоғози № 2 Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 7,0. Нашр л. 7,06 Тиражи 2000. Заказ № 1500. Баҳоси 70 т. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 703129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича область бошқармасининг Морозов номи босмахонаси. Самарқанд, У. Турсунов кўчаси 82. 1980 й.